

**O‘zbekiston Respublikasi**

**Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi**

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

# XORIJIY FILOLOGIYA

*til • adabiyot • ta’lim*

ilmiy – uslubiy jurnal

Samarqand

---

**3 (60)/ 2016**

---

**Ministry of Higher and Secondary Special  
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

# FOREIGN PHILOLOGY

*Language • Literature • Education*

Scientific-methodology journal

Samarkand

**Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.**  
**№3 (60), 2016.**

*Уч ойда бир марта чиқадиган  
илмий-услубий журнал*

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар  
институти

Таҳрир хайъати:

**ТУХТАСИНОВ Илҳомжон (раис)**  
**САФАРОВ Шаҳриёр (бош муҳаррир)**  
**АШУРОВА Дилором**  
**АШУРОВ Шаҳобиддин**  
**БУШУЙ Анатолий**  
**ТУРНИЁЗОВ Неъмат**  
(муҳаррир ўринбосари)  
**РИЗАЕВ Баҳодир**  
**ХОЛБЕКОВ Муҳаммаджон**  
**ИСМОИЛОВ Салоҳиддин**  
**КИСЕЛЁВ Дмитрий**  
**ҲАЙИТОВ Салоҳиддин (масъул котиб)**

Жамоатчилик кенгаши:

**БУШУЙ Татьяна**  
**ГИЙОМ Оливье (Франция)**  
**КИДА Цуйоши (Япония)**  
**СИГМИЛЛЕР Стив (АҚШ)**  
**РАҲИМОВ Сотiboldи**  
**УСМОНОВ Ўрал**  
**ЖИАНГ Фенг (Хитой)**  
**РАҲИМОВ Ғанишер**  
**МИРЗАЕВ Ибодулло**

*Журнал Олий Аттестация комиссиясининг  
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014  
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан  
зарурий наشرлар рўйхатига киритилган.*

Таҳририят манзили:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93,  
СамДЧТИ.

Телефонлар: (998-662)233-78-43;(998-662)231-13-42

Факс: (998-662) 210-00-18.

Email: [ssifl\\_info@mail.ru](mailto:ssifl_info@mail.ru)

*Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва  
ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам  
билан рўйхатга олинган.*

ISSN: 2181-743X; Индекс 1266.

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти,  
2016 йил.

**Foreign Philology: Language, Literature, Education.**  
**№3 (60), 2016.**

*Scientific-methodical journal*

Founder: Samarkand State Institute of Foreign  
Languages

Editorial Board:

**TUKHTASINOV Ithomjon (chairman )**  
**SAFAROV Shahriyor (editor-in-chief)**  
**ASHUROVA Dilorom**  
**ASHUROV Shahobiddin**  
**BUSHUY Anatoliy**  
**TURNIYOZOV Nemat(vice editor)**  
**RIZAYEV Bakhodir**  
**KHOLBEKOV Mukhammadjon**  
**ISMAILOV Salohiddin**  
**KISELYOV Dmitriy**  
**HAYITOV Salohiddin (executive secretary)**

Public Council:

**BUSHUY Tatyana**  
**GUILLAUME Olivier (France)**  
**KIDA Tsuyoshi (Japan)**  
**SEEGMILLER Stev (USA)**  
**RAKHIMOV Sotiboldi**  
**USMONOV Ural**  
**JIANG Feng (China)**  
**RAKHIMOV Ganisher**  
**MIRZAEV Ibodullo**

*The journal is included in the list of required  
publications according to the recommendation of the  
expert council in filological sciences of Higher  
Attestation Committee (Proceeding #2 from March 10,  
2014).*

Address:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.

Phone: (998-662) 233-78-43;(998-662)231-13-42

Fax: (998-662) 210-00-18

Email: [ssifl\\_info@mail.ru](mailto:ssifl_info@mail.ru)

*The journal is registered under No 09-12 by  
Samarkand Regional Department of press and  
information.*

ISSN: 2181-743X; Index 1266.

The journal has been published since 2001.

© Samarkand State Institute of Foreign Languages,  
2016.





*Журналнинг мазкур сони юртимиз Мустақиллигининг 25 йиллигига ва мустақил ўзбек давлатининг Буюк Меъмори Ислом Каримовнинг ёрқин хотирасига бағишланмоқда.*

*Қисқа давр – 25 йил давомида мамлакатимизда асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилганлигига биз гувоҳмиз, дунё қойил-у лол. Бундай ижобий ўзгаришлар, ютуқларнинг барчаси бевосита Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг номи билан боғлиқ. Элим, юртим деб умр кечирган, миллат равнақи учун ўзини фидо қилиб яшаган буюк раҳбар, доно сиёсатчи, халқнинг чексиз муҳаббатини қозонган ИНСОН хотираси қалбларда мангу яшайди.*



## ПРЕЗИДЕНТ МАРСИЯСИ

*Дунёравон, дунёравон, дунёравон йўлида,  
Бир қўлида қурол, яна кабутар бир қўлида.  
Ярми бузгун, ярми қузгун, ярми қашқир дунёда,  
Қўйиб берсанг бир-бирини гажиб ташир дунёда –  
Эгни юпун, ҳоли забун, бўйни эгик, нотапон,  
Ўзбекларни тўфонлардан ким сақлади соғ-омон?  
Қай улуг зот бу миллатга номус берди, ор берди,  
Кўкрагини осмон қилиб бургут берди, сор берди?  
Ай Ватаним, ай онажон, у ҳақсиз замонларинг,  
Авлиёю азизларинг – топталган маконларинг!  
Дунёравон, дунёравон – гоҳи тўқ, гоҳ оч тараф,  
Ярми ҳилол тараф бўлса, ярми эса хоч тараф.  
Арслон бўлиб истибдодга қўрқмай панжа солди ким?  
Миллат юкин, Ватан юкин елкасига олди ким?  
Қай улуг зот халос айлаб тухмату жазолардан,  
Қутқаролди ўз халқини балою қазолардан?  
Темурхоннинг наслидан деб фарзга олсам арзигай,  
Ўз бобомдан шу каломни қарзга олсам арзигай.  
Ай онажон, ай болажон, ай жонга жон, отажон,  
Ўзбекистон Ватан бўлди, Ўзбекистон, онажон!  
Садоқату тимсолидай буюк бу юрт – фарзандинг,  
Йиғла ўзбек, йиғла она, кетмиш буюк фарзандинг.  
Истиқлолнинг балогати, чорак аср тонгида,  
Ўз ота ҳам онасию, Соҳибқирон ёнида,  
Бажо айла бунинг сўнги хоҳишу армонини –*



*Ерга кўйди бутун миллат миллатнинг сарбонини.  
Кўкда кўёш тўхтаб қолган: “Қандай буюк мотам?..” дер,  
Ота уйи “Болам!..” дейди, ёшу -қари “Отам!..” дер.  
Борми яна шундай дилбанд, жони жонингга пайванд,  
Йигла ўзбек, йигла она, йигла қадим Самарқанд!  
Она юртим, таскин бергин шаҳру қишлоқларингга,  
Юзларимни босиб йиглаймен ҳам байроқларингга.  
Хомуш қолмиш зам чеккандай мисли оқ тилакларинг –  
Мустақиллик майдонида турнаю лайлакларинг.  
Кўрдим сени – қайғудасан, юлдузимсан, кунимсан,  
Қизимдирсан, синглимдирсан, оғамдирсан, инимсан,  
Йигла букун, ай болажон, йигла Ватан, онажон:  
Руҳингиз шод бўлсин, биздан рози бўлинг, отажон!  
Орзу-ниятизсиз кетмас, сўнмас улуг мақсадлар,  
Барчасини рўёб айлар Сиз ўстирган фарзандлар.  
Қарам бўлмас бундан буён ҳар ёву ҳар ётга юрт,  
Ўзбекистон – она юртдир, Ўзбекистон – ота юрт.  
Дунё гарчи қалқиб ётар – тўқ тараф ҳам, оч тараф,  
Элим дея, юртим дея ёнган зотларга шараф!  
Бутун умри, бор ҳаёти – дахлдорлик, қарздорлик,  
Буюкларга – озод Ватан, обод Ватан ёдгорлик.  
Ай болажон, ай онажон, йигла Ватан, онажон:  
Руҳингиз шод бўлсин, биздан рози бўлинг, отажон!*

**Сирожиддин Саййид,  
Ўзбекистон халқ шоири**



## МУНДАРИЖА

### МАҚОЛАЛАР

Йўлдошев Б. Ўзбек тилшунослигининг муस्ताкиллик йилларидаги тараққиёти хақида.....	9
Холбеков М. Ўзбекистонда таржима ва таржимашунослик.....	16
Бушуй А. Полный толковый словарь узбекского языка – фундаментальный труд в мировом лексикографическом процессе .....	43
Ашурова Д. Развитие когнитивной лингвистики в Узбекистане.....	54
Рахимов С., Содиқова Д. Ўзбекистонда чоғиштирма лингвистиканинг тамал тоши кўйилишига доир мулоҳазалар .....	61
Боймирзаева С., Йўлдошев Б. Миллий тилшуносликда матн ва уни ўрганиш муаммолари .....	67
Мирсанов Ғ. Ўзбекистонда прагмалингвистика тараққиёти.....	76
Акбаров А. Язык и культура – взгляд в прошлое и будущее через лингвистическую призму.....	84
Примов Б., Бегматов М. Аспектологические исследования в Узбекистане.....	93
Сафаров Ш. Тилшуносликнинг навбатдаги вазифалари.....	98

## CONTENTS

### REPORTS

Yuldashev B. Development of Uzbek linguistics during the period of Independence .....	9
Xolbekov M. Translation and translation studies in Uzbekistan .....	16
Bushuy A. The descriptive dictionary of the Uzbek language – fundamental work in the world lexicography .....	43
Ashurova D. The development of Cognitive Linguistics in Uzbekistan.....	54
Raximov S., Sadikova D. About development of contrastive linguistics in Uzbekistan ....	61
Boymirzayeva S., Yuldashev B. Text and problems of its investigation in Uzbekistan ....	67
Mirsanov G. Development of pragmalinguistics in Uzbekistan.....	76
Akbarov A. Creativity of the language and using the language as communication is peculiar to human being.....	84
Primov B., Begmatov M. Aspectual studies in Uzbekistan.....	93
Safarov Sh. Future tasks of linguistics.....	98





## ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

*Йўлдошев Бекмурод,*

*Самарқанд давлат университети профессори*

*Калим сўзлар: буржуа фани, марксистик методологияга ёт фан, компонент, формал-функционал, антропоцентрик талқин.*

Республикамизнинг мустақилликка эришганига бу йил чорак аср тўлади. Бу тарих учун қисқа муддат бўлса-да, аммо ана шу даврда мамлакатимиз иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида жуда улкан ўзгаришлар содир бўлди. Собиқ шўролар тузуми 70 йил давомида миллатларни ягона социалистик миллатга бирлаштиришдек бемаъни сиёсатни юритгани учун миллий кадриятларимиз, маънавий анъаналаримиз унутилар даражага келиб қолган эди. Мустақиллик йилларига келиб аждодларимиз қолдирган бой маданий-маънавий меросимизни оммалаштириш, уларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини белгилаш имконияти вужудга келди. Бу ўринда Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абдуҳолик Ғиждувоний, Имом ал Бухорий, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий каби буюк алломаларнинг бой илмий ва бадиий меросини ўрганиш соҳасида амалга оширилган салмоқли бунёдкорлик ишларини кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя. Бу даврга келиб асрлар давомида онгимизда сингиб қолган мутелик, қарамлик психологияси ўрнини аста-секинлик билан эркинлик, ижодкорлик, фидойлик психологияси эгаллай бошлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил, суверен давлат сифатида БМТ аъзолигига қабул қилинди, ҳозирги кунга келиб 160 дан ортиқ мамлакатлар билан

Ўзбекистон дипломатик муносабатлар ўрнатган. Ана шунга ўхшаш ютуқларнинг барчаси мамлакатимизнинг муқаддас тимсоли бўлган миллий тилимизнинг ҳам дунё бўйлаб катта обрў-эътибор топишига мустаҳкам замин ҳозирлади. Ана шундай шароитда давлат тили бўлган ўзбек тилининг ички лексик-грамматик тузилиши, тарихий тараққиёт босқичларини ўрганувчи тилшунослик фани ҳам тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш...” [1] чора-тадбирларини кўришимиз лозим бўлади.

Мустақиллик йилларига келиб собиқ шўролар даврида ҳукмрон бўлган рус тилшунослиги андозалари асосида тилимизнинг фонетик, грамматик ва луғавий тизимини ўрганишдек зарарли анъанадан воз кечилди. XX асрда ягона фан методологиясига айланиб улгурган



марксистик таълимот занжиридан халос бўлиш ва оламни, тиллар тизимини илмий билишда энг яхши фалсафий таълимотлардан эркин фойдаланиш имкониятининг вужудга келганлиги мамлакатимиз тилшунослигининг илмий-назарий асосларини янада мустақкамлашга олиб келди [2]. Натижада собиқ шўролар даврида “буржуа фани”, “марксистик методологияга ёт фан” деб эълон қилинган структур-системавий тилшунослик ва унинг тил бирликларини текшириш методлари мустақиллик шарофати билан ўзбек тилшунослиги доирасида кенг миқёсда қўлланиладиган бўлди [3].

Ўзбек тилшунослигида умумий ва хусусий илмий тадқиқот методологияси ҳамда методларини чуқур ўрганиш, ёш тадқиқотчилар онгига уларни сингдиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу ўринда таниқли файласуф олима, проф. Н.Шермухамедованинг “Фанларнинг фалсафий масалалари” (Тошкент, “Университет”, 2005), Т.Бушуй, Ш.Сафаровларнинг “Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси” (Тошкент, “Фан”, 2007), проф. А.Нурмоновнинг “Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари” (Тошкент, “Академнашр”, 2012), Ш.Сафаровнинг “Тил назарияси ва лингвометодология” (2015) каби салмоқли илмий изланишлари эълон қилинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Агар истиқлолга эришилгунга қадар ўзбек тилшунослиги асосан ўзбек тилининг фонетик ва грамматик тузилишини оддий тавсифий асосда ўрганиш билан шуғулланган бўлса, мустақиллик йилларига келиб ўзбек тили материаллари негизда умумназарий тилшунослик муаммоларини ҳал қилишга, тилшунослик назарияси ва лингвистик таълимотлар тарихи масалаларини ёритишга эътибор қаратиладиган бўлди. Бу даврга келиб А.Абдуазизов, Р.Расулов, Н.Турниёзов, Б.Ўринбоев, М.Ирискулов, А.Нурмонов, Ш.Искандарова каби олимларнинг тилшунослик назариясига

бағишланган дарслик ва ўқув қўлланмалари, шунингдек А.Нурмонов, Б.Ўринбоев, Х.Жабборов каби олимларнинг “Ўзбек тилшунослиги тарихи”га оид асарлари майдонга келди. Фақат истиқлол туфайли ўзбек тилшунослиги ўзининг узоқ тарихга эга эканлигини, ўзбек тилшунослари айрим Европанинг донгдор тилшуносларидан анча олдин қиёсий-тарихий тилшунослик, контрастив лингвистика, идеографик луғатлар яратиш каби бир қатор йўналишларга асос солганликлари, лексемалар мазмуний мундарижасини узвий (компонент) таҳлил асосида ёритиш анъанага айланган ҳозирги шароитда бу усул XV асрлардаёқ ўзбек тилшунослари томонидан кенг қўлланилганлигини ёритиш ва илмий жамоатчиликка етказиш имконияти вужудга келди [4].

Энг муҳими, истиқлол даврида ўзбек тилшунослигида олимлар орасида методологик яқка ҳокимликдан методологик плюрализм (хилма-хил ёндашув анъанаси)га ўтиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Натижада бир объектга турли томондан ёндашувлар, шу асосда бир тил соҳасига оид турлича қарашлар майдонга кела бошлади. Мустақиллик йилларига келиб ўзбек тилшунослигида анъанавий, структур-семантик (формал-семантик), формал-функционал сингари илмий йўналишлар эркин фаолият кўрсатиши учун етарли шароит вужудга келди. Ана шунинг учун бу илмий йўналиш вакиллари ўртасида баҳс-мунозаралар кучайди. Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, Н.Маҳмудов, Ҳ.Неъматов, А.Нурмонов, Ё.Тожиев, Ш.Сафаров, Б.Ўринбоев, И.Мирзаев сингари таниқли ўзбек тилшунослари бу баҳс-мунозараларнинг фаол иштирокчисига айланиб қолдилар. Бу эса ўз навбатида тадқиқотчилар диққат-эътиборини кўпроқ тилшуносликнинг назарий масалаларига жалб этишга сабабчи бўлди.

Истиқлолгача тилшуносликнинг назарий масалалари асосан рус



тилшунослари томонидан ўрганилар эди, иттифоқдош мамлакатлардаги тилшунослар эса уларга эргашиш, уларнинг илмий қарашларини конкрет миллий тилларга татбиқ этиш билан шуғулланиб келганлар. Мустақиллик йилларига келиб ўзбек тилшунослари назарий муаммоларни ҳал этишга дадил киришдилар. Жумладан, тилнинг системалик характери, структураси, фонема, морфема, лексема, сўз, сўз бирикмаси, гап қурилмалари, матн каби тилнинг асосий қурилиш бирликлари билан боғлиқ мунозарали масалаларни ҳал этиш бўйича бир қатор изланишлар олиб борилди. Бу ўринда академик А.Ҳожиёвнинг ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларига доир йигирмага яқин илмий мақолаларини, шу асосда вужудга келган йирик монографик тадқиқотини эслашнинг ўзи кифоя [5]. Ёки биргина сўз бирикмалари синтаксисининг назарий муаммоларига доир иккита илмий тадқиқот майдонга келганлигини алоҳида таъкидлаш лозим: А.Мадаминовнинг “Сўз бирикмалари синтаксисининг назарий масалалари” (2013), С.Назарованинг “Сўз бирикмаси синтаксиси субстанциал талқинда” (2015) номли тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Истиклол даврида мамлакатимизга структур тилшунослик анъаналари кириб кела бошлади. Бу эса ўзбек тилининг ички тузилиш бирликларини тадқиқ этишга катта имкониятлар яратиб берди. Машҳур тилшунос олим Ф. де Соссюр томонидан яратилган тил-нутқ дихотомияси (зидланиши) назарияси асосида ўзбек тилининг барча сатҳларида имконият, моҳият сифатида мавжуд бўлган тил бирликларининг нутқий жараёнда бевосита моддийлашуви ўртасидаги муносабатни ўрганишга жиддий эътибор бериладиган бўлди.

Маълумки, ҳеч бир тилни “тил эгаси” бўлган шахсдан ажратган ҳолда тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Негаки ҳар бир нутқий мулоқот жараёнида сўзловчи шахснинг интилиши, воқеликка

муносабати, тил бирликларидан фойдаланиш малакаси сезилиб туради. Ана шу муаммоларни тадқиқ этиш билан боғлиқ ҳолда тилшуносликда антропололингвистика йўналиши вужудга келди. Шунга кўра антропололингвистиканинг шаклланиши жаҳон тилшунослари томонидан тилшуносликнинг янги даври деб баҳоланмоқда. Антропололингвистика тилнинг ички тузилишини сўзловчи ва тингловчи шахс билан боғлаб ўрганувчи лингвистик семантика, прагмалингвистика, когнитив лингвистика, нейролингвистика каби бир қатор йўналишларни ўз ичига қамраб олади. Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигида антропололингвистика соҳасида ҳам қатор илмий изланишлар олиб борилганлиги эътиборга молик. Бу ўринда акад. А.Ҳожиёв, проф. М.Миртожиев, проф. Н.Маҳмудов каби олимларнинг лингвистик семантика, М.Ҳакимов, Ш.Сафаровларнинг прагмалингвистика ва когнитив лингвистика соҳалари бўйича олиб борган қизиқарли тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, проф. А.Нурмонов ва доц. А.Раҳимовнинг “Лингвосинергетикага кириш” (2013), проф.Ш.Сафаровнинг “Когнитив тилшунослик” (2006), “Прагмалингвистика” (2008), “Семантика” (2013), “Тил назарияси ва лингвометодология” (2015), проф. М.Миртожиевнинг “Ўзбек тили семасиологияси” (2010), “Ўзбек тили фонетикаси” (2013), проф. Э.Бегматовнинг “Ўзбек тили антропонимикаси” (2013), проф. М.Ҳакимовнинг “Ўзбек прагмалингвистикаси асослари” (2013), проф. Н.Ҳусановнинг “Ўзбек антропонимлари тарихи” (2014) номли йирик монографик тадқиқотлари ўзбек тилшунослигининг мустақиллик йилларидаги катта ютуғи бўлди.

Шу билан бирга мустақиллик йилларида ўзбек тилининг турли сатҳларини шу тилнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда



ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Ҳ.Жамолхоновнинг “Ўзбек тилининг назарий фонетикаси” (2009), А.Абдуазизовнинг “Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси” (2010) каби салмоқли асарлари, Э.Бегматов, М.Миртожиев, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Ҳ.Шамсутдинов, Ҳ.Дадабоев, Ш.Искандарова, А.Собировларнинг лексикологияга, А.Ҳожиев, Ш.Шаҳобиддинова, Ж.Элтазаровларнинг морфологияга, Н.Маҳмудов, Р.Сайфуллаева, М.Курбонова, Д.Лутфуллаевларнинг ўзбек тили синтаксисига бағишланган асарлари ўзбек тилшунослигини мустақиллик йилларида янги босқичга олиб чиқди, дейиш мумкин. Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигининг эришган катта ютуқларидан бири проф. Ш.Раҳматуллаевнинг уч китобдан иборат “Ўзбек тили этимологик луғати” (2000, 2003, 2009)нинг яратилиши бўлди. Шу билан бирга беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (2006-2008)нинг майдонга келиши бугунги ўзбек тили лексикасининг ойнаси саналади [6]. Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида жаҳонга юз тутиши, ёшларимизда ҳорижий тилларни ўрганишга эҳтиёжнинг кучайиши жуда кўплаб икки ва уч тилли таржима луғатларининг яратилишига сабабчи бўлди. Шунингдек, мустақиллик йилларида ўзбек лексикографияси “Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати” (2001), “Қашқадарё кишлоқномаси” (2009), “Чирокчинома” (2010), “Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари луғати” (2011), “Маънавиятдан ўзбекча-русча-инглизча-французча-арабча луғат” (2012), “Зоминнинг тил қомуси” (2012), “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати” (2013), “Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати” (2014), “Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати” (2015) каби янги типдаги лексикографик манбалар ҳисобига бойиди. Кирилл ва латин алифбосида 85

мингдан ортиқ сўзнинг имловий меъёрлари ўз аксини топган “Ўзбек тилининг имло луғати” (2013-2014) нашр этилди.

Тилшунослик ютуқларини ва тилимиз имкониятларини содда ва ширали тил билан оммага таништиришга қаратилган лингвопублицистика йўналишининг шаклланиши ва тараққиёти ҳам мустақиллик даврининг катта ютуғи саналади. Бу йўналишнинг ривожига акад. А.Рустамовнинг “Сўз хусусида сўз” (1987, 2010), проф. Н.Маҳмудовнинг “Ўзимиз ва сўзимиз” (1997), “Маърифат манзиллари” (1999), “Тил” (2001), “Тилимизнинг тилла сандиғи” (2012), П.Қодировнинг “Тил ва эл” (2005, 2010), А.Аъзамнинг “Тил номуси” (2013), Э.Воҳидовнинг “Сўз латофати” (2014) каби асарлари алоҳида ўрин тутади.

Тил фақат кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлибгина қолмай, уларнинг олам ҳақидаги билимларини келажак авлодга етказувчи муҳим қурол саналади. Мустақиллик йилларида тил воситаларидан нутқ жараёнида ўринли фойдаланиш, нутқ маданияти муаммоларига бағишланган бир қатор асарлар майдонга келди. Шулар орасида проф. Н.Маҳмудовнинг “Ўқитувчи нутқи маданияти” номли асари алоҳида ўрин тутади. Бу асарда муаллиф нутқ маданиятига лисоний фаолиятнинг таркибий қисми сифатида ёндашиб, ёшларда тил завқи, назокатли сўз сезгиси, сўздан ҳузурланиш ҳиссини шакллантиришга интилади [7].

Маълумки, лингвистика ва поэтика узвий алоқада, бир томрдан ўсиб чиққан икки шохчадек бадиий матн таҳлили билан шуғулланади. Мустақиллик йилларида бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлили соҳасида проф. И.Мирзаев, М.Йўлдошев, М.Ёқуббекова, Г.Муҳаммаджонова, Д.Неъматова, Л.Жалолова, А.Ҳасанов сингари бир қатор тадқиқотчилар самарали ишларни амалга оширдилар. Айниқса М.Йўлдошевнинг “Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари” (2007),



“Бадий матн лингвопоэтикаси” (2008), “Бадий матннинг лисоний таҳлили” (2009), С.Боймирзаеванинг “Бадий матн ва қўшма гап” (2008), “Матн мазмунида темпораллик семантикаси” (2009), “Матн модаллиги” (2010), Б.Йўлдошевнинг “Бадий асар тили масалалари” (2016) каби монографик тадқиқотлари илмий-назарий жиҳатдан чуқурлиги, мантиқий изчиллиги, назарий фикрларнинг амалиёт билан уйғун эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Д.Худойберганованинг “Матннинг антропоцентрик тадқиқи” номли монографияси (2013) ва шу асосда ҳимоя қилинган “Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини” мавзусидаги докторлик диссертацияси (2015) ўзбек тилшунослигида матн тилшунослиги муаммоларининг янада чуқур тадқиқ этишни бошлаб берди. Худди шунингдек, А.Мамажонов ва М.Абдупаттоевнинг “Матн назарияси” номли асари (2016) матн типларининг услубий-семантик хусусиятларини атрофлича тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

XX асрнинг 70 йили давомида рус тилини “ягона умумхалқ тили”га айлантириш сиёсати бошқа халқларнинг тиллари, жумладан ўзбек тилини эркин ривожлантириш, бу тилнинг илмий, расмий-идоравий услубларининг ривожига салбий таъсир этди. Чунки собиқ иттифокда фундаментал тадқиқотлар асосан рус тилида олиб борилар, барча бошқарув ва хўжалик идораларининг ҳужжатлари рус тилида юритилар эди. Натижада XX асрнинг 50-80-йилларида ўзбек тилининг илмий ва расмий услуби биров ночор аҳволга тушиб қолди.

Мамлакатимизда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши (1989) ва истиқлолдан сўнг унинг янги таҳрири корхона ва муассасаларда давлат тилида иш юритишни Қонун билан мустаҳкамлаб қўйди. “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги Қонунининг 19-моддасида “Муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари

мухрлари, тамғалари, иш қоғозларининг матнлари давлат тилида бўлади”, - деб белгилаб қўйилган.

Лекин узоқ йиллар ҳужжат ишлари асосан рус тилида юритилгани сабабли кўпчилик ўзбекча ҳужжат юритишни унутган эди. Ана шундай пайтда ўзбек тилида иш юритишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга кучли зарурат пайдо бўлди. Мустақиллик берган ана шу имконият туфайлигина ўзбек тилшунослиги тарихида биринчи марта М.Аминов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов ва Н.Маҳмудовлар томонидан “Иш юритиш” асари яратилган эди. Шу кунгача тўрт марта қайта тўлдирилган ҳолда нашр қилинган бу асар ҳозирги вақтда ҳар бир корхона ва муассасанинг ҳужжатлар юритиш бўйича дастуриламалига айланди; ўзбек тили расмий иш юритиш услубининг меъёрлашишига асос бўлиб хизмат қилди [8].

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ахборот технологиялари жадал суръатлар билан ривожланиши ўз навбатида компьютер лингвистикаси соҳасининг шаклланишига мустаҳкам замин ҳозирлади. Кейинги йилларда компьютер лингвистикасига бағишланган А.Пўлатов, Б.Йўлдошев, А.Раҳимов каби олимларнинг асарлари нашр қилинди [9]. Бу эса ўзбек тилшунослигини янги йўналиш билан бойитишга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос тилшунос кадрлар тайёрлаш ишига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу даврда ҳорижий тилларда бемалол мулоқот қила оладиган, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида эришилган фан ютуқларидан шу мамлакат тили орқали эркин фойдалана оладиган, ўзбек фанини дунёга танита оладиган ёш, келажаги ғоят порлоқ илмий тадқиқотчилар етишиб чиқди. Масалан, филология фанлари доктори Ж.Элтазаров Германия, Франция, Япония, Корея, Туркия сингари мамлакатларнинг университетларида





профессор лавозимида ишлаб, олтойшунослик муаммоларидан маърузалар ўқиди, шу асосда мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги эришган ютуқларни дунёга танитмоқда. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мустақилликнинг кўлга киритилиши билан мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратилди. Юртбошимиз И.А.Каримов мустабид тузумдан қолган дарслик ва кўлланмаларнинг таълим тизими олдига қўйилаётган талабларга жавоб бермаслигини таъкидлаган ҳолда, республикамиз олимлари олдига замонавий талабларга жавоб бера оладиган янги дарслик ва ўқув кўлланмалари яратишни энг муҳим вазифа қилиб қўйган эди [10]. Ана шундан келиб чиқиб мамлакатимизда “Она тили”дан таълимнинг барча бўғинлари учун бир неча вариантда дарсликлар яратилди. Бундай дарсликлар танловида Н.Маҳмудов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан 5-, 6-, 7-, 9-синфлар учун ёзилган “Она тили” дарсликлари, М.Қодиров раҳбарлигида ёзилган 8-синф учун “Она тили” дарслиги, А.Нурмонов раҳбарлигида академик лицейлар учун ёзилган уч жилдлик “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслиги, А.Рафиев етакчилигида касб-хунар коллежлари учун ёзилган “Ўзбек тили ва адабиёти” дарслиги ғолиб деб топилди ҳамда шу кунгача бир неча марта нашр этилди. Шу билан бирга мамлакатимизда турли хил ўқув луғатларининг ўндан ортиқ тури нашр этилиб, улар ўқув жараёнига кенг татбиқ этилмоқда [11]. Мактаб ўқувчилари учун “Она тили” деб номланган қомусий

луғатнинг нашр этилиши ҳам ўзбек лингводидактикасида муҳим воқеа бўлди [12]. Олий таълимнинг филология факультетлари учун эса Ш.Раҳматуллаев, М.Миртожиевлар, шунингдек Р.Сайфуллаева етакчилигида муаллифлар жамоаси томонидан бир неча вариантда “Ҳозирги адабий ўзбек тили” (2006; 2010), “Ҳозирги ўзбек тили” (2007), “Замонавий ўзбек тили” (Морфология, 2008; Синтаксис, 2010) каби дарсликлар яратилди.

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослиги сўнгги йигирма беш йил ичида ўзбек тилининг барча сатҳ бирликларини шу тилнинг ўз ички хусусиятларини эътиборга олган ҳолда илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш соҳасида салмоқли ютуқларни кўлга киритди. Шўролар даврида анча оқсоқланиб қолган расмий ва илмий услубларни меъёрлаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Эндиги вазифа ўзбек тилининг маҳаллий шевалари лингвоареал атласини яратиш, олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун ўзбек тилшунослигининг сўнгги ютуқларини эътиборга олган, илмий-услубий жиҳатдан дарслик талабларига тўла жавоб берувчи, истиқлол руҳини ўзида акс эттирувчи, ҳамма учун мақбул келадиган “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигини яратиш, фонопоэтика, морфопоэтика, синтаксемпоэтика сингари масалалар билан жиддий шуғулланишдир. Ўйлаймизки, ўзбек тилшунослари бундай вазифаларни ҳам оғишмай амалга оширадилар ҳамда мамлакатимизда истиқлол туфайли юритилаётган эркин тил сиёсатининг чинакам тарғиботчиларига айланадилар.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. 87-бет.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи // Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1999. 14-бет.
3. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007. 12-17-бетлар.



4. Бу ҳақда қаранг: Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Тошкент: “Таълим” нашриёти, 2009. 133-140-бетлар.
5. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 7-155-бетлар; Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи // Нурмонов А. Танланган асарлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лингвистик таълимотлар тарихи. – Тошкент: Академ нашр, 2012. 226-439-бетлар.
6. Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясашининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – 256 б.
7. Бу луғатлар ҳақида қаранг: Султонмурод Олим. Ҳазина // “Маърифат” газетаси, 2008 йил 15 октябрь; Мадвалиев А. Ўзбек лексикографиясининг улкан ютуғи // Ўзбек тилшунослиги XXI асрда (республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Қарши: ҚаршиДУ нашри, 2008. 75-78-бетлар; Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. 37-42-бетлар ва бошқалар.
8. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. 7-183-бетлар.
9. Аминов М., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Маҳмудов Н. Иш юритиш. Амалий қўлланма. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2012. – 448 б.
10. Рахимов А. Компьютер лингвистикаси асослари. – Тошкент: “Академнашр”, 2011. – 160 б; Пўлатов А.Қ. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 520 б; Йўлдошев Б. Компьютер лингвистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2012. – 124 б. ва бошқалар.
11. Бундай луғатлар ҳақида қаранг: Сайфуллаева Р., Эрназаров Т. Ўқув луғатлари яратиш – долзарб вазифа // Тил ва адабиёт таълими, 2007. № 4. – Б. 4-6; Йўлдошев Б. Ўзбек лингводидактикаси таракқиетида ўқув лексикографиясининг ўрни масаласига доир // НавоийДПИ ахборотномаси, 2015, 1-сон. – Б. 67-73.
12. Она тили (мактаб ўқувчилари учун). Қомус. Тузувчилар: Б.Менглиев, Ў.Холиёров, Х.Қодирова. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2010. – 268 б.

*Йўлдошев Б. О развитии узбекского языкознания в годы независимости. В данной статье изучены основные этапы развития узбекского языкознания в годы независимости Узбекистана (1991-2016 гг.).*

*Yuldashev B. Development of Uzbek linguistics during the period of Independence. In this article main stages of the development of Uzbek linguistics during the period of Independence are described.*



## ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИК (1991-2016 йиллар)

*Холбеков Муҳаммадjon,  
Жиззах давлат педагогика институти профессори*

*Калим сўзлар: таржима, таржимашунослик, адабиёт, асар, илмий мақола, роман.*

Жаҳон цивилизацияси тарихида XX аср – “таржима асри” (П.-Ф. Кайе) деган ном олди. Нафсиламбр, минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек таржимачилиги ҳам ўтган асрда мисли кўрилмаган натижаларга эришди, жаҳон адабиётининг шох асарлари билан халқимизни таништирди. Аср давомида Чўлпоннинг Шекспир (“Ҳамлет”)дан, Усмон Носирнинг Лермонтов (“Демон”)дан, Ойбекнинг Пушкин (“Евгений Онегин”)дан, Эркин Воҳидовнинг Гёте (“Фауст”)дан, Абдулла Ориповнинг Данте (“Дўзах”)дан, Қодир Мирмуҳамедовнинг Ҳомер (“Илиада”)дан қилган таржималари адабиётимиз тарихида муҳим воқеалар бўлди, қолаверса, юқоридаги асарларнинг тилимиздаги барқарор таржималарига айланди.

XX асрнинг иккинчи яримига келиб бадиий таржима тушунчаси ёнида илмий таржима, машина таржимаси, синхрон таржима каби янги йўналишлар пайдо бўлди. Муҳими, таржима асарларининг сифат даражасини аниқловчи, унга баҳо берувчи таржима назарияси фани юзага келди. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларига келиб республикамиз олий ўқув юртларининг филология ва журналистика факультетларида таржима назарияси ва амалиёти курси ўқитила бошланди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қошида бадиий таржима секцияси, Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институтида таржима назарияси сектори, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) да таржима назарияси кафедраси фаолият кўрсата бошлади. Хуллас, кўп ўтмай Ўзбекистонда ҳам собиқ иттифоқ ва хорижий мамлакатлардаги таржима ва таржимашунослик марказлари билан

рақобат қила оладиган таржимачилик мактаби майдонга келди. Ҳатто, ЮНЕСКО тассарруфидаги ФИТ (Халқаро таржимонлар федерацияси) симпозиумларида ҳам ўзбек таржима ва таржимашунослик мактаби ҳақида илиқ фикрлар билдирилди<sup>1</sup>.

Мустақиллик бадиий ижоднинг барча жабҳалари каби таржимага ҳам кенг йўл очди, таржимон ва таржимашуносларимиз учун жаҳонга чиқиш имкониятлари яратилди. Ўтган йигирма беш йил ичида ижоднинг тасвирий санъат, мусика ва кўшиқ турлари бўйича жаҳон майдонига чиқдик, десак муболаға бўлмайди. Аммо юксак бадиий ва таржима асарлари яратиш борасида жаҳон адабий жараёнидан ҳали ўз ўрнимизни топа олганимизча йўқ. Пировард натижада бой тажриба ва имкониятларга эга бўлган таржимачилигимиз мустақилликнинг дастлабки йилларида бир қадар турғунлик даврини бошидан кечирди. Демокчиманки, бу йилларда таржимашуносларимиз ФИТнинг Москва (1993), Лондон (1995), Геттенген (1996), Мельбурн (1998), Ванкувере (2002), Тампере (2005) конгрессларида иштирок қилмади ёки таржиманинг назарий муаммоларига бағишланган йирик монографик тадқиқотлар (Қ.Мусаевнинг “Таржима назарияси асослари” (2005) ва Б.Илёсовнинг “Искусство поэтического перевода” (2007) монографиясини ҳисобга олмаганда) яратишмади. Ёзувчилар уюшмаси қошидаги таржима секциясининг йиллик ҳисоботлари ҳам ўзининг олдинги ижодкорлик шижоатини йўқотди.

<sup>1</sup> Қаранг.: Babel. Revue internationale de la traduction. Vol. XXIV, 1978, № 3-4, p. 144-149.





Ваҳоланки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Республикамизда ўз фаолиятларини бошлаган Франция, Германия, Англия, АҚШ, Ҳиндистон элчихоналари юртида машҳур бўлган каламкашлар асарларини ўзбек тилига таржима қилдириш, ўзбек мактаблари учун инглиз, немис, француз, ҳинд тилларидан дарслик ва луғатлар яратиш ташаббуси билан чиққандилар. Айниқса, бу соҳада Германия элчихонаси қошидаги Гёте институти, Франция элчихонаси ҳузуридаги Марказий Осиё тадқиқотлари институти ва Виктор Гюго марказларининг ташаббускорлик фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Масалан, Тошкентдаги Франция элчихонасининг кўмаги билан ўтган йиллар ичида француз адибларидан Вольтернинг “Задиг”, Ф.Мориакнинг “Илонлар чангалида”, Монтескьёнинг “Форс номалари”, Ле Клезионинг “Мондо ва бошқа ҳикоялар”, Шарл Перронинг “Эртақлар” китоби ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилди.

1997 йил муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан “Жаҳон адабиёти” журналининг ташкил қилиниши катта воқеа бўлди. Ўтган ўн саккиз йил давомида журнал ўзбек ўқувчиларини жаҳон адабиёти намуналари билан таништиришда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу ўринда атоқли адабиётшунос ва моҳир таржимон, устоз Озод Шарофиддиновнинг ташаббускорлигини эслаб ўтмоқ жоиздир. Домла ҳаёт пайтида журналнинг мундарижаси ва мазмунига алоҳида эътибор берган, унда босилаётган таржима ва мақолаларнинг сифатига талабчанликни оширган, катта масъулият билан қараган эдилар. Шу боис, ўтган йилларда журнал жаҳон адабий жараёнида кечаётган муҳим ўзгаришлар, авангард оқим ва мактаблар, шунингдек таржима амалиёти ва назариясига доир теран мазмунли мақолаларни эълон қилиб борди, унинг саҳифаларида дунё адабиётида ном қолдирган, бугунги адабий жараёнда яловбардорлик қилаётган, қолаверса

адабиёт соҳасида халқаро Нобель мукофотиغا сазовор бўлган адиблар асарлари таржималарини мунтазам бериб келмоқда.

Зеро, бугунги ўқувчи инглиз адабиётидан Жон Голсуорси, Соммерсет Моэм, Томас Стернз Элиот, Ричард Олдингтон, Олдос Хаксли, Ивлин Во, Айрис Мёрдок; америка адабиётидан Уильям Фолкнер, Эрнест Хемингуэй, Жон Стейнбек, Ричард Райт, Жон Апдайк, Дейвид Сэлинджер, Уильям Стайрон; француз адабиётидан Гийом Аполлинер, Марсель Пруст, Андре Жид, Антуан де Сент-Экзюпери, Альбер Камю, Франсуа Мориак, Натали Саррот, Клод Симон, Жан-Мари Гюстав Ле Клезио, Патрик Модино, немис адабиётидан Томас Манн, Лион Фейхтвангер, Арнольд Цвейг, Бертольт Брехт, Герман Гессе, Генрих Бёлль, Криста Вольф, Гюнтер Грасс; шунингдек, Хорхе Луис Борхес, Габриель Гарсиа Маркес, Умберто Эко, Хулио Кортасар, Алехо Карпентьер, Кадзуо Исигуро, Мо Янь, Лао Шэ, Харуки Мураками асарларининг таржималарини ўқишга муяссар бўлди. Гегель, Кьеркегор, Ницше, М.Бахтин, Р.Барт, Хосе Ортега-и-Гассет, М.Хайдеггер, А.Ф. Лосев кабиларнинг адабиёт ва адабий жараён ҳақидаги фикрлари билан журнал орқали танишиб келмоқда.

Яна бир гап. Журнал саҳифаларида асосан хорижий адиблар асарларининг рус тилидаги нашрларидан тилимизга ўгирилган таржималар чоп этиб келинмоқда. Зеро, бундан буён “Жаҳон адабиёти” бевосита аслиятдан қилинган таржималарни тарғиб қилувчи нашрга айланмоғи зарур. Масалан, ўтган йилларда журналда ўрта аср француз шоири Франсуа Вийон, инглиз ва америка романтизм шеърияти яловбардорлари Жорж Байрон ва Эдгар Аллан По ижодидан намуналар берилди. Аслият ва русча таржима матнларидан беҳабар ўқувчи юқоридаги таржималарни ўқиб, Вийон, Байрон, Эдгар Аллан По аслида шундай ёзган эканда, деган тушунча ҳосил



килишди. Бироқ, бу таржималарни асл нусха ва русча таржима матнлари билан солиштирганимизда, шоир-таржимонларимизнинг нечоғлик эркин ҳаракат қилганликларини, натижада асл нусхадан нақадар узоклашиб кетганликларини кузатамиз. Тўғри, шеърият таржимасида таржимон муаллифнинг рақибига айланади, деган нақл бор. Бу дегани таржимон она тилида асл нусха матнига ҳамоҳанг шеър ёзса бўлди-да, қабилдаги тушунчани бермайди.

Масалан, Эдгар Понинг “Буюк Темур” (Tamerlan, 1827) поэмаси рус шоири Валерий Брюсов таржимасида куйидагича жаранглайди:

*Заката сладкая услада!  
Отец! я не могу признать,  
Чтоб власть земная - разрешать  
Могла от первой казни ада.  
Куда пойду за гордость я  
Что спорить нам: слова пустые!  
Миразиз Аъзам бу парчани шундай*

таржима қилади:

*Таскин, жонтаслимин  
енгиллатолмас.  
Отаҳон, шу тонда юпатиш нега?  
Сизнинг бу, Ердаги сўзлар келмас бас  
Жаҳаннамнинг одил жазоларига.  
Биламан, дўзахбоп такабурлигим,  
Кўйинг, ўғит берманг, мени кўп  
қийнаб.*

Ёки, француз шоири Франсуа Вийоннинг “Блуадаги мушоира ҳақида ҳикоят” (Ballade du concours de Blois, 1457) балладасини Илья Эренбург таржимасида ўқийлик:

*От жажды умираю над ручьем;  
Я плачу от любви, смеюсь от пеней;  
Я всюду дома, - мой же темный дом  
Страна изгнанья, скорби и  
томлений;  
Мне темен свет, ясны и близки тени;  
Мне из людей всего понятней тот,  
Кто лебедицу вороном зовет;  
Я сомневаюсь в явном, верю чуду;  
Нагой как червь, пышней я всех  
господ;*

*Я всеми принят, изгнан отовсюду.*

Хусниддин Шарипов бу сатрларни куйидагича таржима қилган:

*Ташна ўлмоқдаман дарё бўйида.  
Куламан ёш тўкиб, ўйнаб ишлайман.  
Уйим бор дунёнинг ҳар бир куйида,  
Ўз юртимда эса инсиз қушдайман.  
Ростга ишонмаган ёлгон  
тушдайман.*

*Менга маъқул ҳатто, қотирмай  
энса,*

*Оққушни қарга деб айтган кимса,  
Ҳа, шундай, жонидан айрилган  
жонман.*

*Чувалчанг сингари юпун ва инжа,  
Ҳар ердан қувилган азиз инсонман.*

Инглиз шоири Жорж Байроннинг “Ўттиз олти ёшга тўлган таваллуд кунимда” (On this Day I complete my Thirty-sixth year, 1824) шеъри З.Морозкина таржимасида бундай жаранглайди.

*Других не властный волновать,  
Я сам бесстрастен должен быть.  
Но и без отклика, опять  
Хочу любить.*

Таржимон Абдул Ҳамид юқоридаги мисрани куйидагича ўғирган:

*Кундан-кунга яқин интиҳо,  
Эсар фасли хазон еллари  
Қаро қабр кутар оч, юҳо,  
Бағримда тек армон унлари.*

Шоирлар Миразиз Аъзам ва Хусниддин Шарипов ўз таржималарини рус тилидан қилганликларини ёзган бўлсалар, Абдул Ҳамид таржимани қайси тилдан қилганини айтмаган. Ҳар учала таржима ҳам асл нусха ўрнидаги русча матндан нақадар узоклашиб кетгани кўриниб турибди. Биз, балки Абдул Ҳамид ўз таржималарини аслиятдан қилганмикин, деган фикрга бориб, юқоридаги тўртликни инглиз тилидаги матн билан солиштирдик. Бироқ, унинг инглизча матндан ҳам йироқлиги яққол кўринади. Инглизча матнда ҳам шеър худди русча таржимадаги мазмун ва кўринишга эга:

*It is time this heart should be unmoved,  
Since others it hath ceased to move:  
Yet, though I cannot be beloved,*



*Still let me love!*

Хулоса шуки, эндиликда бевосита аслият тилидан таржима қилишга ўтмоғимиз керак. Ўтган асрнинг сўнгги чорагида илк бевосита таржималар пайдо бўлганди. Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” ва Бруно Апицнинг “Қашкирлар чангалида” романлари Янглиш Эгамова, “Ғарбу Шарқ девони” Садриддин Салимов, Виктор Гюгонинг “Шарқ куйлари” тўплами Шарофат Ботирова, Ф.Гарсиа-Лорканинг “Энг кайғули кўшиқ” тўплами Шавкат Раҳмон томонидан бевосита аслиятдан таржима қилинганди. Шунингдек, шоирларимиз Жамол Камол ва Абдулла Шер ҳам Шекспир ва Байрон драмаларини таржима қилишда аслиятдан имкон қадар фойдаланиб иш кўрган эдилар. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, бу бошланган хайрли иш жуда сушт давом этди назаримизда. Ваҳоланки, таржимашунос Зухриддин Исомиддинов сўзи билан айтганда, “чет эл адабиётидан таржима қилиш энг авж оладиган замон келганди.”

Нафсиламбр, Жаҳон тиллари университети ва Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг таржимонлик факультетларида таржимон-филолог ва таржимон-референт йўналишлари бўйича бакалавриатура ҳамда магистратуралар мавжуд. Сўнгги ўн беш йил ичида уларни юзлаб ёшлар битириб чиқди. Улар орасидан етишиб чиққан фидоий таржимон ва таржимашунослар нари борса тўрт-бештани ташкил қилади, холос. Сабаби нимада? ЎзДЖТУ таржимонлик факультети собиқ декани Носир Қамбаровнинг маъқуллашича, бунинг сабаби “чет тилларидан ўзбек тилига таржиманинг назарий муаммолари тўлиқ ёритилмаганида, дарслик ва қўлланмалар ёзилмаганидадир”. Домланинг гапида жон бор. Шу пайтгача республикамизда хорижий тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хорижий тилларга таржима

амалиётдан сабоқ берувчи биронта дарслик чоп этилмади<sup>2</sup>.

ЎзДЖТУ ва СамДЧТИ таржима факультетларида Иброҳим Ғофуров, Низом Комилов, Жамол Камол, Муҳаммад Али, Абдулла Шер, Маҳкам Маҳмудов, Янглиш Эгамова, Шоазим Мунавваров, Сувон Мели, Мирзаали Акбаров, Зухриддин Исомиддинов сингари моҳир таржимон ва таржимашуносларни маъруза ўқишга, магистирлик диссертацияларига раҳбарлик қилишга жалб этишса, бу тажрибали олимлар хорижий тилларни билувчи магистрантлар билан дарслик ва қўлланмалар ҳам ёзишган бўларди. Шу ўринда, қатор йиллар ЎзМУ ва ЎзДЖТУда таржима назарияси ва амалиётдан талабаларга сабоқ берган Иброҳим Ғофуровнинг “Таржимонлик мутахассислигига кириш”<sup>3</sup> ўқув қўлланмасини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бундан ўн йил муқаддам, давра суҳбатларининг бирида таниқли адабиётшунос Сувон Мели шундай деганди: “Мана, янги ХХІ асрнинг дастлабки етти йилини босиб ўтдик. Ўжар бир савол кўндаланг туради: янги асрда ўтган асрда эгаллаган чўққиларни эгаллай оламизми? Ваҳоланки, эгалланган чўққиларни қайта эгаллаш у қадар завқ бермайди. Вазифа – шу юксакликка таянган ҳолда янги чўққиларни забт этиш лозим”.<sup>4</sup> Дарҳақиқат, бу ижодий муваффақиятларга эришувда таржиманинг роли нақадар бекиёслиги ўз-ўзидан маълум. Қолаверса, бугунги кунда таржима тиллараро ва маданиятлараро мулоқотнинг асосий омилларидан бири ҳисобланмоқда. Бир сўз билан айтганда, “таржима миллатни жаҳонга танитади”, халқаро глобаллашув жараёнида бевосита иштирок этишимизга кенг йўл очиб беради. Буни асло унутмаслигимиз лозим.

<sup>2</sup> Muminov O., Sunnatov O. Translation history. Tashkent, 2004. – 134 p. қўлланмасини ҳисобга олмаганда.

<sup>3</sup> Ғофуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш. Ўқув қўлланма.- Тошкент: 2008. – 117 б.

<sup>4</sup> Қаранг: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2004, 30-март.



“Шекспир бепоён...” деган ҳикмат бор. Бу калима буюк немис шоири Иоханн Вольфганг Гёте қаламига мансуб. Дарҳақиқат, инглиз уйғониш (ренессанс) даври адабиёти ва театр санъатининг улуғ намояндаси Уильям Шекспир мероси мана тўрт асрдирки дунё халқларини ўзига ром қилиб келмоқда. Ватанимиз Ўзбекистонда ҳам Шекспир номи, унинг асарлари маълум ва машҳур бўлиб, китобхон ҳамда томошабин қалбидан чуқур жой олган. Тўғриси, ўзбек драматургияси ва театр санъатини, унинг равнақини Шекспир меросисиз тасаввур қилиш мушкул. Ўтган саксон йил ичида Шекспир яратган шоҳ асарларнинг қарийб барчаси тилимизга ўгирилиб, катор нашрларда китобхонларимизга тортиқ этилди.

Мустақиллик даврида “Фан” нашриёти Шекспир асарларининг шоир Жамол Камол таржимасида уч жилдли “Сайланма”сини<sup>5</sup> чоп этиб, бу борада яна бир хайрли ишни амалга оширди.

Дарвоқе, Ўзбекистон халқ шоири, таниқли таржимон Жамол Камол “Шекспир меросига шунчаки хавас билан қарамади, балки ижодкор сифатида, ўзини унинг руҳий оламига муносабатдош ва ворис деб билди” (Ғ. Саломов, Б.Назаров). Ҳа, шоир Шекспир ижодидан таржима қилишга қўл уришдан олдин унинг меросини кунт билан ўрганди, инглиз адабиёти тарихидан институт талабаларига маърузалар ўқиди. Жамол ака ўзининг илк тажрибаси бўлган “Макбет” фожиаси таржимасини қўлтиқлаб машҳур актёр Олим Хўжаев ҳузурига борганини қуйидагича эслайди: “Эсимда бор, – дейди шоир. – “Макбет”ни таржима қилиб Олим Хўжаев ҳузурига олиб бордим. У Шекспир номини ўқиб, кўзлари чарақлаб кетди. Ўрнидан турди, кўлёмани ўқиб, кўзига сурди. Менинг бироз ажабланиб боққанамга жавобан ҳаяжонланиб: “Аҳир бу зот – Шекспир, азиз пиримиз!... Мен санъатда нимага эришган бўлсам, шу

кишининг нафасидан, шу кишининг шарофати туфайли эришдим”, деди...

Энди шоир Жамол Камол таржималари ҳақида икки оғиз сўз. Маълумки, ҳар қандай таржима ўз даврининг маҳсули, ватан адабиёти намуналари каби замонасига хизмат қилади. Агар у ҳақиқий санъат асарига айланган тақдирда асрлар оша яшаб, мумтоз адабиётнинг ёрқин намунаси бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бунга ўзбек таржима адабиёти тарихидан Огаҳий, Чўлпон, Ойбек, Усмон Носир, Ғафур Ғуллом, Миртемир, Мирзақалон Исмоилий, Озод Шарофиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Қодир Мирмуҳамедов, Иброҳим Ғафуров қаламига мансуб таржималарни мисол келтирсак бўлади. Шекспир ижодидан таржима қилиш тажрибаси ҳақида гапирадиган бўлсак, адибнинг “Ҳамлет” (“Hamlet”, 1600-1601) фожиаси дунё тилларига энг кўп ва хўп таржима қилинган асар ҳисобланади. Дарҳақиқат, асарда ўқувчи ва томошабин қалбини жумбушга келтирувчи нуқта – бу Ҳамлет монологидир. Ҳаётда беҳисоб фиску фужурлар билан тўқнаш келган, борлиқ ва инсон ҳақидаги соф тушунчаларга зарба берган аччиқ ҳақиқат қаршисида эсанкираган Ҳамлет олдида “**Ё ҳаёт, ё момот**” масаласи кўндаланг турарди. Аслиятда “To be, or not to be: that is the question” сатрлари билан бошланувчи ҳаяжонли монолог русча таржималарда: “Быть или не быть – таков вопрос” (М. Вронченко, 1829); “Быть или не быть? Вот в чем вопрос!” (А.Кронеберг, 1844); “Быть или не быть – таков вопрос” (М.Лозинский, 1933); “Быть или не быть: вот в чем вопрос” (Б. Пастернак, 1940) қабилда қарийб бир хил қолипда ўгирилган бўлса, ўзбек таржимонлари уни турлича кўринишда таржима қилганлар. Монолог Чўлпон таржимасида “Ё ҳаёт, ё ўлим, масала шунда”; М.Шайхзода таржимасида эса “Тирик қолмоқ ё ўлмоқ? Шудир масала!” тарзида жаранглайди. Жамол Камол уни “Ё ҳаёт, ё момот: масала шундоқ” деб ўгирган.

<sup>5</sup> Шекспир В. Сайланма. 3 жилдлиқ. Тошкент: “Фан” нашриёти, 2007-2008.





Таржималарни аслият билан солиштирганимизда, Чўлпон таржимаси русчадаги М.Лозинский нусхасига, М.Шайхзода таржимаси А.Кронеберг матнига якинлиги ойдинлашади. Жамол Камол таржимаси эса асл нусхага монанд ўтирилган кўринади. Ҳамлет монологининг охириги уч мисраси аслиятда куйидаги кўринишга эга:

... *Soft you, now!*

*The fair Ophelia! – Nymphe, in thy orisons*

*Be all my sing remember'd.*

*сўзма-сўз таржимаси:*

... *Жим бўл!*

*Соҳибжамол Офелия! Нимфа, ўз ибодатларингда*

*Менинг гуноҳларимни ҳам эслагин.*

Рус таржимони М.Лозинский юкоридаги мисраларни шундай таржима қилади:

... *Но тише!*

*Офелия! – В твоих молитвах, нимфа,*

*Все, чем я грешен, помяни.*

Мақсуд Шайхзода бу мисраларни ўзбек тилига мана бундай ўтиради:

... *Энди бас, етар!*

*Офелия! Кувончим! Гуноҳларимга –  
Ўз дуоингда кечирим тила, эй пари!*

Жамол Камол монологнинг бу мисраларини бевосита инглиз тилидан куйидагича ағдарган:

*Бас, кифоя! Офелия! Эй, гўзал пари,*

*Бир осийман, дуоингда ёд айла мени.*

Ҳамлет маҳбубаси, соҳибжамол Офелия қаршисида, унга қарата айтаётган ушбу монологда ўзини одамлар ўйлаганидек телба эмаслигини исботламоқ, бунга қаллиғини ҳам ишонтирмоқ бўлади. Афсус, унинг пурмаъно оташин сўзларининг мағзини чақишга ожиз, фалсафий мушоҳадаларини телба одам сўзига йўяётган Офелияни саросимадан кутқармоқ, тинчлантирмоқ мақсадида Ҳамлет унга: “*Soft you, now!*” (“Жим бўл!”); “*The fair Ophelia!*” (“Соҳибжамол Офелия!”); “*Nymphe, in thy*

*orisons / Be all my sing remember'd*” (“Нимфа, ўз ибодатларингда менинг гуноҳларимга кечирим тилагин”) деб, мурожаат қилапти. Асл нусха матнида “*Ophelia*” ва “*Nymphe*” исмлари ёнма-ён келаяпти. Бу ерда Ҳамлет ўз севгилиси Офелияни қадим юнон мифологиясидаги худо Зевсинг қизлари бўлмиш Нимфа (“Соҳибжамол, қаллиқ” маъносида – **М.Х.**) лардан бирига менгзаб, унга илоҳий гўзаллик ва зукколикни тиламоқда. Сабаби, нимфалар, яъни соҳибжамол гўзаллар табиат кўйнида Аполлон, Дионис ва Артемида каби олийжаноблик тимсоли бўлган худоларга ҳамроҳлик қилишган. Рус таржимонлари (М.Лозинский, Б.Пастернак, М.Морозов) ўз матнларида “Нимфа” номини сақлаб қолишган ва таржима сўнгида унга шарҳ бериб ўтганлар. Афсус, келтирганимиз М.Шайхзода ва Ж.Камол таржималарида бу ном тушириб қолдирилган. Оқибат натижада иккала таржима ҳам аслиятдан бирмунча узоқлашган.

Ёки “Отелло” (“*Othello*”, 1604) фожиасидаги Отелло монологи илк сатрларининг Ғафур Ғулом ва Жамол Камол таржималаридаги кўринишини қиёслайлик. Монолог инглиз тилида куйидаги мазмунда жаранглайди.

*Soft you, a word or two before you go.*

*I have done the state some service, and they know't.*

*No more of that...*

Шоир Ғофур Ғулом юкоридаги мисрани асарнинг русча М. Лозинский таржимасидан куйидагича ўтиради:

*Озгина тўхтанг.*

*Кетар экан, икки огиз сўзим бор холос.*

*Венецияга хизмат қилдим – ҳамма билади.*

*Бу тўғрида шу кифоя.*

Шоир Жамол Камол эса уни бевосита инглизчадан таржима қиларкан, аслият мазмуни ва руҳини тўлақонли беришга интилган:

*Жиндек сабр қилинглар.*



*Икки оғиз сўз айтаман кетиш  
олдидан.*

*Юртга бир оз хизмат қилдим, бу  
энди маълум,*

*Балки айтиш шарт эмасдир.*

Биз бу ерда шарқ ва ғарб шеърятининг билимдони, аллома шоир Ғафур Ғулом таржимасини асло камситмоқчи эмасмиз. Шоир ўз таржимасини русчадаги М.Лозинский вариантыга яқинлаштиришга уринган. Ваҳоланки, таржимашуносларнинг таъкидлашича, М.Лозинский таржимаси асарнинг мавжуд русча таржималари орасида асл нусхага энг яқини ҳисобланади. Жамол Камол бўлса ўз таржимасини бевосита аслиятдан амалга ошираяпти. Шу боис, унинг таржимасида асл нусха мазмуни тўлақонли ўз ифодасини топган.

Шекспирнинг яна бир шоҳ асари “Ромео ва Жульетта” (“Romeo and Juliet”, 1597) фожиасидир. Уни рус тилига турли даврда Т.Шчепкина – Куперник ва Б.Пастернак таржима қилган. Ҳар иккала таржима то ҳозирга қадар пешма-пеш нашр қилиниб, театрларда ўйналиб келинади. Фожиани дастлаб ўзбек тилига 1949 йилда Мақсуд Шайхзода, орадан қирқ икки йил ўтиб (1991 йил нашр этилган “Отелло” китобида “Ромео ва Жульетта” таржимаси учрамайди) Жамол Камол таржима қилди. Шайхзода асарни русчадаги Б.Пастернак вариантдан ўзбекчалаштирган бўлиб, таржима жараёнида ўзбек таржимони озарбайжонча Жаъфар Жобборли таржимасидан ҳам фойдаланган, дейишади мунаққидлар. Дарвоқе, профессор Фозила Сулаймонова “шарқ, жумладан ўзбек классик поэзиясини яхши билган, Навоий поэтикаси устида жиддий илмий тадқиқотлар олиб борган шоир ва олим Шайхзода “Ромео ва Жульетта” трагедияси таржимасида ўтмиш поэзия анъаналаридан баракали фойдаланади”,<sup>6</sup> деб ёзади. Таржима муваффақиятли чиққан бўлса-да,

сахнада у “Отелло” ва “Ҳамлет” каби шуҳрат қозонолмади. Театршунос М.Раҳмонов ва Т.Сильмильштейннинг таъкидлашича режиссёр асар “ғояси ва услубини яхлитликда бера олмаган эди”<sup>7</sup>. Яхшиси, юқоридаги фикрларнинг нечоғлик ҳақиқатга яқинлигини таржималарни асл нусха матни билан солиштирган ҳолатда кузатайлик. Масалан, фожаи финалида Верона ҳокими, шахзода Эскал (Escalus, Prince of Verona – Эскалус [лотинча], Верона шахзодаси – М.Х.)нинг якуний сўзи аслиятда шундай жаранглайди:

*Prince*

*A glooming peace this morning with it  
brings.*

*The Sun for sorrow will not show his  
head:*

*Go hence, to have more talk of these  
sad things.*

*Some shall be pardon'd, and some  
punished.*

*For never was a story of more woe  
Than this of Juliet and her Romeo.*

*[The tomb is closed.] Exeunt.*

Энди, юқоридаги мисраларни Б.Пастернак таржимасида келтириб ўтамыз:

*Князь*

*Сближенье ваше сумраком объято  
Сквозь толщу туч не кажет солнце  
глаз.*

*Пойдем, обсудим сообща утраты  
И обвиним иль оправдаем вас.*

*Но повесть о Ромео и Джульетте  
Останется печальнейшей на свете...*

*Уходят.*

Мақсуд Шайхзода бу мисраларни куйидагича ўгиради:

*Бек*

*Ҳаммангизга тонг келтирди  
мотамсаро сулҳ,*

*Ҳатто қалқмоқ истамайди аламли  
қуёш.*

*Юринг, ҳали кенгаш қуриб ўйламоқ  
керак –*

<sup>6</sup> Қаранг: Сулаймонова Ф. Шекспир Ўзбекистонда. – Тошкент: “Фан”, 1978. 93-бет.

<sup>7</sup> Раҳмонов М., Сильмильштейн Т. Шукур Бурханов. – Тошкент, 1972. с. 115.



*Кимга – биздан илтифоту кимларга жазо!*

*Ромео ва Жульеттанинг қиссасидан ҳам,*

*Ғамли қисса кўрган эмас тарихда олам!*

*Кетадилар.*

Жамол Камол шахзода нутқини асл нусхадан бундай таржима қилган:

*Бек*

*Шунинг билан тонг келтирди ғамгин осойиш,*

*Ғамдан бошин кўтаролмай, қийналар қуёш.*

*Юринг, гаплашайлик яна, этайлик тайин,*

*Кимни кечирамиз, кимга бергаймиз жазо.*

*Ромео ва Жульеттанинг ишқидек, эвоҳ,*

*Қайгули бир муҳаббатни кўрмамиш дунё!*

*Кетишади.*

Шекспир ўз комедия, трагедия ва хроникаларини қофияли ва қофиясиз оқ шеър шаклида битади. Ҳар икки ҳолатда ҳам унинг мисралари равон ва оҳангдор ўқилади. Ҳатто, манбалардан бизга адиб замондоши, драматург Роберт Грин унинг бу борадаги муваффақиятига рашк қилсада, тан олгани маълум. Мисол келтирганимиз, юқоридаги мисралар аслиятда аб аб аа кўринишида қофияланиб келинапти. Мисралардаги қофиялар ҳолати русча таржималарда ҳам асл нусхага монанд сақланган. Мақсуд Шайхзода таржимасида фақат охирги икки мисрада қофия аа тарзида русча ва аслият матнига вобаста келаяпти. Жамол Камол ўз таржимасида фақат оқ шеър русумини ишлатиб, қофияларни четлаб ўтгани кўришиб турибди.

Фожа сўнигидаги, Ромео ва Жульетта жасади қўйилган даҳма ичида шахзода Эскал Монтекки ва Капулетти хонадонини яраштираркан, мотамсаро нутқининг дастлабки икки мисраси аслиятда:

*A glooming peace this morning with it brings.*

*The Sun for sorrow will not show his head.*

*яъни, сўзма-сўз таржимада:*

*Бу тонг ўзи билан олиб келди мотамсаро сулҳ,*

*Ҳатто ғамдан қуёш бошин кўтаролмас.*

*маъносини англади.*

Бу мисралар Мақсуд Шайхзода таржимасида аслиятга яқинроқ кўринади:

*Ҳаммангизга тонг келтирди мотамсаро сулҳ,*

*Ҳатто қалқмоқ истамайди аламли қуёш.*

Сабаби, Шайхзода бевосита аслиятдан ўгирилган озарбайжонча таржимадан ҳам моҳирона фойдалангани сезилиб турибди. Масалан, русча таржимадаги аслиятга ёт “Сквозь толщу туч” иборасини таржимада тушириб қолдираётгани ҳам бунга гувоҳ. Жамол Камол таржимасида эса иккинчи мисра инглизча матнга монанд жаранглайди.

*Шунинг билан тонг келтирди ғамгин осойиш,*

*Ғамдан бошин кўтаролмай, қийналар қуёш.*

Энди, шахзода Эскал нутқидаги охирги икки мисранинг таржималарини асл нусха билан солиштириб кўрайлик. Назаримизда бу ерда рус таржимонлари ҳам, ўзбек таржимонлари ҳам сўз ва ибораларнинг аслиятдаги маъноларини тўлиқ англаб етмаганлар. Мисраларнинг аслиятдаги кўринишига яна бир бор эътибор берайлик.

*For never was a story of more woe  
Than this of Juliet and her Romeo.*

Бу мисраларни сўзма-сўз шундай таржима қилиш мумкин:

*Жульетта ва унинг Ромеоси қиссасидан*

*Қайгулироғини кўрган эмас бу олам.*

Шекспир фожиани “Ромео ва Жульетта” деб номлагани билан, бутун асар давомида синчков китобхон



Жульеттанинг Ромеога нисбатан фаолроқ ҳаракат қилганини, муҳаббатини ҳимоя этишда доимо ташаббускор бўлганини осонгина фаҳмлаб олади. Шунингдек, воқеалар давомида Жульетта Ромеога караганда сидкидилдан ҳаракат қилади, ақлан бирмунча пеш эканлигини ҳам намоён эта боради. Шу боис, муаллиф сўнгги мисрада, кўриб турганимиз “Than this of Juliet and her Romeo” (“Жульетта ва унинг Ромеоси қиссасидан”) қабилда қахрамони Жульеттанинг исмини олдинги ўринга олиб чиқади. Шундай экан, русчадаги Б.Пастернак, ўзбекчадаги М.Шайхзода ва Ж.Камол таржималарида ҳам асл нусха мазмуни тўлақонли ифода этилмаган, дейишга ҳақлимиз.

Юқоридаги мисралардан сўнг, аслиятда “The tomb is closed. Exeunt” (“Дахманинг қопқоғи ёпилади. Кетишади”) гапи мавжуд. Бу гап ҳам таржимонлар назаридан четда қолган. Ваҳоланки, мотамга йиғилганлар воқеа ниҳоясида Ромео ва Жульетта жасади қўйилган “дахманинг қопқоғини ёпиб”, сўнгра “кетишади”.

То ҳозирга қадар Шекспир асарларининг тилимиздаги нашрларида унинг исми-шарифи “Вильям Шекспир” тарзида транслитерация, яъни ҳарфлар миқдори ва номига монанд ёзилиб келинади. Бу албатта, ўтган асрнинг биринчи яримида адиб асарларининг русча таржималари ва нашрларидан тилимизга кўчиб ўтган эди. Ваҳоланки, Шекспир асарларининг 1957-1960 йилларда чоп этилган “Тўла асарлар тўплами”дан бошлаб рус тилида драматургнинг исми-шарифи “Уильям Шекспир” тарзида асли (William Shakespeare)га монанд талаффузда, яъни транскрипцияда тўғри ёзила бошланди. Афсус, ўзбек тилидаги 1981-1985 йиллар нашр қилинган Шекспир “Танланган асарлар”ида ҳам, 1991 йилда босилиб чиққан “Отелло” китобида ҳам, ниҳоят кўлимиздаги уч жилдлик “Сайланма”да ҳам муаллифнинг исми-шарифи “Вильям Шекспир” ҳолида ўзгармасдан қолди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир таржима ўз даврининг маҳсули ҳисобланади. Зеро, Чўлпон билан Жамол Камол таржималари ўртасида қарийб олтмиш йил, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода ва Жамол Камол таржималари орасида эса эллик йил масофа – вақт чегараси ётибди. Таржималарни баҳолаганимизда бу “чегарани” ҳисобга олмоғимиз зарур. Вақт ўтган сари Шекспирдан янги таржималар бунёдга келади. Шекспирнинг ўзи ҳам ўзбек китобхони ва томошабинига янада яқинроқ, янада кадрдонроқ бўла боради. Шекспирнинг “бепоён”лиги ҳам шундадир. Жамол Камол таржималарининг ушбу нашри ҳам шу йўлдаги яна бир қутлуғ қадам бўлиб қолади.

Мустақиллик даври таржимачилигимиз ютуқлари ва истиқболи хусусида гапирадиган бўлсак, аввало таниқли адабиётшунос, профессор Наим Каримовнинг шу мавзуда эълон қилган “Адабий алоқа ва бадиий таржиманинг янги уфқлари” мақоласига тўхталиб ўтмоқ зарур, деб ўйлайман. Олим ушбу мақоласига муҳтарам Юртбошимизнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” (2009) рисолида илгари сурилган ғоя ва тавсиялар замирида ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари ва ўзбек таржимачилиги равнақиға назар ташлайди. Айна пайтда муаллиф ўзбек таржима мактаби ва таржимашунослик илмининг қарайиб юз йиллик тарихига тўхталаркан, “Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Абдулла Қаххор, Мирзақолон Исмоилий, Асқад Мухтор, Қодир Мирмуҳамедов, Мирзиёд Мирзоидов, Миад Ҳақимов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Иброҳим Ғафуров сингари мохир таржимон ва адиблар дунёға келиб, жаҳон адабиёти машҳур намояндаларининг энг яхши асарларини ўзбек маданиятининг бебаҳо мулкиға айлантирдилар”, деган таърифни келтиради. Яна шу нарса қувонарлики, – дея ёзади муаллиф, – **эндиликда** (таъкид





бизники – М.Х.) нафақат рус тилидан, балки бевосита ғарб ва шарқ халқлари тилларидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қила оладиган ижодкорлар авлоди етишиб чикди. Жумладан, А.Файзулла хинд-урду, А.Кўчибоев – француз, М.Сайдумаров – араб, М.Аъзам ва Б.Шарипов – турк, У.Қўчқор – озарбайжон, Я.Эгамова ва М.Акбаров – немис тилларидан амалга оширган таржималари билан журналхонлар (“Жаҳон адабиёти” – М.Х.) ни “дунё маданияти мероси”дан баҳраманд этмоқдалар”.

Демак, устоз Наим Каримов таъкидлаганидек, “... бадий таржиманинг кишилар рухий ҳаётидаги ўрни ғоят катта эканлигини сезмай иложимиз йўқ. Модомики шундай экан, бадий таржимага алоҳида эътибор бериш, нафақат ўзга тиллардан ўзбек тилига, балки ўзбек тилидан ўзга тилларга ҳам бадий асарларни таржима қила биладиган ёшларни тарбиялаш жамиятимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир”.

Таниқли адабиётшунос олим ва таржимон Иброҳим Ғафуровнинг жасорати, машаққатли меҳнати самараси ўлароқ ўзбек китобхони машҳур ирланд адиби Жеймс Жойснинг “Улисс” романини она тилида ўқишга муяссар бўлди. Роман таржимасининг маданий ҳаётимизда нечоғлиқ жиддий воқеа бўлганлиги ҳақида матбуотда А.Саидов, Х.Дўстмуҳаммад, Т.Жўраев каби олимларнинг мақолалари ҳам эълон қилинди. Шунингдек, инглиз тили мутахассиси, Ўзбекистон Миллий университети докторанти Тоҳир Умрзоқовнинг “Жаҳон адабиёти” (2010, 1-сон) ва “Звезда Востока” (2011, 1-сон) журналларида “Улисс” романининг русча ва ўзбекча таржималарини аслият билан солиштириб таҳлил қилган мақолалари босилиб чикди. Мақолаларнинг бирида муаллиф шундай ёзади: “Аслиймонанд таржимага эришиш учун аслият бадий–эстетик қиммати, икки тил лисоний воситаларининг луғавий мувофиқликлари

ҳамда аслият мансуб бўлган халқнинг моддий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ омиллар таржимада тўлақонли акс эттирилиши лозим”. Бу ўринли, айни пайтда амалга оширилиши ўта мушкул талаб. Айниқса, “Улисс”дек мураккаб матнли асарни ҳатто инглиз тилини мукамал эгаллаган таржимон ҳам аслиятга адекват ҳолатда ўгиришнинг уддасидан чиқолмаса керак. Сабаби, “Улисс” (1922) нашр этилгандан буён у ҳақда юзлаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, романнинг туб моҳияти ва мазмуни, услуби ва тили, муаллифнинг маҳорат қирралари ҳақида олимлар яқдил бир фикрга келолмаганлар. Жойс ўз романи ҳақида сўз юритаркан, “очиғини айтсам, матнни бошқотирмалар билан тўлдирдимки, олиму тақризчилар, танқидчи-ю адабиётшунослар умрларининг охиригача излансалар-да, тагига етмасдан, авворайи жаҳон бўлсинлар”, деган эди.

Романни аслиятдан рус тилига ўгирган В.А. Хинкис ва С.С. Хоружий ҳам ўз таржималарини “Улисс”ни таржима қилиш йўлидаги илк уриниш, “уни аслиятга монанд таржима дейишдан йироқмиз”, дея тан олишади. Шу ўринда мақола муаллифининг “изланишларимиз шуни кўрсатдики, рус таржимонлари В.А. Хинкис ва С.С. Хоружийнинг аслият тили мутахассиси эмасликлари туфайли “Улисс” асарининг русча ва ўзбекча таржималарининг аслиймонандлиги ҳақида гапириш ўринли бўлмайди. Рус таржимонлари икки тил лисоний воситаларининг луғавий мувофиқликларига эришиш учун талаб қилинадиган компонент таҳлил методидан фойдалана олмаганликлари сабабли русча таржимани ўқиган китобхон кўз олдида “Улисс” асаридаги персонажлар ва улар тимсолида бутун ирланд халқи маънавийтсиз, яъни ичкиликка ружу қўйган ҳамда зинога берилган миллатга айланиб қолган. Бу ҳолат ўзбекча таржимада ҳам маълум даражада акс этган”, деган фикрига тўхталайлик.



Тўғри, мақола муаллифи рус таржимонларини “Улисс” матнини реал англаб етмаганликда, “компонент таҳлил методидан фойдаланмаганлиги оқибатида таржимада аслиятда мужассамлашган маънони нотўғри талқин қилганликда” айблайди. Бунга аслият ва таржимадан мисоллар келтириб исботлашга уринади. Ҳатто матнда учровчи биргина “fearful” сўзининг изоҳли луғатларда учровчи етти хил маъносини келтириб, улардан аслиятда қўлланилган “fearful Jesuit” (“буюк иезуит”) маъносини тушуниб етмаган ҳолда, таржимон рус тилига “иезуит несчастный” (“разил шайтон”) кабилида таржима қилиб хатога йўл қўйганлигини танқид қилади. Бу каби хатоликлар туфайли “русча ва ўзбекча таржимада аслиятда ифодаланган персонаж нутқ маънавияти ва тил маданиятига маълум даражада путур етган”лигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Муаллиф фикрича, “Улисс”дек мураккаб матнли асарни рус тилига ўғирган таржимонлар “аслият тили мутахассиси бўлмаганликлари сабабли, аслиятдаги тил маданиятини маълум даражада ифодамай олганлар, аммо асар ва асар персонажларининг нутқ маданиятига кучли тарзда путур етказиб қўйганлар. Шунинг учун бевосита таржимани амалга оширадиган таржимон лингвистик таржима назариялари билан суғорилган аслият тили мутахассиси бўлган филолог-олим бўлиши мақсадга мувофиқ”.

Дарвоқе, таржимон В.А. Хинкис (1930-1981) МГУ нинг филология факультетини битирган, узоқ йиллар Гослитиздатда муҳаррир бўлиб фаолият кўрсатган, Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, инглиз, итальян ва норвег тилларидан кўплаб таржималар қилган. Аммо, бутун умри давомида “Улисс”ни таржима қилиш билан машғул бўлган. Соғлиғи ёмонлашгач яқин дўсти ва маслакдоши, академик С.С. Хоружийга “Улисс” таржимасини яқунлаб нашр эттиришни васият қилиб қолдиради. Асли касби физик бўлган С.С. Хоружий (1941 й.

туғ.) фалсафа ва илоҳият соҳасида ҳам машҳур таниқли олимдир. Демак, Хинкис ҳам, Хоружий ҳам лотин, инглиз, итальян тилларини яхши билишган. Шу боис, уларни аслият тилини билмасликда айблаш ноўрин.

Аслида, Жойснинг “Улисс” романи босилиб чиққач Ирландияда ҳам, Англия ва ҳатто АҚШда ҳам уни ўқишни таъқиқлаб қўйишганди. Бутун Европада катта шов-шувга сабаб бўлган бу асарни французлар, итальянлар, руслар ҳатто грузинлар ҳам ўз тилларига таржима қилишга уриниб кўрдилар. Аммо бунинг уддасидан чиқолмай ярим йўлда таржимадан воз кечишди. Орадан йиллар ўтиб “Улисс” таржимасини яқунлаш В.А. Хинкис ва С.С. Хоружийга насиб этди. Романни тилимизга ўгиришни эса моҳир таржимон ва муннақид Иброҳим Ғафуров уддалади.

Мақола муаллифининг таржимонларга эътирози ва талабига бутунлай қўшилиб бўлмайди. Агар биз ҳар бир таржимондан юқоридаги савияни талаб қилгудек бўлсак, у ҳолда фақат аслият тилини мукамал билган тилшунос олимларгина таржима билан шуғулланмоғи лозим бўлади. Лекин таржима амалиётида бундай олим-таржимонлар бармоқ билан санарли бўлиб, ҳаммаси ҳам юксак таржима асари яратишга ўзини қодир деб ҳисобламайди. Масалан, ўтган асрнинг 40-нчи йилларида Шекспирнинг “Ҳамлет” фожиасини рус тилига Б.Пастернак, М. Лозинский ва М.Морозов каби сўз усталари ўгиришганди. Улар орасида профессор М. Морозов инглиз тилини мукамал билган шекспиршунос олим эди. Шундай бўлса-да, у “Ҳамлет”ни шеърӣ таржима қилишга журъат етолмади ва асарнинг аслиятга “адекват” прозаик таржима матнини яратди. Орадан қарийб етмиш йил ўтган бўлса-да, Б.Пастернак ва М.Лозинский таржималари пешма-пеш чоп этилиб келинмоқда. Тўғриси, Б.Пастернак ҳам, М.Лозинский ҳам инглиз тилини мукамал билган эмас. Ёки



Б.Пастернак Гёте “Фауст”ни таржима қилганида, М.Лозинский Данте “Илохий комедия”сини ўгираётганида немис ва испан тилларининг билимдони бўлганмидилар. Йўқ, албатта. Улар, аввало, ижодкор, сўз устаси ва маҳорат эгаси эдилар. Шундай ҳолни ўзбек таржимачилигида ҳам учратамиз. Масалан, Эркин Воҳидов немис тилини мукамал билган тилшунос-олим бўлмаган ҳолатда Гёте “Фауст”ни ўзбек тилига маромига етказиб таржима қилди, Абдулла Орипов италян тили мутахассиси бўлмаса-да, Данте “Илохий комедияси”ни ўзбек тилига санъаткорона ўгирди. Айтиш пайтда немис тили мутахассиси, фидойи таржимон ва сўзшунос Поша Али Усмон бир умр Гёте ишқида яшади, умрини “Фауст”ни таржима ва талқин қилишга бахшида этди. Ва ниҳоят, асарни бевосита аслиятдан ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттирди. Бироқ, тилшунос-олим “Фауст”нинг ўзбек тилида мукамал таржимасини яратдим, дея даъво қилмаган ҳолда, ҳамон Эркин Воҳидовнинг таржимонлик даҳоси қаршисида таъзим қилади. Хулоса, мақола муаллифининг “Улисс” таржимонлари В.А. Хинкис ва С.С. Хоружий ҳамда И.Ғафуровни аслият тилини мукамал билмаганликда, уларнинг лингвист-олим бўлмаганликлари сабабли аслият матнини тушуниб таржима қилолмаганликда айблаши ўринли эмас. Энг муҳими, ҳар учала таржимоннинг “Улисс”дек мураккаб асарни таржима қилишга киришганларининг ўзи катта жасоратдир. Қолаверса, ўзбек тилига Ф.М. Достоевский, Ги де Мопассан, Э. Хемингуэй, Ф. Ницше сингари мураккаб характерли сўз усталари асарларини таржима қилиб ном қозонган Иброҳим Ғафуровдан ўзга бирон таржимон ёки адиб “Улисс”ни таржима қилишга журъат тополмади. Яна бир муҳим жиҳати, “Улисс”ни инглиз ва рус тилларида ўқиб, мағзини чақолмаган адабиётшуносларимиз ўзбекча таржимани ўқиб, Жойс ижодининг туб моҳиятини, ундаги новаторлик анъаналарини, “онг оқими” бадий

услубини тушуниб етадилар, асар ҳақида, унинг ўзбек адиблари ижодига таъсири ҳақида эҳтиёткорона фикр-мулоҳаза юритадилар, деган фикрдамиз.

2011 йил “Жаҳон адабиёти”нинг 12-сонида эълон қилинган профессор Акмал Саидовнинг “Таржимон жасорати” мақоласи ҳам мазмунан, ҳам илман таржимон ва таржимашунослар диққатини тортди. Муаллиф унда буюк немис шоири И.В. Гёте “Фауст” драматик достонининг Эркин Воҳидов таржимаси ва асарнинг ғоявий-бадий шакли хусусида фикр юритади. Муаллиф таниқли адиб ва таржимон Эркин Воҳидовнинг “Фауст” таржимасидаги жасорат ва маҳоратига таъриф бераркан, ёзади: “Шуни айтиш жоизки, Гёте “Самодаги муқаддима”да “Фауст” фожиасининг ғоявий-фалсафий ва поэтик хусусиятларини очиб берган. Эркин Воҳидов “Муқаддима”нинг мавзуси, поэтик киноя ва фалсафий моҳиятини яхши илғаб олган. Шу билан бирга у Борис Пастернакнинг немисча (**русча** – таҳририят хатоси – **М.Х.**) таржимасидан нусха кўчирмайди, балки аслиятга хос бўлган уйғунлик (оҳанг, воқеа ва тарона) ни аниқлаштиради, айтиш пайтда аслият мазмунига маълум даражада амал қилган ҳолда асарнинг бадий тилини моҳирона шеърий куйга сола олган” (“Жаҳон адабиёти”, 122-бет).

Тўғри, таржимашунослик илмида Гёте ижоди, “Фауст” фожиасининг Эркин Воҳидов таржимаси хусусида ўнлаб мақола ва диссертациялар ёзилган бўлса-да, профессор Акмал Саидовнинг юқоридаги мақоласи ўзининг фалсафий мушоҳадаларга бойлиги, теран таҳлил услуги билан сўнгги йиллар ичида шу мавзуда яратилган салмоқли тадқиқот, дейишга арзигуликдир.

2011 йил таржима назарияси муаммоларига бағишланган иккита монография ва иккита кўлланма чоп этилди. Биринчиси, филология фанлари доктори Шухрат Сирожиддинов ва тадқиқотчи Гулноза Одилованинг “Бадий таржима асослари” (2011) рисоласи бўлиб,



у икки қисмдан иборат. Биринчи қисм “Бадиий таржиманинг назарий аспекти” (Ш. Сирожиддинов томонидан ёзилган), иккинчи қисм эса “Бадиий таржиманинг амалий аспекти” (Г. Одилова қаламига мансуб) деб номланган. Биринчи қисмда муаллиф бадиий таржимада эквивалентлик ва адекватлик масаласи, таржиманинг прагматик (ўқувчининг матнга нисбатан муносабати) жиҳатлари, таржимада табдил (трансформация) усуллари ва таржима моделлари хусусида назарий фикр юритади. “Таржима – бир тилда яратилган муайян асарнинг ўзга бир халқ маънавий эҳтиёжига хизмат қилдирадиган, ундан бадиий завқ олиши учун имконият яратиб берадиган коммуникатив воситадир, – деб ёзади муаллиф. – Бир тил ичидаги нутқ мулоқоти жараёнида муайян матн гапирувчига ҳам, эшитувчига ҳам тенг тушунарли бўлганидек, бадиий асар муаллифи ва унинг ўқувчиси ўртасида ҳам ўзаро таъсирланиш нуқтаи назаридан коммуникатив тенглик вужудга келади. Таржима матни ҳам аслият матнига тенг бўлиб, у билан бир яхлитлик тассавурини уйғотиш керак. Шунга биноан, таржима вазибаларидан бири – таржима матн аслиятнинг тўлиқ коммуникатив ўрнини эгаллаши ва аслият ўқувчиси имкониятига тенг даражадаги бадиий завқ, мазмуний ва мундарижавий (структуравий) уйғун мувозанатни (мувофиқлик) таржима ўқувчисига тақдим этишдир”<sup>8</sup>.

Шу ўринда, муаллиф йирик таржимашунос олимлар Я.И. Рецкер, А.Д. Швейцер, Л.С. Бархударов, В.Н. Комиссаровларнинг лингвистик таржима назарияси хусусидаги фикрларига таяниб, таржимада эквивалентлик ва адекватлилик тамойиллари ҳақида фикр юритади. “Адекват таржима эквивалентликнинг олий даражаси бўлиб, унда аслиятнинг жанрий-стилистик талаблари, барча лисоний ва ғайрилисоний (экстралингвистик) омиллар ҳисобга

олинган, максимал даражада ҳиссиёт ва аслият руҳи сақланган бўлади. Ҳар бир адекват таржима, албатта, эквивалент бўлади, аммо ҳар бир эквивалент таржимани адекват деб бўлмайди”<sup>9</sup>. Олим тўғри таъкидлаганидек, таржимада эквивалентлик (муқобиллик) ка эришиш мумкин. Масалан, М.В. Лермонтовнинг “Демон” (У. Носир таржимаси), А.С. Пушкиннинг “Евгений Онегин” (Ойбек таржимаси), У.Шекспирнинг “Ҳамлет” (М. Шайхзода таржимаси), И.В. Гётеннинг “Фауст” (Э. Воҳидов таржимаси), Дантенинг “Илохий комедия” (А. Орипов таржимаси), Ҳомернинг “Илиада” (Қ. Мирмуҳамедов таржимаси) Э.Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз”, “Алвидо, қурол!” (И. Гафуров таржимаси) асарларининг ўзбек тилига ўгирилган таржималарини аслиятга муқобил (эквивалент) таржималар деб баҳолашимиз мумкин. Аммо, бу таржималар нечоғлик маҳорат билан ўгирилган бўлмасин, улар адекватликка даъво қилолмайди. Умуман олганда, жаҳон таржимачилигида ҳам биронта аслиятга адекват таржима асарининг яратилганини билмаймиз. Бадиий таржима амалиётида том маънода адекватликка эришиш, яъни аслиятга “тенг”, “айнан ўхшаш” (“ad-aequo”) таржимани яратиш мумкин бўлмаган ҳолдир.

Рисоланинг иккинчи қисми муаллифи Гулноза Одилова инглиз тили мутахассиси, университетда инглиз тили ва адабиётидан дарс беради, Шекспир сонетларидан таржима қилиб алоҳида китобча ҳолида нашр эттирган, инглиз ва ўзбек мумтоз шеърият таржималари тадқиқи бўйича номзодлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилган. Шу боис, рисоланинг иккинчи қисми шеърият таржимасида маъно ва миллий колоритни бериш, оҳанг, қофия ва вазни қайта яратишга бағишланган. Тадқиқот объекти қилиб муаллиф ҳазрат Навоий ғазалларининг инглиз тилига ва Уильям Шекспир сонетларининг ўзбек тилига

<sup>8</sup> Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. 16-бет.

<sup>9</sup> Ўша манба, 23-бет.



ўғирилган нусхаларини танлайди. Таҳлил жараёнида у ҳар иккала сўз устаси каломининг таржимадаги талқинини лингвокультурологик (лисоний-маданий) аснода тавсиф қилади. Рисоланинг иккинчи қисми кўпроқ амалий характерга эга бўлиб, ундан олий ўқув юртларининг бакалаврият ва магистратура тизимида таҳсил олаётган талабалар, ҳамда тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, муаллифлар китобни “Бадиий таржима асослари” деб номлар экан, қўйилган сарлавҳа йирик монографик тадқиқот русумини талаб қилади. Мундарижада ҳам монографияга арзигулик муаммолар кўтарилган. Бирок, мундарижадаги йигирмага яқин параграфларда келтирилган муаммовий масалалар ўзининг тўлиқ ечимини топмаган. Тўғриси, 162 саҳифалик рисолада кўтарилган муаммоларни батафсил ёритишга имкон бўлмаган. Шундай экан, Ш. Сирожиддинов ва Г. Одилованинг ушбу китобини “монография” деб аташдан кўра рисола русумидаги тадқиқот десак маъқул бўларди.

2011 йил чоп этилган иккинчи бир “монография” филология фанлари номзоди Нигорахон Ўрмонованинг “Таржимада тарихий-архаик лексика ва давр руҳини акс эттириш”<sup>10</sup>, деб номланган. Тўғриси, муаллифнинг ушбу рисоласи у томонидан ҳимоя қилинган номзодлик диссертациясининг айнан матнидан иборат бўлиб қолган. Ваҳоланки, диссертация ҳимоясидан сўнг унинг муаллифи, расмий оппонентлар ва тақризчилар томонидан билдирилган фикрлар ҳамда эътирозларни ҳисобга олган ҳолда, диссертация мазмуни ва илмий концепциясини назарий жиҳатдан янада бойитиб нашр қилдирганида, бу ҳақиқий монография русумига жавоб берарли тадқиқот ҳисобланарди. Шу боис, юқоридаги 128 саҳифадан иборат номзодлик

диссертациясининг нашрини монография, деб аташ мақсадга мувофиқ эмас. Уни рисола ёки қўлланма сифатида қабул қилиш мумкин.

Ўша йили Республикамиз илмий даргоҳларида таржима назариясига бағишланган битта докторлик ва бешта номзодлик диссертацияси тайёрланиб ихтисослашган кенгашларда ҳимоя қилинди.

Масалан, Наманган давлат университети кафедра мудирини, доцент Содиқов Зоҳиджон Якубжоновичнинг “Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу билиг” асари олмонча ва инглизча таржималарининг қиёсий таҳлили” мавзусидаги докторлик диссертациясининг асосий мақсади “қадимги туркий обида бўлмиш “Қутадғу билиг” асарининг ҳозирги олмон ва инглиз тилларига таржималарини аслият билан қиёсий таҳлил қилишдан иборат” (Автореферат, 8-бет) бўлиб, асарнинг Қ.Қаюмов амалга оширган ҳозирги ўзбек тилидаги табдили, акад. В.Радловнинг олмонча, Р.Денкоффнинг инглизча таржима нашрлари ушбу тадқиқотнинг объектини ташкил этган (Автореферат, 8-бет). Ваҳоланки, Зоҳиджон Содиқов “Қутадғу билиг” асарининг немисча илмий-адабий талқинлари”<sup>11</sup> мавзусида 1994 йил номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эди. Хулоса шундаки, олим ўзининг номзодлик ва докторлик диссертацияларида бир мавзунини бир хил таҳлил услуби, яъни таржималарни аслият билан қиёсий аснода таҳлил қилишдан нарига ўтмаган. Ҳолбуки, бугунги жаҳон таржимашунослик илмида лингвокультурологик, лингвопоэтик ва лингвопрагматик таҳлил методлари кенг қўлланилмоқда.

Тадқиқотчи З.Я. Содиқов ўзининг докторлик диссертациясида акад. В. Радлов ва Р. Денкофф таржималарини мақташ ва қоралаш билан чегараланиб қолгани, ишда эса асосан ўтган асрнинг

<sup>10</sup> Ўрмонова Н. Таржимада тарихий-архаик лексика ва давр руҳини акс эттириш. Монография. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – 128 бет.

<sup>11</sup> Содиқов З. Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг олмонча илмий-адабий талқинлари. Филол. фанлари номзоди... дисс.автореферати. – Тошкент, 1994.





70-80 йилларидаги назарий фикрлар устувор бўлиб, сўнгги 10-15 йил ичида ғарб ва шарқ олимларининг таржима назарияси борасидаги тадқиқотлари муаллифнинг диққат-эътиборидан четда қолганлигини кузатамиз. Айни пайтда, диссертация ишида муаллифнинг ўз илмий ва назарий концепцияси кўзга ташланмайди.

Дарҳақиқат, 2005-2012 йиллар ичида ҳимоя қилинган таржима назариясига оид номзодлик диссертацияларининг аксар қисмида ҳам юқоридаги бир хил таҳлил услуби кўзга ташланади. Масалан, Н.Ўрмонова, Р.Ширинова, Ш.Исоқова, В.Маматқосимоваларнинг француз-ўзбек ва ўзбек-француз таржимачилиги муаммоларига бағишланган номзодлик диссертацияларида нафақат таҳлил методлари, балки мавзуларнинг бир-бирига ўхшашлигини кузатишимиз мумкин. Ушбу диссертациялар асосан миллий колорит, тарихий реалія ва архаик сўзларнинг таржимада берилиши таҳлиliga бағишланган. Ачинарли жиҳати муаллифлар ўтган асрнинг 70-80 йилларида яратилган илмий тадқиқотлардаги таҳлил қолипидан чиқиб кетолмаган. Уларда янгича илмий ёндашув ва таҳлил усуллари кўзга ташланмайди. Бу каби ҳолат сўнгги йилларда инглиз-ўзбек таржима назариясига бағишланган Б.Холмирзаев, Н.Дўсбаева, Х.Юсупова, Г.Одилова каби ёш олимларнинг диссертацион тадқиқотларида ҳам кўзга ташланади.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, эндиликда: "... бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин – бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда

тутишимиз лозим".<sup>12</sup> Шундай экан, сўнгги йилларда таржима амалиётини янада жонлантириш, таржима назариясини дунё илми даражасига кўтариш олим ва таржимонларимиз олдида муҳим масала бўлиб турарди.

Шу ўринда, 2007 йил Франциядаги "Жерома" нашриётида ҳазрат Навоий ғазалларининг Жан-Жак Гатье ва Муродхон Эргашев томонидан таржима қилинган китоби муҳим совға бўлди. Ваҳоланки, Алишер Навоий шеърятдан француз тилига бевосита таржима амалиёти ўтган асрнинг охирида бошланган эди. Ёдимда, 1989-1990 йиллар таниқли француз шоир ва ноширлари Анри Делюи ва Жан-Пьер Балп француз тилида ўзбек мумтоз шеърятини антологиясини яратиш мақсадида юртимизга бир неча бор ташриф буюришганди. Бу хайрли ишда ўшанда уларга шоир Ҳамид Исмоилов ва камина ҳамкор бўлган эдик. Натижада, 1990 йил француз тилида ўзбек мумтоз шеърятини антологияси "Ўзбек ғазали"<sup>13</sup> номи билан чоп қилинди. Орадан бир йил ўтиб, Навоий ҳазратларининг 550 йиллик юбилейига тўёна тарзда "Алишер Навоий. Ғазаллар ва бошқа шеърлар"<sup>14</sup> номли алоҳида китоб нашр этилди. Ўшанда бу нашрга Франция матбуотида ижобий тақризлар ҳам босилганди.

Хулоса, ҳазрат Навоий ғазалларининг француз тилига таржималари бевосита ўзбек ва француз ижодкорлари томонидан ҳамкорликда бажарилгани учун ҳам муваффақиятли чиққан. Шундай бўлса-да бу таржималарни ҳам мукамал, аслиятга муқобил, деб бўлмайди. Масалан, иккинчи таржима хусусида матбуотимизда илиқ фикрлар айтилди. Улар орасида таржимага одил ва холисона баҳо СамДЧТИ доценти

<sup>12</sup> Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 326.

<sup>13</sup> Қаранг: Ghazals ouzbeks. – Paris: Action poétique, 1990. – 79 p.

<sup>14</sup> Қаранг: Alisher Navoi. Ghazel et autres poèmes. Traduit du turc et présenté par Hamid Ismaïlov et Jean-Pierre Balpe. – Paris: La Différence, 1991. – 127 p.



Абдимурод Кўчибоевнинг “Ҳазрат Навоий ғазаллари француз тилида” (“Жаҳон адабиёти”, 2010, 2-сон) мақоласида берилди. Олим таъкидлаганидек, “француз китобхони аслият даражасида гўзал ва нафис тилда бўлмаса-да, ҳазрат Навоий ғазалларини ўз она тилида ўқишга, ундан маълум даражада эстетик ва бадиий завқ олишга эришади”. Ҳа, мунаққид тўғри таъкидлаганидек, шеърий асар таржимада ҳам ўзининг аслиятдаги гўзал ва нафис тилини, маъно ва оҳангини сақлаб қолмас экан, бундай таржимани бекам-кўст таржима деб бўлмайди.

Ўзбек адабиёти намуналарини ўзимиз ҳам хорижий тилларга таржима қилсак бўлади (А. Алимбеков), дегувчи тезисни маъқуллаган ёш таржимашунос Гулноза Одилованинг мисол тариқасида: “таржимон Динора Султонованинг ўзбек адабиёти (шеърияти – М.Х.)дан инглиз тилига қилган таржималари Америка (АҚШ назарда тутилган бўлса керак – М.Х.)нинг [www.poetry.com](http://www.poetry.com) сайтида рейтингнинг энг юқори ўринларини анча вақт қўлдан бермай келганига гувоҳ бўлганман” деган таърифига тўхталадиган бўлсак, бунинг йўриғи бошқа. У болалигидан рус, ўзбек, тожик тилларини она тилидек ўзлаштирган, инглиз тилини кунт билан ўрганган, университетни тамомлаган шоиртабиат инсон. Мен билганим, Динора опа қирқ йилдан ошибдики, талабаларга инглиз тилидан сабоқ бериб келади. Ҳали биз талабалик давримизда Пошали Усмондан “Фауст”нинг ўзбек тилига, Динора Султоновадан Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шеърларининг инглиз тилига ўзлари ўгирган таржималарини тинглаганмиз. Айниқса, Динора опа аудиторияда ҳазрат Навоий ва Заҳириддин Бобур, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шеърларини ҳеч бир “шпаргалкаси” ўзбек, рус ва инглиз тилларида тўхталмасдан ўқиб, таржималарини аслият билан муқояса таҳлил қилиб кетаверарди. Опа қаторига андижонлик шоира-таржимон Бегойим Холбековани ҳам яқин

қўйишимиз мумкин. Шоиранинг сўнгги йилларда Роберт Бёрнс ижодидан ўзбек тилига ёхуд ўзбек шоирлари ижодидан инглиз тилига қилган таржималари мақтовга лойиқдир. Шундай бўлса-да, тўпламдаги ўзбек шоирлари ижодидан инглиз тилига қилинган таржималарнинг барчасини ҳам аслиятга муқобил, мукамал таржима, деб баҳолаб бўлмайди. Аксар таржималарда аслиятдаги ўзбекона ташбеҳлар, миллий руҳ ва оҳанг йўқолганининг шоҳиди бўламыз. Масалан, Ойбекнинг машҳур “Наъматак” шеъридаги биринчи бешлик таржимасига эътиборимизни қаратайлик:

*Нафис чайқалади бир туп наъматак  
Юксакда, шамолнинг беланчагида,  
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,  
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида,  
Нафис чайқалади бир туп наматак...*  
Таржимаси:

*Dances gently a bush of rosehip  
The wind sways it on the hill,  
A basket of white flowers  
Strive for the sun with great will.  
Dances gently a bush of rosehip...*

Юқоридаги сатрларда келаётган “нафис чайқалади”, “шамолнинг беланчагида”, “ўшшайган қоя” каби ўзбекона образли ибораларни ўз ҳолича ўзга тилда бериш бирмунча мушкул. Бегойим Холбекованинг ҳам уларни инглиз тилига ўгиришда қийналиб қолгани кўриниб турибди. Натижада, аслиятдаги “Нафис чайқалади бир туп наъматак” мисраси инглизчада “Чиройли рақсга тушар бир туп наъматак” маъносида ифодаланган. Қолган образли ташбеҳлар ҳам таржимада ўз аксини тўла топмаган.

Тўпланиннг аннотациясида айтилганидек, таржималарнинг “бадиий пухталиги, ранг-баранглиги ўз йўлига, лекин тўпланиннг яна бир муҳим жиҳати бор: ундан ўрин олган таржималар олийгоҳларнинг хорижий тиллар факультети талабалари учун инглиз адабиёти тарихи, таржима назарияси ва амалиёти фанларини ўрганишда сабоқ вазифасини ҳам ўтайди”, деган фикр



ўринлидир. Чунки, тўпладан ўрин олган Чўлпон, Ойбек, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби ўндан ортиқ шоир шеърларининг таржималари асл нусхаси билан ёнма-ён берилгани ўзбек тилидан инглизчага шеърлий таржима амалиётидан талабаларга сабоқ беришда қўл келади. Бундай нашрлар янада кўпайса фойдадан холи бўлмасди.

Энди, ўтган 2012-2013 йилларда чоп этилган таржима назарияси ва амалиётига оид нашрларга тўхталайлик. Тўғриси, ўтган икки йил ичида таржима назариясига бағишланган жиддий монографик тадқиқот эълон қилинмади. Мавзуга доир бир неча қўлланма ва рисола чоп этилди, холос. Улар орасида таржимон ва таржимашунос олимлар И.Ғафуров, О.Мўминов, Н.Қамбаров томонидан ёзилган “Таржима назарияси” (Тошкент: “Тафаккур бўстони”, 2012, 215 бет) ўқув қўлланмасини алоҳида таъкидлаб ўтмоқни истардик. Муаллифларнинг назарий ва амалий билимлари ҳамда бой тажрибалари асосида яратилган ушбу қўлланма олий ўқув юртлири талабалари ва фан ўқитувчилари учун зарурий манба бўлиб хизмат қилади. Қўлланманинг мазмуни ва моҳияти ҳақида профессорлар А.Абдуазизов ва Г.Боқиевнинг ижобий тақризи ҳам эълон қилинди (Қаранг: Ўз АС, 2012, 12 сентябрь).

Дарҳақиқат, қўлланма ўтган асрнинг 70-80 йилларида шаклланган жаҳон таржимашунослик илми назарияси андозасида яратилган бўлиб, муаллифлар ўз фикрларини Ж.Кэтфорд, Ю.Найда, Р.Якобсон, А.Фёдоров, Л.Бархударов, В.Комиссаров, А.Швейцер, Ғ.Саломов каби олимларнинг назарий тезисларига таянган ҳолда баён қилганлар. Таҳлил жараёнида муаллифлар манба сифатида Қуръони Карим ва Ҳазрат Навоий асарларининг таржималари, буюк рус ёзувчиси Л.Н. Толстой романларининг ўзбек тилига ўгирмаларига мурожаат этишган. Шунингдек, А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, А.Қаҳҳор, М.Исмоилий, М.Шайхзода, Миртемир,

О.Шарофиддинов, Э.Воҳидов, А.Орипов каби етук адибларнинг таржимонлик маҳорати хусусида ҳам сўз юритишган.

Қўлланмада таржиманинг лексик, грамматик ва лингвопоэтик муаммолари хусусида ҳам назарий фикрлар билдириб ўтилган. Аммо, “таржиманинг стилистик жиҳатлари, психоллингвистика, этнолингвистика, прагматика, луғат билан ишлаш ва матнга боғлиқ томонлари муаллифлар эътиборидан четга қолган” (А.Абдуазизов, Ғ.Боқиева). Ваҳоланки, таржима назариясининг бу жиҳатлари ҳозирда хорижий тилшунослар томонидан чуқур ўрганилмоқда, дарслик ва қўлланмаларда кенг ёритилиб берилмоқда.

2012 йил ёш тадқиқотчи Шукуралӣ Атоевнинг “Немис тилидан ўзбек тилига (таржимада – М.Х.) символик воситаларнинг берилиши” (Тошкент: ТДПУ, 2012, 122 бет) номли рисоласи нашр қилинди. Маълумки, бадиий асар матнида образли ва тасвирий-ифодавий воситалар ҳамда поэтик символларнинг қўлланиши борасида хориж (А.Ф. Лосев, И.Лагутина, Ц.Тодоров, В.Тэннер ва бошқ.) ва ўзбек (Ў.Юсупов, Ш.Турдимов, М.Жўраев, Х.Раҳимов ва бошқ.) олимлари томонидан қатор тадқиқотлар яратилган. Аслият матнидаги поэтик символларнинг таржимада сақланиши ҳам муҳим аҳамият касб этса-да, аммо бу масаланинг ечимига бағишланган назарий тадқиқотлар ўзбек таржимашунослигида яратилган эмасди. Шу жиҳатдан Ш.Атоевнинг ушбу рисоласи таржимашунослик илмида маълум даражада назарий манба бўла олади. Рисолада асосан немис адабиёти намояндалари И.В. Гёте, Ф.Шиллер, С.Цвейг, Г.Манн, ака-ука Гриммлар асарларида учровчи символларнинг билвосита ва бевосита таржима жараёнида берилиши принциплари кузатилади. Муаллиф дастлаб поэтик символларнинг немис ва ўзбек тилларидаги ҳолатини қиёсий таҳлил ва тавсиф этиб, ишнинг асосий қисмида уларнинг немис тилидан ўзбек тилига таржимада берилишини таҳлил ва тадқиқ этади. Рисолани яратиш





жараёнида муаллиф аниқ мисол ва фактларга таяниб иш тутгани кўришиб турибди. Ҳатто, муаллиф немис тилининг академик луғатларида келтирилган уч мингга яқин символик сўзларни ўрганиб, улардан бадиий асар матнида энг кўп қўлланилган уч юзтага яқинини тадқиқот объекти тарзида таҳлил қилган, уларнинг таржимада берилиш ҳолатларини тўғри баҳолай олган. Шунингдек, муаллиф рисолада юздан ортиқ немис, рус ва ўзбек тилларида чоп қилинган назарий, бадиий манба ва луғатларга мурожаат қилади. Хулоса, ушбу рисола 2012 йил таржима назариясига бағишлаб яратилган арзигулик тадқиқот десак муболаға бўлмайди.

Яна бир нашр, таржимашунос Гулноза Одилова ва талаба Умида Маҳмудова томонидан тайёрланган “Ўзбек таржимонлари ва бадиий таржималар” (Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2012. 116-бет) номли ўқув қўлланмадир. Ушбу қўлланма таниқли таржимашунос олим, профессор Жуманиёз Шариповнинг 1972 йил нашр қилинган “Бадиий таржималар ва моҳир таржимонлар” китобига қиёсан ёзилган, унинг давомига ўхшаса-да, мазмун жиҳатидан у билан беллаша олмайди, албатта. Жуманиёз Шарипов китобида ўтган асрнинг 70 йилларига қадар қалам тебратган таниқли адиб ва таржимонларнинг ижодий портретлари илмий аснода яратилган эди. Юқоридаги қўлланмада эса муаллифлар сўнгги қирқ йил мобайнида таржима амалиёти билан машғул бўлиб келаётган таниқли адиб ва таржимонлар ҳамда бир-икки асар таржима қилиб ўқувчи назарига тушган мутаржимлар фаолиятига бир мақомда таъриф берадилар, бир саҳифадан иборат бўлган мақолаларда улар ҳаёти ва ижоди хусусида библиографик маълумот келтириб ўтишади. Афсусланарли томони шундаки, қўлланма тузилиши ва мазмун жиҳатидан бугунги кун олий таълим тизими дастури талабига ҳам жавоб беролмайди. Ваҳоланки, муаллифлар қўлланманинг аннотациясида: “Ушбу китоб бўлажак таржимонларга бадиий

таржима асослари ва назариясининг амалда қўллаш усулларида баҳраманд бўлишлари учун ёрдамчи қўлланмадир”, дея берган ваъдалари унда ўз ифодасини топмаган.

Қўлланмада таҳлил учун танланган ўн тўққиз таржиманинг фақат тўққизтаси инглиз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан инглиз тилига ўгирилган асарларни ташкил этади, холос. Қўлланмадаги “Қиёсий таҳлилни ўрганамиз” рукнида ёзилган мақолалар ҳам назарий жиҳатдан саёз, мазмунан бўш эканлиги кўзга ташланади. Масалан, қўлланманинг 49-52 саҳифаларида Роберт Бёрнс (Бёрнст эмас – М.Х.) “A Red, Red Rose...” (“A red red rose” эмас – М.Х.) шеърининг Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Али таржимаси таҳлилга тортилган. Ушбу шеърнинг Р. Бёрнс асарларининг Лондон нашрида ёзилишига:

*O my Love's like a red, red rose,*

*That's newly sprung in June.*

*O my Love's like the melodie,*

*That's sweetly play'd in tune.*

ёки қадимги инглиз тилидаги нашрлари ҳолатига:

*O my Luve's like a red, red rose,*

*That's newly sprung in June:*

*O my Luve's like the melodie,*

*That's sweetly play'd in tune.*

эътибор қаратайлик. Қўлланмада муаллифлар инглизча матнни ўзларича “кашф” қилиб ёзишганлари кўзга ташланади. Натижада, Роберт Бёрнс шеърининг аслиятда учинчи хато кўриниши юзага келган.

*O, my luve is like a red, red rose,*

*That's newly sprung in June;*

*O, my luve is like a melodie,*

*That's sweetly play'd in tune.*

Мақола давомида эса, шеърнинг моҳир рус шоири ва таржимони Самуил Маршак таржимаси муаллифлар томонидан танқид қилинади. “Муҳаммад Али аслиятдан хабарсиз бўлгани учун ҳам, С.Маршак матнига суянишдан бошқа иложи бўлмаган ва чор-ночор унинг йўлини такрорлаган” (52-бет), деган



асоссиз фикрни илгари сурадилар. Нафсиламбр, Самуил Маршак (1887-1964) ёшлигида инглиз тилини ўрганиш, инглиз ва шотланд шеърлятини таржима қилиш ниятида бирмунча вақт Англияда яшаган, 1912-1914 йилларда Лондон университетида таҳсил олган, халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганган ижодкордир. Кейинчалик, у Уильям Шекспир сонетлари, Роберт Бёрнс баллада ва достонлари, Жон Китс, Уильям Блейк, Уильям Вордсворт, Жорж Байрон шеърларини аслиятдан кўп ва хўп таржима қилгани учун 1949 йил Давлат мукофотига сазовор бўлган эди. Самуил Маршак ўз таржима амалиётида “таржимон шеърят таржимасида муаллифнинг рақибига айланади”, деган ақидага амал қилган. Яъни у аслият руҳи ва мазмунини сақлаган ҳолда ўз таржималарини рус ўқувчиси дидига мос равишда беришга интиланган. Шу боис, мунаққидлар “С.Маршак таржималарида аслият руҳияти рус китобхони диди билан уйғунлашиб кетади”, деган тўғри баҳони беришади.

Юқоридаги тўртликнинг С.Маршак ва М.Али таржималарини қиёслайлик.

С.Маршакда:

*Любовь как роза красная*

*Цветёт в моём саду.*

*Любовь моя как песенка,*

*С которой в путь иду.*

М.Алида:

*Севги атиргул янглиз*

*Яшнар менинг қалбимда.*

*Севги – мен айтар қўшиқ*

*Йўлга чиққан чоғимда.*

Бизнингча, ҳар иккала таржимада ҳам аслият мазмуни ва руҳи, ундаги ўйноқи мисралар ўрни сақланиб қолинган. Аслиятдаги бир-икки сўз ва ибора таржималарда тушиб қолган бўлса, бордир.

2012-2013 йилларда Республикамиз олий ўқув юртлирида ҳам таржима назарияси ва амалиётига бағишланган бир неча илмий анжуман ўтказилди. Шу ўринда Самарқанд давлат чет тиллар институтида Ўзбекистон ёзувчилар

уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган “Бадий таржиманинг лингвопоэтик муаммолари” (Самарқанд, 2012, 23-24 ноябр) илмий-амалий анжумани алоҳида аҳамият касб этади. Дастурда кўрсатилган секцияларда юзга яқин маъруза ва ахборотлар тингланди. Энг муҳими, анжуман ишида таниқли таржимон ва таржимашунослар, “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока”, “Ёшлик” журналлари вакиллари иштирок этдилар. Институтда нашр қилинган “Ёш таржимонлар” алманахининг тақдими бўлиб ўтди. Ушбу анжуман материалларида 120 номдаги мақола ва тезислар чоп этилган. Бироқ уларнинг барчасини ҳам таржима назарияси ва танқидига бағишланган деб бўлмайди. Мақола ва тезисларнинг аксар қисми соф лингвистик ва дидактик характерга эга. Айрим мақола ва тезисларда эса аниқ мақсад ёхуд назарий фикрлар мужассам эмас, улар маълумот шаклидаги ахборотга ўхшаб қолган. Бундан чикди, тўплам таҳрир хайъатидаги масъул шахслар: “Тўпламдан ўрин олган мақолалар савияси, улардаги илмий далиллар ҳаққонийлиги ҳамда мазмун учун муаллифлар масъулдир” дея жавобгарликни ўзларидан соқит қилиб қўя қолишган.

Шу йили таржима илмига доир яна бир анжуман Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультетида атоқли таржимашунос олим, профессор Ғайбулла Саломов (ас-Салом) таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилди. Ушбу илмий-амалий анжуман материаллари “Таржимашуносликнинг долзарб масалалари” (Тошкент, ЎзМУ, 2012. 248 бет) номи билан нашр қилинди. Факультет декани, доцент Ж.Ш. Жумабоева муҳаррирлигида тайёрланган ушбу тўпламдан ўрин олган 78 муаллиф мақолаларининг асосий қисми таржима назарияси ва таржима танқидининг долзарб муаммоларини ёритишга бағишланган. Улар мазмунан ва моҳиятан



бирмунча юкори савияда эканлиги кўриниб туради.

Муҳтарам Юртбошимиз бундан саккиз йил бурун ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” (2008) асарида: “Узоқ йиллар давомида ўзбек адабиётини тўғридан-тўғри она тилимиздан таржима қилиб келган чет эллик таржимонлар билан бирга, мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олаётган истеъдодли ўғил-қизларимизни мана шу машаққатли, айни пайтда олижаноб ишга жалб этиш, бу масаланинг ечими билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилий-амалий вазифаларни ҳал қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлур эди”, деган сўзлари Республикаимизнинг қатор олий ўқув юртларида малакали таржимон кадрларни тайёрлашда дастуриламал бўлиб хизмат қиляпти. Шу ўринда, сўнгги йиллар ичида Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган ишлар эътиборга моликдир. “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари” дастурида илмий изланиш олиб бораётган институт талабалари, магистрант ва тадқиқочиларининг мақолалари илмий тўпламларда мунтазам эълон қилиниб келинмоқда. 2012 йил институт “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси олимлари томонидан чоп қилинган “Таржима масалалари” (Тошкент: ТошДШИ, 2012. 157 бет) мақолалар тўплами мундарижа ва мазмун жиҳатдан соф илмий-назарий маъно касб этади. Айниқса, тўпламдан ўрин олган “Яқин тиллардан таржима муаммолари” (Э.Очилов), “Своеобразие стиля оригинала и его передача в переводе” (Қ.Аззамов), “Бадий асар таржимасида табиат тасвирининг берилиши” (Х.Ҳамидов), “Корейская безэквивалентная лексика и особенности её перевода на русский язык” (Е.Ким), “Араб ва ўзбек тилларидаги эквивалент ва муқобил мақолларнинг таржимада берилиши” (Х.Каримов) номли мақолаларда шарқ халқлари адабиётидан ўзбек тилига ва ўзбек адабиётидан шарқ тилларига ўгирилган таржималарнинг

мазмунли таҳлилини кузатамиз. Бир сўз билан айтганда, тўпламдаги барча мақолалар маълум бир мақсадга йўналтирилган, қолаверса таржима амалиётининг маълум бир йўналишини, унинг назарий жиҳатларини ўзида акс эттиргани билан аҳамиятлидир.

2013 йилнинг декабрь ойида шу олий ўқув юртида бўлиб ўтган “Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги куни ва келажаги” мавзусида Республика илмий конференцияси муҳим аҳамият касб этди. “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари” илмий тадқиқот лойиҳаси дастури доирасида ўтказилган ушбу конференцияда “Шарқшунос таржимонларни тайёрлаш – долзарб масала” асосий мақсад қилиб қўйилган.

Бу йилларда Республикаимиз матбуотида таниқли адиб ва таржимонлар Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров, Шодмонбек Отабоев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Низом Комилов, Мирпўлат Мирзо, Улуғбек Ҳамдам, ёш олимлар Гулноза Одилова ва Алишер Отабоевларнинг таржима амалиёти ва таржима танқиди юзасидан қилган мазмунли суҳбат ва мақолалари чоп этилди. Уларда асосан, ижодкорлар ва олимларнинг таржимага бўлган муносабати, таржима учун асар танлаш, ёш таржимон кадрларни тайёрлаш ҳамда таржима танқидига жиддий эътибор қаратиш хусусида билдирган фикрлари бугунги кун учун ўта долзарбдир.

2014 йил ҳам таржима асарлари нашрига бой бўлди. Республикаимиз нашриётларида Жойснинг “Улисс саргузаштлари”, “Мусаввирнинг ёшликдаги сийрати”, Т.Драйзернинг “Бахтиқаро Керри”, Рашод Нури Гултекиннинг “Оташ кечаси”, Фенимор Купернинг “Чингачкук фожиаси”, А.Дюманинг “Граф Монте-Кристо”, И.Ильф ва Петровнинг “Ўн икки стул”, Чейз Хейлининг “Оқшом хабарлари”, Пауло Коэлонинг “Алкимёгар”, Ж.Верннинг “Ўн беш ёшли капитан” каби



романлари, ҳинд эпоси “Панчатандра”, Гётенинг “Фауст” фожиаси таржималари қайта чоп этилди. Турли даврларда ўзбек тилига ўгирилган жаҳон адабиётининг бу номдор асарлари китоб дўконлари пештахтасидан жой олди. Шу ўринда, “Ўзбекистон” нашриётида “Жаҳон шеърияти дурдоналари” рукнида адабиётшунос олим Эргаш Очиллов томонидан нашрга тайёрланиб чоп қилинаётган сержило муқовали “чўнтак китоб” (франц. “Le livre de poche”)ларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқни истардим. Бу серияда Шекспир, Байрон, Румий, Гарсиа Лорка каби бир қатор адиблар ижодидан намуналар китобча ҳолида чоп қилинди. Ушбу нашрлар хусусида ижобий ва салбий фикрлар билдирилди. Ижобий томони, бугунги ўқувчини дунё адабиётининг номдор асарлари билан қайтадан таништириш, унутилаёзган таржима асарларини бугунги ўқувчи ёдига солиш бўлса, салбий жиҳати ўтган даврларда катта меҳнат эвазига амалга оширилган таржималарни қисқартирган ҳолда, тўмтоқ мазмунда ўқувчига ҳавола қилишда кўринади.

Менимча, “Жаҳон шеърияти дурдоналари” рукнида чиқаётган китобчалар хусусидаги бу икки фикрда жон бор. Мана, қўлимда Лорканинг Шавкат Раҳмон таржима қилган ва тартиб берган “Энг қайғули шодлик” (Т., 1989. 382 бет) китоби ва Эргаш Очиллов тартиб берган “Ой тўлишган кечада” (Т., 2014. 189 бет) китобчаси турибди. Ёдимда, ўтган асрнинг 80-йиллари охири, қайта қуриш деб аталган даврда Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Муҳаммад Раҳмон каби шоирлар ғарб ва шарқ шеъриятидаги авангард оқимларга катта қизиқиш билан қараб, верлибр ва ҳаққу қолипидида шеърларни тилимизга таржима қилишга ва ўзлари ҳам шу йўлда шеърлар машқ қилишганди. Шавкат Раҳмон айниқса испан ва француз шеъриятига катта қизиқиш билан қарарди. Биз, шоир Ҳамид Исмоилов билан бирга юқоридаги қаламкаш дўстларимиз

ижодидан француз тилига таржималар қилганимизда Шавкат ўз шеърларини француз шоирлари Анри Делюи ва Жан-Пьер Балп қаршисида маъноли ўқиб беришга ҳаракат қилгани, француз верлибрини анча ўзлаштириб олгани ва бу борада француз шоирлари билан қизгин баҳс юритгани ҳам ёдимда. Шу боис, Шавкат Раҳмон шеърлари французча верлибр қолипига монанд равишда ўгирилди ва француз ўқувчиларига ҳам маъқул келганди.<sup>15</sup>

Энди, Шавкат Раҳмоннинг Лоркадан қилган таржималари хусусида гапирадиган бўлсак, у ўша йиллари испан шоирини ўзига кашф қилганди, унинг ижодини дастлаб русча манбалардан ўгирди, кейинчалик испан тилини ўрганиб ва таржималарини аслият билан солиштирган ҳолда қайта таржима қилди. Ва ниҳоят, 1989 йил Лорканинг рус тилидаги академик нашрига беллаша оладиган ўзбек тилида ҳам мукамал таржима нашрини тайёрлаб чоп эттирди<sup>16</sup>. Шавкат китобга Лорка шеъриятининг гултожи ҳисобланмиш “Лўли романсероси” (Romancero Gitano. 1924-1927) туркимига кирган шеърлари мазмунига монанд “Энг қайғули кўшиқ” номини танлаганди. Эргаш Очиллов эса нима сабабдан китобга “Ой тўлишган кеча” деб ном бераёпти. Бу номли шеър Лорка тўпламларида учрамайди. Тўғри, Лоркада “Ой кўшиқлари” туркими мавжуд. Туркумнинг биринчи кўшиғи “Ой чиққанда” деб номланган Эргаш Очиллов шу кўшиқнинг тўртинчи мисрасидаги “Ой тўлишган кечада...” сатрини нимагадир китобга сарлавҳа тарзида танлаган. Ваҳоланки, шоир-таржимон танлаган биринчи ном кейинги нашрда ҳам қолиши зарур эди. Сабаби, Лорка шеърияти Шавкат Раҳмон таржимасида ўзбек ўқувчисига маълум ва маъқул бўлиб қолган. Иккинчи нашрга ёзилган сўзбоши

<sup>15</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Энг қайғули шодлик. Шеърлар ва достон. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 327 бет.



(“Сўзнинг сурати ва сийрати”, 3-10 бетлар) ҳам китоб мазмуни ва шоир маҳоратини очиб беролмаган. Яхшиси, Шавкатнинг ўзи ёзган сўзбоши (“Таржимондан”) киритилганида маъқул бўларди. Хулоса, Шекспир, Шиллер, Гёте, Бальзик, Байрон, Лорка каби буюк адиблар асарларининг моҳир таржимонлар яратган нусхаларини ўзимизча ўзгартириб қайта нашр қилаверишимиз нокулай эмасмикин, ўқувчини чалғитмасмикин.

Ўтган 2014 йилда “Жаҳон адабиёти” журналида ҳам дунё адабиётидан кўплаб асарлар таржима қилиниб чоп этилди. Шу ўринда журналнинг наср, шеърият минтақалари, драма рукунларида ўтган йили машҳур америка ёзувчиси Теодор Драйзернинг “Сармоядор”, инглиз адиби Жейн Остиннинг “Андиша ва ғурур”, Фридрих Клингернинг “Фауст ҳаёти”, немис ёзувчиси Патрик Зюскинднинг “Ифор”, голланд адиби Вилли Корсарнинг “Мангу изтироб”, хитой адиби Мо Яннинг “Мусаллас мамлакати” романлари, Арно Гайгернинг “Қувғундаги кекса қирол” кассаси, Грэм Гриннинг “Ғоратгар мактублар”, Гогольнинг “Тентакнинг ёзишмалари” қиссаларининг таржималари босилди. Юқоридаги таржималар орасида Драйзернинг “Сармоядор”, Жейн Остиннинг “Андиша ва ғурур”, Мо Яннинг “Мусаллас мамлакати” романлари ўқувчиларда, айниқса талаба ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Сабаби, Республикамиз олий ўқув юр்தларининг хорижий тиллар факультетларида инглиз ва хитой тилларини ўрганаётган талабаларда бу таржималарга қизиқиш катта бўлди. Масалан, мен бу ҳолатни Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Жиззах давлат педагогика институти хорижий тиллар факультетида таҳсил олаётган талабалар мисолида кузатганман. Улар “Жаҳон адабиёти” журналининг ҳар сонини иштиёқ билан кутишади. Қолаверса, XX аср АҚШ адабиётида реалистик роман жанри уч буюк адиб Драйзер, Жек Лондон, Синклер Льюис

ижодида юқори поғонага кўтарилган эди. Улар асарларида ўтган аср Америка ҳаёти бутун борлиғи билан намоён бўлганини кузатамиз. Афсус, бу романистлар ижоди, асарларининг тилимизга ўгирилган таржималари ҳақида тақризлар ёзмаган, илмий тадқиқотлар ҳалигача яратилган эмас. Таниқли таржимон Амир Файзулла томонидан катта меҳнат эвазига ўгирилган “Сармоядор” романи ва унинг муаллифи хусусида журналда каттароқ бир мақола берилиши лозим эди. Жейн Остин ва унинг романи ҳақида ҳам шу каби мазмундор мақола ёзилиши зарур эди.

Хитой ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори Мо Ян ижоди атрофида сўнги икки йил ичида анча шов-шувлар бўлди. У қандай ёзувчи, нияти нима, асарлари нега тўсатдан машҳур бўлиб кетди ва ҳоказо саволлар ижодкорлар суҳбатидан ўрин олди. Масалан, истъедодли ёзувчи ва адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам суҳбатларидан бирида шундай фикр билдирган эди: “Мисол учун, яқинда Нобель мукофотини олган хитой ёзувчиси Мо Ян асарларини олайлик. Унга нега, қандай хизматлари учун мукофот берилди, деган саволга тезроқ жавоб топгимиз келади. Жаҳон ОАВнинг шов-шувлари ўз йўлига, биз ўз кўзимиз билан ўқиб, ўз ақлимиз орқали мушоҳада қилиб кўришни истаймиз. Лекин хитой тилини мукамал биладиган ва уни шундай даражада ўзбекчалаштира оладиган бирор моҳир таржимонни, масалалан, мен билмайман”.

Улуғбек Ҳамдам ушбу суҳбатида таклиф қилганидек хитойча ва ўзбекчани яхши биладиган ёш таржимон Севара Алижонова ва тажрибали мутаржим Амир Файзулла романи ҳамкорликда таржима қилишди. Таржима “Жаҳон адабиёти” журналининг ўтган йилги сонларида эълон қилинди. Роман ҳақида таниқли адиб ва олим Хуршид Дўстмуҳаммаднинг каттагина мақоласи (“Разолат салтанатига саёҳат”) ҳам берилди. Бу таржима журнал фаолиятида бир қадар илгари силжиш бўлди, десак арзийди. Бу ерда ҳар иккала таржимон ҳам тенг меҳнат қилгани





кўриниб турибди. Бу ўзбек таржимачилиги тарихида янглик, аслията янгича ёндашув ёки тажриба бўлди. Журналнинг жамоатчилик кенгаши йиғилишида бу тажриба (хитой ва рус тилидан таржима дейилгани учун) танқид ҳам қилинди. Нима бўлганди ҳам “Мусаллас мамлакати” романи ўзбекчага таржима қилинди, у ҳақидаги мақолалар билан ўзбек ўқувчисига тақдим этилди.

Журнал ўтган 2014 йил жаҳон адабиётининг драма жанридан таржимага ҳам алоҳида эътибор берди. Абсурд театрининг етакчи вакили Сэмюэл Беккетнинг “Годони кутиш” пьесаси Жаббор Эшонқул тамонидан ўзбек тилига ўгирилиб, журналда босилди. Шунингдек, журналда грузин ёзувчиси Лаша Табукашвилининг “Ҳаёлат дардида” пьесаси М.Хайруллаев таржимасида, Александр Дударевнинг “Чиқиндихона” пьесаси Шароф Бошбеков, Жон Стейнбекнинг “Одамлар ва сичқонлар” пьесаси Абдулахад Абдуллаев, Эдуардо де Флиппонинг “Неаполь-миллионерлар шаҳри” комедияси Усмон Азим таржимасида босилди. Тўғри, юқоридаги драмаларнинг барчаси уларнинг рус тилидаги таржима нусхаларидан тилимизга ўгирилган. Бу таржималарнинг ижобий томони, улар таниқли адибларимиз тарафидан амалга оширилганидир. Таржималарнинг мукамал чиққанлиги ҳам шундандир. Демак, таржима амалиётида биз ҳали рус тилининг воситачилигига муҳтожмиз. Бу тажрибани давом эттиришимизга ҳамон зарурат бор экан, таҳририят таниқли адибларимизни таржимонликка жалб этиб тўғри қилган.

Маълумки, XX аср ғарб драматургиясида асосан уч йўналишдаги театр, яъни Бертольд Брехтнинг “эпик (халқ) театри”, Бернард Шоунинг “интеллектуал театри” ва С.Беккетнинг “абсурд театри” етакчилиги қилганди. Ўтган асрнинг 50-йилларида Францияда майдонга келган “абсурд драма” жанри шу номдаги театрға асос солди. Бу жанрнинг

машҳур вакиллари С.Беккет, Э.Ионеско, А.Адамовлар ўз асарларида дунёни хаос тарзида тасвирлаш билан ўз даври кишиларидаги пессимистик кайфиятни, маънисиз турмуш тарзини, мақсадсиз ҳаракат ва кишилар нутқидаги маъносиз тумтароқликни кўрсатиб беришга ҳаракат қиладилар. Беккетнинг машҳур “Годони кутиш” пьесаси ҳам шу асосда қурилган сахна асаридир. Пьесада воқеалар маънисиз бўлса-да “у ғарб кишининг руҳий дунёсини очиб беради, яъни одамнинг ҳаёти номаълум ва ҳеч қачон ташриф буюрмайдиган Годони кутиш каби бемаънидир” (Н.Эшонқул). Жаббор Эшонқул таржимасида пьеса ўзбек тилида ҳам маъноли чиққан. Пьесанинг номи “Годоно кутиб” (“En attendant Godo”) тарзида таржима қилинганида асилиятга янада яқин бўларди. Назар Эшонқулнинг “Ўзини ўрганаётган одам” мақоласининг журналда берилиши асарни тушунишда ўқувчига катта ёрдам беради албатта.

“Шеърят минтақалари” рукнида немис шоири Йоханн Вольфганг Гёте ижодидан бир туркум шеърлар халқ ёзувчиси Муҳаммад Али таржимасида, Анна Ахматова ва Хайнрих Хайненинг туркум шеърлари Абдулла Шер таржимасида эълон қилинди. Шунингдек, ушбу рукнда А.Пушкин, Х.Дехлавий ва озор шоири Рамз Равшан шеърлари Н.Бердиев, Олим Бўри ва Хосият Рустамова таржималарида босилди. Бу таржималар хусусида, айниқса халқ шоири Муҳаммад Али ва иқтидорли шоира Хосият Рустамова таржималари ҳақида уюшманинг адабий алоқа ва бадий таржима бўлимининг ҳисобот йиғилишида ижобий фикрлар билдирилди.

2014 йил чоп қилинган яна бир нашр – таниқли инглиз драматурги Жон Драйден қаламига мансуб “Аврангзеб” трагедияси (Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 274 б.) таржимаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Инглиз адабиётида классицизм драматургиясининг асосчиси Жон Драйден (John Dryden, 1631-1700) ўз ватандошлари Марло ва Шекспир изидан



бориб, классик трагедия жанрида ижод қиларкан Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи тарихи мавзусига қўл уради ва 1675 йил ўзининг “Аврангзеб” (“Avteng-Zebe”) трагедиясини яратади. Жон Драйденнинг ушбу трагедияси хусусида илк маълумот 2007 йил “Жаҳон адабиёти” (6-сон) журналида берилган эди. Қарши давлат университети инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси Дилафрўз Очилова Англия сафарида бўлганида ушбу трагедиянинг асл нусхасини топиб, ўзи билан олиб келди. Икки йил давомида у фожиани инглиз тилидан (асар рус тилига таржима қилинмаган – М.Х.) ўзбекчага ўгирди. Таржима яқунлангач, уни ҳиндшунос олим ва таржимон Амир Файзулла ўқиб, унинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ёзма тақриз ҳам берди. У ўз тақризида унга “таглама-таржима”, дея баҳо бераркан таржимани асл нусха билан ёнма-ён бир китоб ҳолида нашр қилишни маслаҳат берганди. Хуллас, Драйденнинг “Аврангзеб” фожиаси инглизча матни ва ўзбекча таржимаси билан ёнма-ён китоб ҳолида нашр этилди. Бу нашрдан ҳозирда инглиз тилини ўрганаётган хорижий тиллар ва таржимонлик факультетлари талабалари қўлланма тарзида ҳам фойдаланишмоқда.

2015 йил ҳам таржима асарлари нашрига бой йил бўлди. Шу ўринда “Янги аср авлоди” нашриёти жаҳон адабиёти дурдоналари ҳисобланган ўнлаб асарларнинг таржималарини чиройли муқоваларда қайтадан нашр қилгани мактовга лойиқдир.

Ваҳоланки, юқоридаги айрим таржималарнинг илк нашрлари ўтган асрнинг 70-80 йилларида амалга оширилган бўлиб, бугун уларни фақат кутубхоналардан топиб ўқиш мумкин эди. Масалан, машҳур француз адиби Антуан де Сент-Экзюпери қаламига мансуб “Кичикина Шаҳзода” асарининг ёзувчи Хайриддин Султонов томонидан бажарилган таржимаси (ушбу асар 1963 йил М.Умаров тарафидан илк бор таржима қилиниб, китобча ҳолида чоп қилинган

бўлса-да, ўқувчилар даврасида шуҳрат қозонолмагани – М.Х.) дастлаб 1986 китоб ҳолида нашр қилинган катта-ю кичик китобхон назарига тушганда. Асар 1988 йил яна бир бор қайта нашр қилинди. “Кичик Шаҳзода” эртаги (французча нашрдаги “conte” сўзи эртадан кўра қисса ёки жажжи роман жанрига мос келади. Масалан, машҳур файласуф адиб Вольтернинг “Задиг”, “Кандид” асарлари ҳам француз тилида “conte” деб юритилади – М.Х.)нинг ўзбек тилидаги таржималарини аслият ва русча таржима матнлари билан солиштириб, таҳлил қилган мақолалар, ёзувчи ижодига бағишланган тадқиқотлар ҳам ёзилган. Ва ниҳоят, “Янги аср авлоди” нашриётининг асарни қайта чоп қилгани ўқувчиларга катта туҳфа бўлди. Профессор Акмал Саидовнинг китобга ёзган ўн саккиз саҳифалик сўзбоши ўрнидаги мақоласи ўқувчини ёзувчи ҳаёти ва ижоди билан янада яқиндан таништиради.

Ўтган йили яна бир нашриёт – “Davt press” нашриёт-матбаа уйи ҳам таржима асарларини чоп этишга киришиб, хайрли ишга қўл урди. Нашриёт “Дунё адабиёти хазинасидан” туркумида таниқли хитой ёзувчиси Лао Шэнинг “Мушуклар шаҳри хотиралари” номли машҳур роман-памфлетини Эркин Эрназаров таржимасида чиройли муқовада чоп этди. Ўзбек китобхони сўнгги ўн беш йил орасида хитой адабиётидан, Нобель мукофоти совриндорлари Гао Синцзян ва Мо Янь асарлари билан танишган бўлса, энди хитой адабиёти классиги Лао Шэнинг “Мушуклар шаҳри хотиралари” романи ва адиб ҳикматлари таржималарини она тилида ўқишга муяссар бўлди. Профессор Акмал Саидовнинг китобга ёзган кенг маъноли сўзбошиси адиб ҳаёти ва ижоди билан китобхонни яқиндан таништиради. “Davt press” нашриёт-матбаа уйи чоп этган иккинчи чиройли муқовали китоб Франц Кафканинг “Ота ҳукми” (Das Urteil) ҳикояси номи билан юритилади. Китоб мундаражасидан ёзувчининг ўзбек тилига таржима қилинган ўнта ҳикояси, икки



мактуби (“Отамга хат”, “Миленага мактублар”) ва ҳикматлари ўрин олган. Бу нашрга ҳам профессор Акмал Саидов мазмундор сўзбоши (“Франц Кафка – телба дунёнинг даҳоси”) ёзган.

2015 йилда “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналлари ва “Китоб дунёси”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталарида ҳам бир қатор асарларнинг таржималар босилиб чиқди. Масалан, “Жаҳон адабиёти” журнали ўзининг дастлабки сонларида инглиз танқидий реализм адабиётининг йирик вакили Чарлз Диккенснинг “Катта умидлар” (Great expectations, 1860) ва француз романтизм адабиёти намояндаси Жорж Санднинг “Индиана” (Indiana, 1832) романларининг таржималарини эълон қилди. Биринчи роман таржимони ўз таржимасини “инглиз ва рус тилларидан таржима” дея таъкидлаган. Таржимашунослар даврасида “Бу қанақаси бўлди? Асарни икки тилдан бирваракайига таржима қилиш мумкинми”, деган гап-сўзлар ҳам бўлди. Мен, таржимон ва мунаққид Шоазим Миноваровни кўпдан танийман. У ўтган йиллар давомида машҳур француз адибларидан Шарль Перронинг “Она ғоз эртаклари”, Франсуа Мориакнинг “Илонлар чангалида”, Монтескьенинг “Форс номалари” (ҳамкорликда), Ле Клеззионинг “Мондо ва бошқа ҳикоялар” китобларини ва Мопассан ҳикояларини бевосита француз тилидан ўзбекчага ўгирган малакали таржимонлардан. Шунингдек, у таниқли адибимиз Эркин Аъзамнинг “Шовқин” романи ва ҳикояларини ўзбек тилидан французчага бевосита таржима қилди ва бу таржималар алоҳида китоб ҳолида нашр этилиб, Парижда ЮНЕСКО қароргоҳида тақдироти бўлиб ўтди. Шоазим Миноваров француз тилини мукамал билувчи, ҳавас қилса арзигулик зиёлиларимиздан. Диккенснинг “Катта умидлар” романи таржимасига келсак, мутаржим инглиз тилини ҳали француз тилидек мукамал ўрганмаганлиги сабабли таржима жараёнида русча

таржима матнидан ҳам фойдаланган ва буни ошқор айтганини тўғри қабул қилмоқ лозим.

“Индиана” романини ўзбекчага ўгирган Юсуф Хушвақтов бундан беш-олти йил бурун таржимасини кўтариб “Жаҳон адабиёти” журналига келганда Амир Файзулла ва Файзи Шоисмоил каби малакали таржимонларга дуч келди ва уларнинг маслаҳатларини олиб, матнини қайта-қайта ишлади. Ниҳоят таржима журналда босилди.

Жорж Санд ҳаёти ва ижоди француз адабиёти тарихида муҳим ўрин тутди. У ҳаётда бироз чапани, ўзига ишонган, эркаклар (бу ерда О. де Бальзак, А. де Мюссе, В. Гюго, А. Дюма, Шопен ва бошқа буюк ижодкорларни кўзда тутаяпман – М.Х.) даврасида эркакча кийиниб, улар билан талашиб-тортишиб ижод қилган санъаткор. У ўзини доим мадам де Сталга менгзарди. Бу бежиз эмас албатта. Жорж Санд ҳам де Сталь каби деярли барча асарларида ўз эрки ва адолат учун курашган аёллар қиёфасини яратди, уларни улуғлади. У яратган “Индиана”, “Валентино”, “Консуэла”, “Мопра” каби романлар Европада “аёл прозаси”нинг етук асарлари ҳисобланади. Машҳур беллетрист ёзувчи Андре Моруанинг “Лилия ёки Жорж Санд ҳаёти” романини ўқиган китобхон адиба ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишади.

“Индиана” романи таржимаси хусусида гапирадиган бўлсак, асар ўзбек тилида ҳам ўқимишли чиққан. Аммо таржима матни қайта-қайта таҳрир қилинавергани учунми кўп ҳолатларда аслиятдан узоқлашиб кетгани, айрим ҳолларда ёзувчи услубига путур етгани ҳам кўзга ташланади. Келгусида таржима ҳақида тақриз ва мақолалар ёзилажагига умид қиламиз. Журнал ўзининг охириги икки сониди америкалик романнавис Гарольд Роббинснинг “Мени ташлаб кетма” романини Лола Шоимова таржимасида эълон қилиб, яна бир машҳур ёзувчи номини ўзбек ўқувчисига таништирди.





“Китоб дунёси” газетаси ҳам дунё адабиётидан ўғирилган таржималарни мунтазам эълон қилиб келди. Бу билан бизга номаълум бўлган кўплаб адибларни газетахонларимизга кашф этди. Айни пайтда газета ёш таржимонлар малакасини оширувчи мактаб ҳам бўлаётгани бизни қувонтиради. Масалан газета саҳифаларида Бегойим Холбекова, Ойбек Остонов, Қандилат Юсупова, Шаҳноза Қувоннова, Шахло Облоқулова каби иқтидорли таржимонларнинг тез-тез чиқиб туришлари таржимадан таржимага улар маҳоратининг ошиб бораётганидан дарак бераётир.

Энди икки оғиз сўз таржима назарияси ва таржима танқидининг бугунги аҳволи ҳақида. Назаримда, сўнгги йилларда таржима назарияси амалиётдан узоқлашиб бораётгандек, таржима танқиди эса орқада қолаётгандек кўринади. Ўтган йили “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси уюштирган давра суҳбатларида, Жиззах Давлат педагогика институтида бўлиб ўтган “Бадиий таржима: амалиёт, назария ва танқид” илмий семинарида Иброҳим Ғафуров, Абдулла Шер, Мирпўлат Мирзо, Амир Файзулла, Мирзаали Акбаров, Адҳамбек Алимбеков, Сувон Мели, Шавкат Каримов, Янглиш Эгамова, Хуррам Рахимов, Зухриддин Исломиддинов, Робияжон Абдуллаева, Абдумурод Кўчибоев каби таниқли таржимонлар, адабиётшунос, тилшунос ва таржимашунос олимлар иштирок этиб бу хусусида куюниб гапирдилар. Айниқса таржима танқидини йўлга қўйиш бош мавзу тарзида муҳокама марказида бўлди.

Тўғри, назария бўлмаган жойда амалиёт ривожланмайди, улар бир-бири билан чамбарчас боғланган, бир-бирини тўлдириб боради. Таъбир жоиз бўлса, назария билан қуролланмаган таржимон мукамал таржима ярата олмайди. Буни биз И.Ғафуров, А.Файзулла, А.Шер, М.Акабаров, Я.Эгамова каби моҳир таржимонларимиз ижоди мисолида кузатишимиз мумкин.

Таржима назариясининг соф лингвистик муаммолари хусусида гапирадиган бўлсак, ўтган йили Ўзбекистон Миллий унверситети ва Андижон Давлат унверситетида бўлиб ўтган илмий анжуманларда юзлаб таниқли олимлар, мустақил илмий тадқиқотчилар ва магистрантлар ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Уларда асосан замонавий таржимашуносликнинг долзарб масалалари соф назарий планда тадқиқ қилинганини кузатамиз.

Шунингдек 2015 йилнинг декабрь ойида Андижон Давлат унверситетида бўлиб ўтган “Таржиманинг лингвокогнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультуралогик аспекти” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманида 135 та маъруза тингланди. Тан олиб айтиш керакки, анжуманда ўқилган маърузаларнинг аксари қисмида ғарб ва рус тилшунослиги ва таржимашунослиги назариясига таянилган фикрлар ва тезислар асосий ўринни эгаллайди. Уларда бадиий таржима амалиёти ва танқидига оид фикрлар камдан-кам муҳокама қилинганини кузатамиз.

Афсусланарли томони, ушбу анжуман ишида “Ёзувчилар уюшмаси адабий алоқалар ва бадиий таржима бўлими”, “Жаҳон адабиёти” журнали таҳририятидан ҳеч ким иштирок этмади. Дарҳақиқат, И.Ғафуров, Н.Комилов, А.Файзулла, А.Шер, М.Мирзо, М.Акабаров, Я.Эгамова каби таниқли таржимонлар таклиф қилинмагани ҳам назария ва амалиёт ўртасида узулиш ҳосил бўлганидан дарак беради. Амалиёт ва назария ўртасидаги узилиш эса таржима танқидига ҳам салбий таъсир кўрсатаётир.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон адабиётининг энг сара асарлари тилимизга ўғирилиб, ўз ўқувчисини топмоқда. Ниятимиз, бу таржималар таржима танқиди ва назарияси илмида ҳам ўз ўрнини топса, амалиёт, назария ва танқид бир мақсад йўлида хизмат қилса нур устига аъло нур бўлар эди.



*Холбеков М. Перевод и переводоведение в Узбекистане. Статья содержит сведения о развитии перевода и переводоведения в Узбекистане и работе теоретиков перевода, а так же общую информацию о художественном переводе в Республики.*

*Xolbekov M. Translation and translation studies in Uzbekistan. The article contains information about the development of translation and interpretation in Uzbekistan and the works devoted to the developing of translation in the Republic.*

---

---



## ПОЛНЫЙ ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА – ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЙ ТРУД В МИРОВОМ ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКОМ ПРОЦЕССЕ

*Бушуй Анатолий Михайлович,*

*профессор Самаркандского государственного института иностранных языков*

**Ключевые слова:** лексикография, словарная дефициция, словарь, фразеология, паремиология.

### **I. Основы общей лексикографии**

Общая лексикография – одна из активно разрабатываемых отраслей теории и практики составления словарей [Дж. Б. Буранов, 1970; 1977; 1993; 2002]. Её основным направлениям [лексическому, фразеологическому, паремиологическому, грамматическому и др.] во многом ещё недостаёт информации о том, как и в каком объёме необходимо представлять языковой материал в корпусе словаря [например, толковом, контрастивном, этимологическом и др.]. Примечателен в этом отношении следующий тезис, который сформулировал Ю. Н. Караулов [1981. С. 135]: «Наряду с признаком «для чего делается» для нынешнего уровня словарного дела существенным оказывается признак «как делается».

Основной задачей лексикографии является отражение в различного рода словарях [толковых, контрастивных и др.] семантических, грамматических, стилистических, функциональных [коммуникативных, текстообразующих] и других особенностей языковых единиц. Лексикография призвана свидетельствовать о деривационных закономерностях развития языка, моделируемости и её границах, объёме лексических и фразеологических гнезд, микро- и макрообъединений языковых единиц и т.д.

Независимо от полноты и характера назначения лексикографического источника в нём должна найти своё отражение в необходимой мере система языка. Поэтому очевидно, что общая теория лексикографии и совершенствование практики словарного

дела напрямую обуславливаются состоянием изысканий в области лексикологии, фразеологии, семасиологии, грамматики и других лингвистических дисциплин [А. М. Бушуй, 2016. С. 43].

Проблематика толкового словаря весьма многообразна, круг исследуемых здесь вопросов исключительно широк. Некоторые её аспекты имеют принципиальное значение. Так, современная лексикография всё более исходит из того, что лексика и фразеология, отражённые в толковом словаре, призваны осветить надлежащим образом лексико- и фразеобразовательные возможности конкретного слова. Поэтому практика создания толковых словарей выработала установку на фиксирование в них наиболее необходимых [основных] лексико-семантических групп и фразеообъединений с данным конкретным словом.

Толковый словарь предполагает учёт категориальных признаков слов и сочетаний слов [в том числе фразеологических и паремиологических], интерпретацию их структурных [формальных], семантических, грамматических и стилистико-функциональных характеристик, показ сочетаемости в контексте и других особенностей устойчивых словесных комплексов.

Описание языка в толковом словаре должно в идеальном случае отвечать требованиям: 1) учитывается основной фонд языка, 2) проводится его всестороннее толкование, 3) показываются необходимые грамматические



характеристики, 4) объясняется экспрессивно-стилистическая природа описываемых языковых явлений, 5) перечисляются их варианты формы употребления, 6) для сравнения сообщаются синонимичные и антонимичные средства выражения и др. И весь этот объём информации иллюстрируется подтверждающими цитатами и образцами речевого употребления.

Языковая кодификация в толковом словаре предполагает выяснение вопросов инвентаризации, систематизации и интерпретации слов, фразеологических единиц [ФЕ], слово- и фразеосочетаний в семантическом, стилистико-функциональном и грамматическом планах, а также установление границ устойчивого лексико-фразеологического фонда.

Для общей теории лексикографии важным следует признать приём последовательного раскрытия соотношения кодификации и узуса посредством сопоставительного сравнения словарно усвоенных или усваиваемых языковых единиц [их форм и вариантов] и многообразия имеющих в языке единиц, excerpiрованных из наиболее авторитетных художественных и иных источников [публицистических, научно-текстовых, фольклорных и др.] рассматриваемого исторического периода.

На современном этапе развития лексикографии отмечается наличие разных принципов словарной репрезентации языка, в результате чего определённым образом отражается соотношение языка и системы словарей.

Особенно подробно разработаны такие вопросы лексикографии: приёмы толкования, способы цитирования, методы подачи в словарях отдельных типов языковых единиц, учёт в словарях их функционального аспекта и т. д.

С другой стороны, большое значение лексикографическая практика сыграла в уточнении лингвистической

природы различных языковых явлений. Именно здесь впервые были изложены сведения о семантике, метафорике, прагматике и этимологии многих слов и устойчивых словесных комплексов.

Словари в заметной степени способствовали развитию взглядов и на такие сложные вопросы, как границы ФЕ, идиоматичность устойчивых словесных комплексов, клиширование во фразеобразовании, синтаксическая идиоматика и др., без чего нельзя было сделать выбор адекватной словарной формы целого ряда лексико-фразеологических единиц.

Значительная работа проделана в лексикографии при систематизации и толковании отдельных национально значимых идиологетов.

Крупными вопросами теории и практики современной лексикографии [например, в сфере толкового словаря] являются следующие: структура словаря; построение словарной статьи; система подачи семантико-функциональных, стилистико-прагматических, грамматических, этимологических и прочих толкований описываемого языкового материала. Пополняется лексикография и сведениями об особенностях подачи полисемичных, омонимичных, синонимических и антонимичных образований.

Подобный [системный] подход к решению комплексной лексикографической проблемы представляется наиболее перспективным и основополагающим. Так, в современной лексикографии обычно реализуются достаточно последовательно следующие приёмы репрезентации фразеологического материала [например, в словарях толковых и контрастивных]: 1) семантический [по семантически стержневому слову], 2) синтаксический [по синтаксически ведущему слову], 3) формальный, т. е. выбор места фиксирования ФЕ в словаре определяется условно в зависимости от частеречной характеристики



полнозначительных компонентов фразеолитории.

Однако универсально использовать каждый из указанных приёмов в отдельности не представляется возможным. Действительно, не всегда поддаётся определению центральное по значению слово в семантически цельной фразеолитории, а синтаксически ведущее слово [например, глагол] нередко оказывается лексически нивелированным [стёртым, полуопустошённым]. Точно так же вряд ли приемлемым следует признать и условно-формальный приём распределения ФЕ в словаре. Поэтому отсутствие чётко выработанных принципов словарной систематизации устойчивых словесных комплексов существенно снижает практический потенциал лексикографии и фразеолитории.

Для филологических словарей возможна единая методика репрезентации фразеолитории как системы. В её основе лежит принцип покомпонентного фиксирования ФЕ в словаре [толковом и др.] с поправкой на всевозможные ограничения в отборе материала, полноте [глубине] его интерпретации, количестве привлекаемых параметров описания. Это значит, что любое слово языка, характеризующееся любой степенью фразеолиториальной активности, избирается в качестве лексикографически опорного слова и выступает исходным в словарном фразеолиториировании.

## II. Ёзбек тилининг изоҳли луғати [2006-2008]

Национальные толковые словари призваны всесторонне и исчерпывающе отразить и объяснить основное лексико-фразеолиториальное богатство языка. Многие из них являются крупнейшими языковыми коллекциями, подлинными сокровищницами родного слова, демонстрируя тем самым наиболее общее, универсальное описание национального языка. Например, это полный (5-томный) «Ёзбек тилининг изоҳли луғати» –

2006/2008 [ЁТИЛ] – самый авторитетный [на наши дни] источник историографии, номинации и художественно-изобразительных возможностей узбекского языка. Он продолжает развивать славные традиции лексикографии Узбекистана [См.: З. М. Маъруфов, 1981].

Особенно велико значение ЁТИЛ в репрезентации фразеолитории. В этом отношении он наиболее информативен, ибо до сих пор отсутствует специальный академический фразеолиториальный словарь узбекского языка. Всесторонняя подача фразеолитории в ЁТИЛ продолжает тем самым богатый разноязычный опыт мировой лексикографии.

ЁТИЛ – это образец успешного создания нормативно-стилистического толкового словаря академического типа. Реализация же его концепции находится в прямой зависимости [кроме прочих проблем] от разрешения задач фразеолиториального порядка, т.е. разработки проблемы «фразеолитории в словаре». При этом надлежит показывать не только фразеолиториальные возможности лексики языка, но и место любой из учитываемых ФЕ во фразеолиториальной [или шире – лексико-фразеолиториальной] системе. Здесь трудности заключались в том, что объектом словарного анализа послужил чрезвычайно обильный материал.

Взаимная дополняемость лексики и фразеолитории в выражении отдельных фрагментов языковой действительности [лексико-фразеолиториальное название одних и тех же внеязыковых фактов и явлений, скажем, посредством лексико-фразеолиториальных полей, серий синонимов и т.д.] объективно реализуется в ЁТИЛ совместным лексико-фразеолиториальным описанием выделяемых слов, избранных в качестве заглавных в словарных статьях и выступающих как лексикографически опорные слова различных ФЕ. Обязательность одновременного учёта лексической и фразеолиториальной систем в





ЎТИЛ обуславливается также их нередкими перекрещиваниями, взаимными наслоениями и дополнениями при объяснении слова [как основной единицы языка].

ЎТИЛ сполна передаёт совместным привлечением лексико-фразеологических средств основные сферы жизни узбекистанского общества широкого исторического периода: сферы социально-экономических отношений, быта, ремесла, сельского хозяйства, искусства и культуры. При последовательной ориентации на всеобъемлющий охват языковых фактов этот комплексный словарь служит авторитетным научно-справочным источником историкам языка, диалектологам, лексикологам, фразеологам, дериватологам современного узбекского языка [а также историкам узбекской культуры, науки, техники и т.д.] [См. также: Қ. Назаров, 2009; Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000-2006]. Кроме того, опыт ЎТИЛ однозначно разрешил спор о включении / невключении фразеологии в корпус национального толкового словаря, а именно комплектование толкового словаря должно предполагать одновременный и всесторонний учёт лексико-фразеологических ресурсов языка. Здесь – как ни в одном другом узбекском словаре – обширно отражается типология ФЕ, конкретизированная в жанрово-стилевом, функциональном и структурно-композиционном отношении.

### III. Лексика в ЎТИЛ

Лексико-семантические и словообразовательные нормы лексикографии раскрываются в ЎТИЛ с особым вниманием к наиболее релевантным системно-уровневым и деривационным признакам. Это прежде всего гнездовое группирование однокорневых слов:

АБАД / АБАДИЙ /  
АБАДИЙЛАШМОҚ /  
АБАДИЙЛАШТИРМОҚ / АБАДИЙЛИК /

АБАДИЯ [: Саодати АБАДИЯ] / АБАДИЯН / АБАДИЯТ [т.1. С. 25];

НАМОЗ / НАМОЗГАР / НАМОЗГОҲ / НАМОЗЛИК / НАМОЗХОН / НАМОЗХОНА / НАМОЗШОМ / НАМОЗШОМАТЛАС / НАМОЗШОМГУЛ [т.3. С. 16];

ОБОД / ОБОДЛАШМОҚ / ОБОДОН / ОБОДОНЛАШТИРИШ / ОБОДЛИК / ОБОДОНЧИЛИК [т.3. С. 74]

ПАРДОЗ / ПАРДОЗ-АНДОЗ / ПАРДОЗВОЗЛИК / ПАРДОЗЛАМОҚ / ПАРДОЗЛОВЧИ (ПАРДОЗЧИ) / ПАРДОЗСИЗ (БЕПАРДОЗ) [т.3. С. 221-222] и др.

Фактор текстовой употребительности позволяет словарю выделить в паре близкозначимых слов (выражений) более соответствующее действующей языковой норме. Ср.:

“НАЗР-НИЁЗ айн. хайр-садақа. “Хазрати султон” шайхларига назр-ниёзлари бекорга кетмаганига, кизининг бўйида бўлганига ... ишонди, кулумсиради. Ҳ. Гулом, Машғал. Зиёратга келганлар қовоқ солиб ўтирган авлиёга салом беришиб, унинг ёнига назр-ниёзларини қўйишди, эскигина сопол товоққа биттадан кумуш танга ташлашди... Мирмуҳсин, Меъмор” [т.3 С. 12].

Это же правило опоры на текстовые данные ЎТИЛ применяет и при описании семантически однозначных вариантных словоформ. Ср.:

“НАЗАРИЯЧИ айн. назариётчи. Ҳаёт тақозо қилган ҳар бир ислохотни назариячилар билан бамаслаҳат амалга ошириш фойдадан холи эмас. Ж. Абдуллахонов, Тўфон” [т.3. С. 10].

Семантически близкие слова [синонимичные] объясняются в ЎТИЛ по принципу чёткого подбора разграничительных критериев в их значении и контекстно-стилистического использования. Ср. староузбекскую и современную узбекскую лексическую пару:

“АБР... эск. кт. айн булут 1 Абр ичига беркиниб, мотамсаро бўлсин куёш.



Э. Воҳидов. Абри найсон Баҳорги серёмғир булут. Абри навбаҳор Эрта баҳорнинг ёмғирли булут. Чун абри навбаҳор Худди эрта баҳор булутидек. Зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб. Ғ. Гулом. Абри бало Бало, офат булут. Аёллар хонадонлари узра ёпирилиб келаётган абри балони эрларидан аввалроқ сезадилар. Т. Малик, Шайтанат. 2 Тўқимачилик, меъморлик, кулолликда учрайдиган, тархи булутсимон амалий безак тури” [т.1. С.27-28] ↔

“БУЛУТ 1 Осмонни бутунлай қоплаб олган ёки унинг у ер-бу ерида ғуж бўлиб тўпланган, қуюқлашган сув буғлари. Оқ булут. Баҳор булутлари. Сукутда ҳикмат кўп, Булутда – ҳиммат. Мақол. Ўтган булутдан ёмғир кутма. Мақол. ■ Булутлар шамолга эргашиб, тоғ томон йўл олди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Кўкни булут қоплаган, милт этган юлдуз йўқ эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ҳаво (ёки осмон) булут... 2 кўчма Осмонни булут каби қоплаб олган ҳар бир нарса... 3 кўчма Таҳдид солувчи ёки дилни қоронғи қилувчи ҳар бир нарса, ҳолат...” [т.1. С. 371].

Кроме общеупотребительных слов и выражений, ЎТИЛ учитывает и малоупотребительные, встречаемые в художественной литературе и исторических сочинениях. На их кодификацию действуют общие лексикографические правила: показывается возможное вариантное оформление, строятся лексические / лексико-фразеологические гнездовые объединения, семантизация проводится с максимальной точностью и дифференцированностью на основе [в большинстве случаев] типичного текстового использования. Ср.:

“АБЖАҚ: абжак бўлмоқ ёки абжағи чикмоқ ... 1) пачоқланиб, эзилиб, путурдан кетмоқ... 2) калтак ёки бошқа нарса зарбидан эзилиб ҳолдан кетмоқ, абжак ҳолга келмоқ. Абжағини чиқармоқ ёки абжак қилмоқ 1) қаттиқ жароҳатламоқ... 2)

урилиб, эзилиб, ярқисиз ҳолга келмоқ (келтирилмоқ).

АБЖАҚЛАМОҚ... Абжак қилмоқ, абжағини чиқармоқ, дабдала қилмоқ” [т. 1. С. 26].

Важно отметить внимание в ЎТИЛ к истокам узбекского литературного языка.

Это нашло своё отражение в выделении пласта старой [устаревшей] и исторической лексики и фразеологии. Тем самым открывается исключительно перспективное направление узбекской филологии, призванной приобщить нацию к её творческому наследию и развернуть историко-переводческие изыскания в целях популяризации на иностранных языках выдающихся произведений узбекской литературы.

Ср. образец подобной лексики:

АЁҚ [Коса, пиёла, кадах] → Насиби анинг бир АЁҚ ош эрур бас А. Навоий [т.1. С. 43]

ЎТИЛ отражает заимствования из многих языков мира. Их фиксирование обуславливается, прежде всего, тем, что заимствованные слова стали использоваться в современном узбекском языке. Структура их толкования сводится к следующим параметрам: 1) приводится исходная иноязычная словоформа с семантическим объяснением, 2) даётся справка об обозначаемой реалии, 3) перечисляются типичные сочетания слов с заимствованием и 4) завершает словарную статью текстовая иллюстрация из художественной литературы:

“АБАЖУР [фр. abat-jour – ёруғликни қайтарувчи]

Керакли ёруғликни бир жойга тўплаб тушириш ёки кўзни ёруғлик нуридан пана қилиш учун лампа устига ўрнатиладиган, шиша, мато, металл ва ш.к.дан ясалган қалпоқ.

Чинни абажур. Шойи абажур. Шифтда абажур осиглик.

Абажурдан таралган кўкиш нур унинг юзида товланарди. С. Зуннунова, Янги директор” [т.1. С. 25].



Безусловной заслугой ЎТИЛ является последовательное внимание к последующему деривационному освоению узбекским языком необходимых для него иноязычных вкраплений. При этом закономерности этого процесса обуславливаются влиянием системно-уровневой организации общего лексикона, словообразовательных закономерностей и синтаксического строя узбекского литературного языка. В итоге, формируются иноязычно-узбекские словообразовательно соотнесённые гнездообъединения типа:

АБАЖУР / АБАЖУРЛИ [т.1. С. 25];

АВИАМОДЕЛЬ / АВИАМОДЕЛЧИ / АВИАМОДЕЛЧИЛИК [т.1. С. 31];

АДРЕС / АДРЕС столи (бюроси) / АДРЕСлар дафтари [т.1. С. 42];

АВТО- / АВТОДЎКОН / АВТОНАЗОРАТ / АВТОСАРОЙ / АВТОУЙ [т.1. С. 33-36];

НИКОТИН / НИКОТИНЛИ [т.3. С. 38].

В итоге, широкий охват иноязычного материала и его исчерпывающая интерпретация в ракурсе усвоения узбекским языком позволило оптимально определить норму употребления заимствований. Тем самым возрастает роль ЎТИЛ в наши дни как незаменимого регулятора межъязыковых взаимообогащающих отношений с позиций узбекского языка.

Поэтому явно недопустимо игнорирование отдельных рекомендаций, которые в ЎТИЛ предлагается по использованию заимствований.

Так, явно не прижились попытки некоторых немецкоязычных педагогов реанимировать в последнее время устаревшее ОЛМОН вместо утвердившегося в узбекском языке заимствования НЕМИС. ЎТИЛ однозначно подчеркивает безусловный приоритет употребления последнего. Для этого приводятся такие убедительные данные, как: 1) наличие деривационно соотнесимого микрогнезда НЕМИС /

НЕМИСЛАР / НЕМИСЧА; 2) предрасположенность к развитию сочетаемости опорного НЕМИС: НЕМИС ТИЛИ, НЕМИС ХАЛҚИ, НЕМИС АЁЛ; 3) семантико-функциональная активность словоформы НЕМИСЧА [наличие двузначности, прослеживаемая в сочетаниях НЕМИСЧА ЁЗУВ ↔ НЕМИСЧА ГАПИРМОҚ] и 4) использование в языке узбекской художественной литературы [ср.: А. Қаххор, Олтин юлдуз] [т.3. С. 34 и 115].

#### IV. Фразеология в ЎТИЛ

ЎТИЛ характеризуется достаточной полнотой отражения фразеологических материалов. К тому же лексикографируются, как правило, ФЕ, широко различающиеся по типу, степени устойчивости, семантической переосмысленности и другим параметрам.

Например, в ЎТИЛ всесторонне интерпретируются идиомы, ФЕ с яркой метафорической образностью и приближённые к ним устойчивые словесные комплексы. Ср.: “Али хўжа – Хўжа али” [т.1. С. 70]; “Арвоҳ капалак” [т.1. С. 94]; “Жаҳли беадад” [т.1. С. 199] и т.д.

Семантико-образная выразительность отдельных ФЕ усиливается благодаря возможной вариативности фразеологической формы: Ҳар (ёки) (юз, минг) оҳангга солмоқ [т.3. С. 195].

Фразеоблокирование на основе одного общего [рассматриваемого как базового] слова позволяет сполна учитывать его толкование как единицы общей лексической системы. Тем самым поддерживается цельность объективно существующей общей лексико-фразеологической системы языка. В противном случае не избежать дублирования информации, общей для лексического и фразеологического разделов словарной статьи.

Многие из лексикографически опорных слов представляют собой



микрофрагмент со сложной иерархией семантико-фразеологических отношений:

АЗОБ [қийналиш, укубат]: азоб бермоқ; азоб чекмоқ (тортмоқ); гўр азоби; ит азобида; нима азоб [т.1. С. 50];

АЙИК [пахмоқ юнгли, бесўнақай, катта, сутэмизувчи йиртқич хайвон]: Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер; айиқ полвон; катта айиқ; кичик айиқ... [т.1. С. 54].

Выделяемое опорное слово фразеоформы в ЎТИЛ избирается местом исходного толкования ФЕ:

“ОФИЗ ... Бир оғиздан айн. бир овоздан қ. овоз → ОВОЗ... Бир овоздан Барча иштирокчиларнинг розилиги билан, юз фоиз овоз билан; бир оғиздан” [т.3. С. 185, 79].

ФЕ языка выделяются индивидуальностью ведущих своих характеристик. Это образное представление, степень семантического переосмысления, конструирующие особенности модели, стилистическая природа, функциональная подвижность и др.

Вместе с тем, любая ФЕ соотносится с другими по различным параметрам в определённых группах, блоках фразеологического [лексико-фразеологического] порядка.

Основанием для выделения фразеоблока будет наличие общего для его ФЕ деривационного признака или даже целого набора таких признаков [семантико-тематическая близость, единство модели, совпадение стержневого фрагмента во фразеоформах и т.д.].

Внимание к наиболее полному комплектованию фразеоблоков по общим лексикографически опорным словам позволяет выделить и предельно точно систематизировать древнейшие пласты фразеологии языка. Это особенно видно по фразеоблокам, основанных на фразеобразовательных возможностях соматизмов. Ср. фразеоблок с опорным БЕТ: Бет бўлмоқ / Бет олмоқ / Бет чидамайди / Бетга айтмоқ / Бетга чопмоқ /

Бетига оёқ қўймоқ / Бетига карамай / Бети йўқ / Бетини кўрмай кетмоқ / Бетини сидирмоқ / Бетини юлмоқ / Бетини қайтармоқ / Бети қалин (қаттиқ) / Бети қолмаслик / Бети қора / Бети қотмоқ / Бети курсин / Қўлини бетга тортмоқ / и др. [т.1. С. 238].

Следование методике словарного блокообъединения ФЕ, соотнесённых набором деривационных признаков, позволяет достичь, таким образом, надлежащей полноты в описании определённого фрагмента фразеологической системы языка. В противном случае интерпретация фразеобразовательной характеристики отдельных слов оказывается в толковом словаре неполной, что приводит к весьма многочисленным пропускам ФЕ. Поэтому сведение сходных по структурно-семантическим параметрам ФЕ в композиционно цельный блок – фрагмент фразеологической части словарной статьи – способствует достижению большей точности в подборе ФЕ, так как отсутствие во фразеоблоке пропущенных ФЕ становится достаточно очевидным.

ташаббуслари билан хорижий тилларни ўрганишга катта эътибор қаратила бошланди. Бунинг натижасида хорижий тилларни қиёсий тадқиқ этишга қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилди. Собик иттифоқ даврида қиёсий тадқиқот ишлари асосан рус тили ва баъзан баъзи овропа тилларининг фонетик, морфологик, синтактик хусусиятларини таққослашга қаратилган бўлса, мустақиллик давридаги илмий тадқиқотлар тилларнинг нафақат таркибий хусусиятлари, балки уларнинг концептуал, лингвوماданий ва прагматик жиҳатларини қиёслаб ўрганишга ҳам бел боғланди. Мисол учун, 2004 йилда М. Четин ўзбек ва турк тилларида деривацион белгиларни аниқлаган бўлса, 2007 йилда Ш. Ашуровнинг “Инглиз ва ўзбек тилларида кесим типологияси” диссертацияси синтаксем таҳлил асосида мазкур иккала тилдаги тил унсурларининг синтактик сатҳдаги семантик жиҳатлари махсус моделарга солиб ўрганилди. Ўша йили химоя қилинган О. Исаровнинг номзодлик диссертацияси инглиз ва ўзбек тилларида таксис ходисасининг ифодаланишидаги турли тил макерлари тадқиқ этилди. 2009 йилда Ғ.Мирсанов инглиз ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феълларини акционал гуруҳларга ажратиш орқали уларнинг аспектвал вазият турларини аниқлаган ишини химоя қилди. 2012 йилда Ф.Усмановнинг “Синтактико-семантическое сопоставление двусоставных безглагольных предложений” номзодлик ишида инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги феъл иштирок этмайдиган гаплар таркиби қиёсий ўрганилди. А.Морозова томонидан бажарилган ишда (2011) испан, рус, ўзбек тилларида гендер муносабатлари қиёслаб ўрганилди. Албатта, бу каби бажарилган ишларни яна ўнлаб келтириш мумкин. Мазкур тадқиқий ишларда собиқ тузум давридаги бир тарафлама, яъни тилнинг фақатгина система сифатида қиёсий ўрганилишдан воз кечилганлиги ва тилнинг амалий, когнитив, прагматик

томонларига ҳам эътибор юқори бўлганлигини кўрсатади. Ҳозирги кунда тил таркибини қиёсий ўрганишга бўлган қизиқиш янада ортиб бормоқда, жумладан, инглиз, немис, хитой, француз, испан, корейс, япон, турк, араб, форс, итальян тилларини қиёсий ўрганишга бағишланган докторлик диссертациялари устида ишлар амалга оширилмоқда. Лингвистикага оид илмий журналларда, анжуманларда қиёсий ўрганишга бағишланган юзлаб илмий мақолаларга дуч келишимиз мумкин. Бу ишларнинг кенг миқёсда амалга оширилаётганлиги мустақилликнинг маҳсули деб бемалол эътироф этиш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ профессор Ж.Бўронов ташаббуси билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университетиде ташкил этилган илмий кенгаш Республикамизнинг барча олийгоҳларида тайёрланган докторлик ва номзодлик диссертацияларини камраб олган ва бу диссертацияларнинг 90 фоизи чоғиштирма лингвистиканинг ечимини кутаётган муаммоларга бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

Профессор Ж.Бўроновнинг инглиз ва турк тилларининг лингвистик категорияларини чоғиштиришга асосланган монографияси, [3.] А.А.Абдуазизовнинг инглиз ва ўзбек тилларининг фонетик ва фонологик хусусиятларини ёритиб берган илмий ишлари, Ў.Қ.Юсуповнинг чоғиштирма лингвистикани бошқа йўналишлардан фарқлаб берувчи рисоласи, С.Раҳимовнинг “Фундаментал лингвистик категориялар чоғиштирма тилшуносликнинг глобал муаммолари”, - деб номланган монографиялари мамлакатимиз тилшунослигида XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида чоғиштирма лингвистиканинг тамал тошини қўйилишига асос бўлган, десак муболаға бўлмайди.

Мустақиллик даврига келиб, жаҳон тилшунослигида кенг миқёсда тадқиқ этилаётган когнитив тилшунослик,





прагмалингвистиканинг турли сатҳларини қиёсий ўрганишга ҳам кенг эътибор қаратила бошланди.

Худди шунингдек, сўнгги йилларда чоп этилган профессор Ш. Сафаровнинг “Семантика” деб номланган монографиясида ҳам чоғиштирма лингвистиканинг айрим тамойиллари хусусида фикрлар билдирилган. Ҳозирги кундаги масалалардан энг долзарблари кейинги йилларда Республикамизнинг олий ўқув юртларида ўқитилаётган ва ўргатилаётган хитой, корейс, япон тилларининг субсистемаларини туркий тиллар билан чоғиштиришни амалга

оширишга бағишланиши керак деб ўйлаймиз. Ана шунда чоғиштирма лингвистика ва унинг асосий тамойили чоғиштирма метод хорижий тил билан миллий она тилларимиз ўртасидаги интерференция ходисасини бартараф қилса ажаб эмас.

Чоғиштирма лингвистиканинг галдаги вазибалари чоғиштирма лексикология, чоғиштирма стилистика, чоғиштирма таржимашунослик ва чоғиштирма фонология йўналишлари бўйича фундаментал илмий асарлар яратишдан иборат деб ҳисоблаймиз.

#### Адабиётлар:

1. Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. - Ташкент, 1934.
2. Успенский Б.А. Структурная типология языков. - М., 1965.
3. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. - М.: Высшая школа, 1983.

*Рахимов С., Содикова Д. О развитии сопоставительной лингвистики в Узбекистане. Статья содержит сведения о развитии сравнительной и сопоставительной типологии в Узбекистане и работе лингвистов в этом направлении.*

*Raximov S., Sodikova D. About development of contrastive linguistics in Uzbekistan. The article contains information about the development of comparative and linguistic typology in Uzbekistan and the works devoted to the developing of comparative linguistics in the Republic.*

---

---



## МИЛЛИЙ ТИЛШУНОСЛИКДА МАТН ВА УНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

С. Боймирзаева ф.ф.д., ЎзДЖТУ профессори  
Б. Йўлдошев ф.ф.д., СамДУ профессори

**Калит сўзлар:** синтактик-семантик, контекст, макротекст, экзотик лексика, антропоцентрик.

Маълумки, “матншунослик” атамаси ўзида икки тушунчани ифода этади. Шулардан бири муайян матннинг танқидий текстларини яратиш мазмунини ифодаласа, иккинчисида матнга лингвистик тадқиқот объекти сифатида қаралиб, бир фикрий бутунликни ифода этувчи гаплар, синтактик бутунликлар йиғиндисини назарда тутади (ЎТИЛ-5, II, 557). “Матн” (текст) атамасига луғатларда куйидагича таъриф берилган: 1. “Ёнма-ён ҳарфлар, ёзув орқали акс эттирилган нутқ, умуман, нутқ парчаси; текст” [ГТИЛ, 61]. 2. “Текст (лат. *textus* – *тўқима, алоқа сўзидан*) – текст. Қўлёзма ёки нашр этилган асарлардаги авторнинг асл сўзи” [АТРЎИЛ, 308]. Кўринадик, бу икки таърифда ҳам “матн” (текст)нинг асосий хусусиятлари очиқ берилмаган.

Матн нутқнинг йирик кўриниши бўлиб, вазифаси жиҳатдан тугал нутқий бутунлик саналади. Матннинг мураккаблиги ва ҳажми, коммуникатив вазифаси, муайян жанр талабларига мослиги ва матн қисмларининг характери сингари масалалар кейинги 20-30 йилдан буён ўзбек тилшуносларининг ҳам диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Ўз вақтида академик А.Н.Кононов мураккаб фикрни ифодалашда яққа гапнинг ўзи кифоя қилмайди, уни бошқа гаплар қуршовида текшириш лозим, деган фикрни олға сурган эди. Кейинчалик ўзбек тили синтаксисига бағишланган тадқиқотларда гапдан йирик бирликларни ифодаловчи “мураккаб синтактик бутунлик”, “дискурс”, “микроматн”, “макроматн” сингари атамалар қўлланиладиган бўлди. Ш Бутуниттифоқ туркийшунослар анжуманида (Тошкент, 1980) акад.

Ғ.Абдурахмонов “Матн назарияси” мавзусида маъруза қилган эди. Ана шу маърузада таъкидланишича, маълум бир матн тузилишида фаоллашадиган синтактик муносабатлар мазмуний муносабатлар билан уйғунлашиб, ўзига хос синтактик-семантик хусусият касб этади. Ана шу сабабли матн мазмун ва шакл уйғунлигига эга бўлган лисоний қурилма бўлиб, унинг қисмлари (компонентлари)га ҳам маълум миқдорда синтактик ва мазмуний жиҳатдан мустақиллик белгилари характерлидир [1].

Маълумки, матнни муайян белги-хусусиятларга эга бўлган статик (турғун) объект сифатида тадқиқ этиш уни бошқа аспектларда ўрганишга асло монелик қилмайди. Матннинг лисоний табиати, унинг тузилиши, асосий категориялари матн тилшунослиги фани учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, матн генерацияси, матннинг яратилиш жараёни каби масалалар ҳам бу фан учун шунчалик муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг бу фикримиз биринчи навбатда бадий матнларга тегишлидир. Нутқ генерацияси нуқтаи назаридан матн статик ҳодиса эмас, балки динамик ҳодиса ҳисобланади. Матннинг қўлёзма варианты устида ишлаш ёки асарни қайта нашрга тайёрлаш жараёнида ёзувчи (матн ижодкори) томонидан бутун матнга ёки унинг муайян қисмларига маълум ўзгаришлар киритилади. Бундай ўзгаришлар натижасида бутун матннинг ёки унинг бирор қисмининг ўзига хос қўшимча нусхалари, вариантлари юзага келади. Матннинг қўшимча нусхаси ёки варианты дейилганда, мазкур матнда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг бошқа воқеа-



ходисалар билан алмашуви эмас, балки ўша воқеа-ходисаларни тасвирловчи воситаларнинг бошқа ифода воситалари билан алмашинуви кўзда тутилади. Масалага ана шу нуқтаи назардан караганда, И.Қўчқортоев ва Ҳ.Низомхоновларнинг “Бадиий асарнинг текстуал вариантлари – лингвостилистик тадқиқот объектларидан бири” номли илмий мақоласи ўзбек матншунослигида алоҳида ўрин тутади [2]. Кейинчалик Р.Қўчқортоева, Ҳ.Низомхонов, М.Аминова каби олимлар Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ҳамза каби ижодкорларнинг қўлёзма матнлар устида ишлаш маҳоратини махсус тадқиқ этдилар [3]. Бундай муаммо ўз вақтида А.Шомақсудов (1971), Қ.Самадов (1967, 1981), И.Қўчқортоев (1976) каби олимларнинг ишларида ҳам ўрганилган эди. Адабиётшунос олим С.Мелиев шеърий матнларда сўзнинг бадиий функциясини махсус тадқиқ этди. Жумладан, олим контекстда сўз динамикасини очиб бериш учун шоир Ҳусниддин Шариповнинг “*Балиқ фалсафаси*” номли шеърида “*Думингни ликиллатасан, олға кетасан*” мисрасининг такрори яхлит бир матнни, тугал шеърий матнни вужудга келтирганини уч ярусда тадқиқ этади ҳамда шундай хулосага келади:

“*Думингни ликиллатасан, олға кетасан*” замирида аччиқ захарханда бор. У думини ликиллашиб умр кечирувчи кишиларнинг “олға кетишига” тўсқинлик қилиб, уларни ҳажв зарби билан янчиб ташлайди... Матнни ўқир экансиз, балиқ инсон тасаввуридан бутунлай чиқиб кетмайди. Зеро, лаганбардорнинг балиққа ўхшаш томонлари ҳам йўқ эмас. Балиқнинг сувда солланиб, силлиқ сузиши ҳаётнинг сермашаққат йўлларида раво ўтиб кетишга ружу қўйган лаганбардор “фалсафаси”га мос келади.

Мутлақ бир хил икки мисра “*Думингни ликиллатасан, олға кетасан*” нинг такрорланиши натижасида бу шеър тугал бадиий асар (поэтик матн) қиёфасига киради. Сўзларнинг айтилиш оҳангида ҳам

балиқнинг сузиши-ю, итнинг дум ликиллатишини эслатадиган нимадир бор. Ана шу ўхшашлик лаганбардор кимсаларнинг яшаш фалсафасини нафрат ва захарханда ўтига дучор қилади.

Контекст (матн)да сўз динамикаси кенг тушунча. У фақат муайян контекст доираси билан чекланмай, сўзнинг воқелик билан “олди-берди”сини ҳам ўзида қамраб олади. Демак, сўз динамикаси турли контекстда турлича кўринишга эга бўлади. Келтирилган шеър матнида балиқдан бошқа нарса йўқ. Аммо *дум ликиллатиши* бирикмасининг ҳаракат доираси шунчалик кенги, у аввал ит, кейин лаганбардор одам қиёфасини китобхон зехнида жонлантиради. Ҳар икки ҳолда ҳам ҳаракатчан динамик сўз ва бирикмалар юксак бадиий контекст (матн)ни вужудга келтиради [4]. Кейинчалик С.Мелиев шеърий контекстда сўзнинг бадиий функцияси таҳлилга оид номзодлик диссертациясини химоя қилган эди [5].

М.Тўхсанов “Микроматн ва ўзбек бадиий нутқида унинг когерентлигини ифодаловчи воситалар (сўз алмаштириш ва такрор)” мавзуида номзодлик ишини химоя қилди [6].

Олимнинг фикрича, тилшунос олимлар томонидан текст (матн) термини тор ва кенг маънода ишлатилади. Тор маънода тугал фикр англатувчи бир (баъзан) ёки бир неча гапдан иборат бўлган жумла тушунилса, кенг маънода қисса, роман, газета, журнал мақоласи, илмий монография, турли ҳужжат ва ҳоказолар назарда тутилади. Булардан биринчиси микротекст, иккинчиси макротекст деб ҳам аталади.

Микротекст грамматика, яъни синтаксиснинг ўрганиш объекти саналади. Макротекст эса социолингвистика, функционал стилистика, прагматингвистика, адабиётшунослик, поэтика каби бир қатор филологик фанларнинг объекти деб қаралади. Бундан кўринадики, текст (матн) лингвистикаси икки объектли фан бўлиб, унинг предмети микротекст эканлигига асос бўлувчи



моделларни ўрганишни ташкил этади [7]. Бу иш ўзбек тилшунослигидаги микроматн ва унинг когезиясини монографик йўналишда ўрганишга бағишланган дастлабки тадқиқотлардан бири эканлиги билан эътиборга молик.

Ҳ.Усмонов эса ўзбек бадиий матнларида сўзлашув нутқи хусусиятларини махсус тадқиқ этди [8]. Проф. А. Мамажонов “Текст лингвистикаси” номли ўқув қўлланмасини нашр эттирди [9]. Бу ишда матн ҳақидаги илмий-назарий қарашлар маълум даражада таҳлил қилинган, матн тушунчасининг моҳияти, типлари ва компонентлари, бу компонентларнинг ўзаро боғланиши ва матн қисмларининг боғловчи воситалари, матн бирликлари синонимия, синтактик-стилистик фигуралар масалалари таълимий нуқтаи назардан ўрганилган. Кейинчалик А.Мамажонов М.Абдупаттоев билан ҳамкорликда “Матн синтаксиси” номли ўқув қўлланмасини ҳам нашр эттирди. Таълимий характерга эга бўлган бу қўлланмада матннинг структур-семантик ва услубий жиҳатлари, матн бирликларидаги тема-рематик муносабат масалалари таҳлил қилинган ҳамда шу асосда ўзбек тилидаги матнларнинг синтактик табиати ҳақида тегишли умумий хулосалар баён қилинган. Шунингдек, бу икки муаллиф яқинда “Матн назарияси” номли янги ўқув қўлланмасини ҳам ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилдилар. Бу ишда матнни шакллантирувчи воситалар, суперсинтактик бутунлик (ССБ) ва унинг композицион қурилиши, услубий вазибалари ўрганилган [10].

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб ўзбек олимлари матн тилшунослигининг назарий муаммолари билан шуғуллана бошладилар. Бу жиҳатдан Б.Ўринбоев, Р.Қўнғуров, Ж.Лапасовларнинг “Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили” номли ўқув қўлланмаси алоҳида аҳамият касб этади. Бу асарнинг “Кириш” қисми “Текст – лингвистик таҳлил объекти” деб

номланади. Бунда матн типлари, уларнинг умумий ва ўзига хос белгилари, матнни лисоний таҳлил қилишнинг методологик тамойиллари, матн яратиш муаммолари, ифода воситаларининг танланиши ва уларнинг матн тузилишидаги роли сингари долзарб масалалар ўзбек тили фактлари мисолида ёритилган [11]. Шундан кейин асарда Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Гафур Ғулум, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин каби шоир, ёзувчи ва драматургларнинг шеърий, насрий ва драматик асарларидан матнлар келтирилиб, уларни лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш намуналари берилган. Бу асарда тўғри таъкидланишича, “умумий тилшуносликдаги назарий фикрлар асосида текст (матн)нинг моҳияти, тузилиши, мазмуни, фикрни юзага чиқаришдаги роли каби қатор муаммоларни ёритиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир” [11, 8]. Ж.Лапасовнинг “Бадиий матн ва лисоний таҳлил” номли қўлланмасида бадиий матннинг лисоний таҳлили ҳақида умумий маълумот берилади, матн тузилишида ифода-тасвир воситаларининг аҳамияти, ремарка ва реплика, лексик ва услубий воситалар, стилистик фигураларнинг матнни шакллантиришдаги ўрни, матн таҳлилида луғат устида ишлаш усуллари каби масалалар ўрганилган ҳамда шеърий, насрий ва драматик матн таҳлиliga доир намуналар келтирилган [12].

М.Ҳакимовнинг номзодлик диссертациясида илмий матн ва унинг бирликлари орасидаги мазмуний муносабатни ифодаловчи боғловчилар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва вазибаларига аниқликлар киритилган, илмий матнда муаллифнинг хусусий муносабати ва унинг турлари, ўзбекча илмий матнларнинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари кенг таҳлил қилинган. Бу ишда ўзбек тилининг илмий услуби матн категорияси аспектида ўрганилган, гуманитар фанларга оид



илмий матн намуналари бу иш учун фактик материал манбаи бўлиб хизмат қилган [13].

“Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси” мавзуидаги номзодлик ишида тадқиқотчи Н.Улуқов диний матнлар тилшуносликда ўзига хос алоҳида матн тури сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқ, деган фикрни экзотик лексика материаллари мисолида асослашга интилади [14].

1997 йилда Тошкентда ўтказилган “Ўзбек тили” анжуманининг тўртинчи йиғини бевосита “Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари” мавзуга бағишланган эди. Бу анжуман материаллари йирик тўплам сифатида нашр этилган. Бу эса мамлакатимизда матн тилшунослиги ютуқларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда [15].

1998 йилда СамДУда “Махсус матнларнинг лингвистик талқини (интерпретацияси) ва чет тилларида мулоқот қилишни фаоллаштириш” мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман ўтказилди. Бунда Абхай Морйе (Ҳиндистон), Су Фан Сю (Хитой), Д.Лохер (Швейцария), В.Ревецкий (Беларус), Ж.А.Каренейева (Қозоғистон) сингари хорижлик олимлар ҳамда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларидан филолог мутахассислар иштирок этдилар ҳамда матн ва унинг лингвистик талқини билан боғлиқ бир қанча долзарб масалалар муҳокама қилинди [16].

Проф. Э.Қиличевнинг “Матннинг лингвистик таҳлили” номли ўқув кўлланмасида матннинг кўринишлари ва уни лисоний таҳлил қилиш намуналари берилган. Энг муҳими, бу ишда поэтик ва насрий матнларни шарҳлаб ўқиш ҳамда таҳлил қилиш, матнни “лингвистик микроскоп остида” ўрганиш (фонетик, лексик, морфемик, морфологик, синтактик таҳлил қилиш усуллари)га оид машқ намуналари келтирилган [17].

2000 йилда Самарқандда “Матн ва унинг талқини” мавзуида халқаро илмий-назарий конференция ўтказилди. Бу анжуманда матннинг информативлиги, когезияси, бўлинувчанлиги, ретроспекцияси, ички ва ташқи деривацияси каби долзарб масалалар муҳокама қилинди [18].

Маълумки, прагматика тилшунослик фанининг янги бир назарий ва амалий тармоғи сифатида инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида мужассамлаштирган нутқий жараён, нутқий вазият таъсири билан намоён қилувчи нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ният билан алоқадор масалаларни ўрганади. “Прагматика тилшунослик фанининг янги соҳаларидан бири бўлиб, унинг назарий манбаи Ч.Пирс, У.Джемс, Д.Дюн, Ч.Моррис каби таниқли файласуф олимларнинг илмий-назарий қарашлари билан боғлиқ. Уларнинг тадқиқотларида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида белгилар системаси ва лингвистик белги функционаллиги хусусидаги ғоялар ўртага ташланиб, семиотика ҳақидаги асосий тушунчалар аниқланади, синтаксис, семантика ва прагматика ўртасидаги ўзаро фарқлар кўрсатиб берилди” [19]. Лингвистик прагматиканинг ўзбек тилшунослигида шаклланишида М.Ҳакимовнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади. Негаки олим ўзбек тилидаги матннинг прагматик талқинига бағишланган докторлик диссертациясида ва монографиясида матн лингвистик прагматика, нутқий акт назарияси тамойиллари асосида ўрганилган, матнда очик ва яширин (эксплицит ва имплицит) шаклда ифодаланадиган мазмунларнинг ўзига хос қонуниятлари кўрсатиб берилган, уларнинг семантик, синтактик, пресуппозицион ва прагматик хусусиятларига доир қоидаларга аниқликлар киритилган. Бу ишлар ўзбек тилидаги матн тилшунослиги муаммоларига назарий жиҳатдан тамоман





янги фикр-мулоҳазаларнинг баён этилганлиги билан характерланади [20].

М.Ҳакимова вақт маъноли бирликларнинг матнни шакллантиришдаги имкониятларини тадқиқ этиб, номзодлик ишини ҳимоя қилди. Ишда таъкидланишича, вақт маъноли (темпорал) лексемалар матнни нурсимон ва занжирсимон усулларда боғлай олади. Нурсимон боғланишда вақт маъноли лексема ўзининг вақт мундарижаси асосида матн бошида етакчи сўз бўлиб туради. Ҳамма воқеа-ҳодисалар шу сўз ифодалаган вақт кўламида юз беради. Занжирсимон боғланишда муайян лексема маъносидаги бутун ёки умумий вақт қисм ва хусусийликлар тарзида матн компонентларини боғлашга хизмат қилади (кун: эрталаб, туш, кечқурун каби). Бунда дастлабки бош (бутун, умумий) темпорал семеманинг муайян семалари кейинги жумлаларда семемалар мақомини касб этади. Шунингдек, вақт маъносининг денотатини воқелик сифатида тасдиқлаш (атов гап), кейинги фикр ёки тавсифнинг темпорал предметини тема сифатида аввал тасдиқ йўли билан бериш каби коммуникатив эҳтиёжлар ҳам матн шакллантирувчи омиллардандир.

Вақт маъноли сўзлар матн шакллантириш ва унинг яхлитлигини таъминлашда темпорал майдоннинг бошқа бирликлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади [21].

М.Йўлдошев бадий матн лингвопозитикаси билан жиддий шуғулланиб, шу мавзуга доир бир қатор монографиялар яратди [22] ҳамда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди [23]. Худди шунингдек, С.Боймирзаева бадий матнда кўшма гап шакллариининг қўлланиш хусусиятлари, матннинг модаллиги ва унда темпораллик мазмуни семантикаси таҳлилига доир мазмундор монографиялар нашр эттирди [24]. ҳамда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди [25]. Ш.Турниёзованинг номзодлик иши эса матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари таҳлилига бағишланган эди.

Ишда ҳаққоний таъкидланишича, “матн деривацияси ўзига хосликка эга бўлиб, унинг сўз бирикмаси, гап, мураккаб синтактик қурилма материалида шаклланиши абзац ва боб материалида воқеланишидан фарқ қилади. Сўз бирикмаси, гап ва мураккаб синтактик қурилмаларнинг матн мақомида келишида уларнинг синтактик деривацияси тамойиллари одатдаги операнд, оператор ва дериват каби содда тушунчаларга асосланади. Абзац деривациясида эса мазкур тушунчалар мураккаб характер касб этади” [26]. Яқинда Ш.Турниёзова ана шу номзодлик диссертацияси асосида монография тайёрлаб нашр эттирди [27].

Д.Худойберганова кейинги йилларда ўзбек бадий матнларининг антропоцентрик тадқиқи билан жиддий шуғулланди, худди шу муаммога оид қатор илмий мақолалар ва монография нашр эттирди [28] ҳамда шу асосда 2015 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди [29].

“Матн тилшунослиги” асосий фанлардан бири сифатида Лингвистика (тиллар бўйича) ихтисослиги бўйича магистратура йўналишида кейинги ўн йилдан буён ўқитилмоқда. Шунга биноан мазкур фан юзасидан бир қанча ўқув-услубий қўлланмалар яратилди [30]. Лекин бу фан бўйича замон талабларига мувофиқ дарслик яратиш ҳозирча муаммолигича қолиб келмоқда.

Кейинги йилларда айнан шу йўналишдаги изланишлар жадаллашмоқда. Бу борада, айниқса профессор Д.У. Ашурова томонидан бажарилаётган ишларни алоҳида қайд этмоқ лозим. Олиманинг 2012 йилда нашрдан чиққан *Text linguistics* номли китоби ҳозирги пайтда мамлакатимизда замон талабларига мос равишда битилган матн тилшунослигига оид ягона ўқув қўлланма бўлиб қолмоқда. Филология факультети магистратура бўлимлари магистрантлари учун мўлжалланган ушбу қўлланманинг ўнта алоҳида бобида соҳанинг энг муҳим муаммолари, категориялари ажратилиб,



уларга батафсил изоҳлар берилиб, мавжуд муаммолар ечимини излаш йўллари кўрсатиб ўтилган. Айниқса, “Матн прагматикаси” (Text Pragmatics), “Матннинг когнитив назарияси” (Cognitive Theory of Text), “Матн назариясининг лисоний-маданий талқини” (Linguocultural aspects of Text) каби боблари тамоман янги усулда битилган бўлиб, уларда матн ҳодисасининг антропоцентрик, яъни инсон нуқтаи назаридан тавсифини яратиш, аввалги ёндашувлардан фарқли методлар асосида тадқиқ қилишга ундовлар мавжудлиги диққатни жалб қилади.

Шунингдек, қўлланма якунида Т. Сандерс, Ҳ. Маат, И.М. Лоруссо, С. Рузза, С. Коулсон, Д. Ҳерман каби қатор хорижий профессорларнинг асарларидан келтирилган парчалар матн таҳлили билан шуғулланувчиларнинг келажакдаги изланишлари учун “йўл кўрсатгичи” вазифасини ўташига ишонамиз. Бизга маълум бўлишича, ушбу китобнинг тўлдирилган ва қайта ишланган нашри тайёрланмоқда. Матн тилшунослиги мутахассислари ушбу нашрни қўлга олишга интизордирлар.

Қайд этиш жоизки, матн ҳодисасининг коммуникатив моҳияти, уни ҳосил қилувчи воситаларнинг ифода имкониятлари мамлакатимиз филолог олимларининг эътиборини доимий равишда жалб қилиб келмоқда. Яъни шуниси эътиборлики, тадқиқотчилар диққат марказида асосан бадиий матнлар туради. Жумладан, матн таҳлили йўналишида яратилган илк докторлик диссертацияларидан бирида бадиий матннинг рамзий структурасининг ташкил топиши учун хизмат қиладиган воситалар мажмуаси тадқиқ қилинган [33]. Худди шу йўналишдаги тадқиқот кейинчалик Н.В. Федорова ва У. Қабулова кабиларнинг ишларида давом эттирилди. Н.В. Федорованинг номзодлик диссертацияси тўлалигича метафоранинг бадиий матнда образли мазмун шаклланишидаги роли ҳақида бўлса [34], У. Қобулова эса метафоранинг матндаги интеграл ва

дифференциал муносабатлари тадқиқи билан шуғулланди [34].

Сўнги даврларда махсус матнларнинг прагматик тузилиши, уларнинг таркибий қисмларининг ўзаро алоқаси ҳамда маълум турдаги бирликларнинг ушбу матнларда фаоллашуви каби масалалар жадал ўрганилди [35]. Шунинг билан биргаликда, бадиий матн тадқиқ объекти сифатида ўз ўрнини сақлаб қолмоқда. Бунинг исботини биз матннинг анафорик, катафорик белгиларини аниқлашда, тил бирликларининг гендер ва лисоний-маданий хусусиятларини аниқлашда ҳам сезишимиз мумкин [36]. Энг муҳими, матннинг антропоцентрик тадқиқи ва унда лисоний шахснинг намоён бўлиши ҳозирча фақат бадиий матн доирасида ўрганилмоқда [35].

Ўзбек тилшунослигида матн муаммосини у ёки бу жиҳатдан ўрганишга алоқадор бўлган бир қатор илмий мақолалар ҳам эълон қилинди [31]. Жумладан, адабиётшунос олим М.Холбеков матн, интерматн ва интерматнлик ҳодисаларининг ўзаро муносабатини тадқиқ этиб, қуйидаги муҳим илмий хулосага келади: “...матннинг тадрижий ривожланиши маданиятнинг тадрижий ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Интерматн ўз структурасини ривожлантириб, такомиллаштириб, гиперматнга айланади. Айни пайтда гиперматнни келажак матни деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади” [32, 135].

Шундай қилиб, миллий тилшунослигимизда матн муаммоларини тадқиқ этишда салмоқли ютуқларга эришилди. Эндиги вазифа ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш, матн тилшунослиги муаммоларига доир янги, салмоқдор монографик тадқиқотлар яратиш, матннинг турлари, унинг лингвопрагматик, лингвокогнитив ва лингвокультурологик имкониятлари каби масалаларни кенг миқёсда чуқурроқ тадқиқ этишдан иборатдир.



### Адабиётлар:

1. Бу ҳақда қаранг: III Всесоюзная тюркологическая конференция // Сов. тюркология. 1981. № 1. – С. 93.
2. Қўчқортоев И., Низомхонов Х. Бадиий асарнинг текстуал вариантлари – лингвостилистик тадқиқот объектларидан бири // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, № 6. – Б. 15-19.
3. Бу ҳақда қаранг: Кучкартаева Р. Работа А.Каххара над языком своих произведений. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1980. – 24 с.; Низамханов Х. Выбор слова как проблема литературно-стилистической обработки текста (на материале замен синонимических средств лексики в романе Айбека «Навои»). Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 21 с.
4. Мелиев С. Контекстда сўз динамикаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. № 4. – Б. 54.
5. Мелиев С. Художественная функция слова в стихотворном контексте (на материале современной узбекской поэзии). Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 19 с.
6. Тухсанов М. Микротекст и система средств выражения его когерентности в узбекской художественной речи (замена и повтор). Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1987. – 17 с.
7. Тўхсанов М. Микротекст ва унинг коммуникатив яхлитлиги ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. № 5. – Б. 66-67
8. Усманов Х.К. Особенности разговорной речи в художественном тексте (на материале языка узбекских повестей 70-х годов), Автореф. дисс... канд. филол. наук, Ташкент, 1988. – 20 с.
9. Мамажонов А. Текст лингвистикаси. Ўқув қўлланмаси. – Тошкент: ТошДПИ нашри, 1989. – 62 б.
10. Мамажонов А., Абдупаттоев М. Матн синтаксиси. – Фарғона: ФарДУ нашри, 2002. – Б. 4-25; Мамажонов А., Абдупаттоев М. Матн назарияси. Ўқув-услубий қўлланма. – Фарғона: ФарДУ нашри, 2016. – Б. 5-108.
11. Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 6-40.
12. Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 5-86.
13. Ҳакимов М.Х. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. - Тошкент, 1993. – 26 б.
14. Улуков Н. М. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. - Тошкент, 1997. – 29 б.
15. Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари (“Ўзбек тили” доимий анжумани тўртинчи йиғинининг тезислари). – Тошкент, 1997. – 256 б.
16. Лингвистическая интерпретация специального текста и активизация обучения иноязычному общению (материалы международной теоретической конференции). – Самарканд, 1998. – 254 с.; Матн ва унинг лисоний таҳлиliga оид тадқиқотлар (халқаро илмий анжуман материаллари). – Самарканд, СамДУ нашри, 1999. – 70 б.
17. Қиличев Э. Матнинг лингвистик таҳлили. – Бухоро, БухДУ нашри, 2000. – 36 б.
18. Матн ва унинг талқини (халқаро илмий-назарий конференция материаллари, Самарканд, 16-18 ноябрь 2000 йил). – Самарканд, СамДЧТИ нашри, 2000. – 256 б.
19. Петров В.В. Философия, семантика, прагматика // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XVI, М.: Прогресс, 1985. – С. 471.
20. Ҳакимов М.Х. Ўзбек тилида матнинг прагматик талқини. Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 50 б.; Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Монография. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 176 б.



21. Ҳақимова М.К. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Фарғона, 2004. – Б. 19.
22. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – 123 б.; Йўлдошев М. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент: ТошДПУ, 2008. – 120 б.; Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – 160 б.
23. Юлдашев М.М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 48 б.
24. Боймирзаева С. Бадиий матнда қўшма гап. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008. – 114 б.; Боймирзаева С. Матн мазмунида темпораллик семантикаси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2009. – 189 б.; Боймирзаева С. Матн модаллиги. – Тошкент: Фан, 2010. – 152 б.
25. Боймирзаева С.Ў. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 50 б.
26. Турниязова Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 22.
27. Турниёзова Ш. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари. Монография. – Тошкент: “Extremum-press” нашриёти, 2016. – 120 б.
28. Худойберганова Д. Макропропозиция ва бадиий матн талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. № 6. – Б. 9-12; Худойберганова Д. Ўзбек тилшунослигида матннинг антропоцентрик талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. № 1. – Б. 53-56 ва бошқалар; Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. Монография. – Тошкент: Фан, 2013. – 136 б.
29. Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2015. – 102 б.
30. Бу ҳақда қаранг: Турниёзов Н. Матн лингвистикаси. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2004. – 96 б.; Турниёзов Н., Йўлдошев Б. Матн тилшунослиги. Услубий қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. – 102 б.; Йўлдошев Б., Ражабова К. Матн тилшунослиги. Услубий қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2012. – 124 б.; Қурбонова М., Йўлдошев М. Матн тилшунослиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2014. – 114 б. ва бошқалар.
31. Шаҳобиддинова Ш., Исоқов З. Матн ва уни боғловчи воситалардан бири // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. № 6. – Б. 75-76; Мухамедова Д. Матн ва унинг турлари // Истиклол ва тил (мақолалар тўплами). 3-қисм. – Тошкент: ТошДПУ нашри, 2007. – Б. 17-19; Тожиев Ё. “Матн”га ёндашув // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (илмий мақолалар тўплами). У-чиқиши. – Тошкент: “Академнашр”, 2010. – Б. 197-204; Қурбонова М.М. Матн таърифи ва унинг категориал белгилари // Профессор Карим Назаров хотирасига бағишланган “Ўзбек тилшунослиги: тараққиёти ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари (2016 йил 11 май). – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2016. – Б. 187-192 ва бошқалар.
32. Холбеков М.Н. Матн, интерматн ва интерматнлик // Холбеков М.Н. Структур адабиётшунослик. Рисола. – Тошкент: Наврўз, 2014. – Б. 106-135.
33. Бакиева Г.Х. Лингвистические основы анализа художественного текста. Автореф.... докт. филол. наук. -Т., 1993. - 46 с.
34. Федорова Н.В. Образная структура художественного текста. Автореф.... канд. филол. наук. -Т., 1994. -21 с.; Қобулова У.С. Метафорик матнда интеграл ва дифференциал белгилар муносабати (Ўзбек халқ топишмоқлари мисолида). Филол. фан. номзоди ... дисс. – Т., 2006. -26 б.



35. Ҳақимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари. Филол. фан. номзоди ... дисс. –Т., 1994; Сафаров Ж. Структура дипломатического дискурса и его лексико-фразеологический состав (на материале английского языка). Автореф....канд. филол. наук. Т., 2000. -25 с.; Нормурадова Н.З. Выражение языковой личности в художественном диалоге. Автореф....канд. филол. наук. Самарканд, 2012. -26 с.; Шерматов А.А. Инглиз илмий-техник матнида дейкиснинг ифодаланиши. Филол. фан. номзоди ... дисс. –Т., 2008. -21 б.

36. Тухтасинов И.М. Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте. Автореф....канд. филол. наук. Т., 2012. -28 с.; Киселев Д.А. Реализация глагольной анафоры в тексте (на материале французского языка). Автореф. ... канд. филол. наук. Самарканд, 2012. -28 с.

#### **Шартли қисқартмалар:**

АТРЎИЛ – Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати, Тошкент, 1979.

ЎТИЛ-5 – Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик, Тошкент, 2006-2008.

ТТИЛ – Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати, Тошкент, 2002.

*Боймирзаева С., Йулдашев Б. Текст и проблемы ее изучения в узбекском языкознании. В данной статье исследованы основные этапы изучения проблем текста в узбекском языкознании в годы независимости Узбекистана (1991-2016 гг.).*

*Boymirzayeva S., Yuldashev B. Text and problems of it's investigation in Uzbekistan. The article is about the stages of development of text linguistics in Uzbekistan.*

---

---





## ЎЗБЕКИСТОНДА ПРАГМАЛИНГВИСТИКА ТАРАҚҚИЁТИ

*Мирсанов Ғайбулло,*

*СамДЧТИ катта илмий ходим изланувчиси*

**Калим сўзлар:** прагмалингвистика, нутқий акт, нутқий мулоқот, дискурс, мустақиллик.

Тил табиатини англаш ва тилнинг амалий қўлланилишини тушуниш прагмалингвистика, социолингвистика, когнитив лингвистика, психолингвистика, қиёсий типология каби йўналишлар билан боғлиқликда ўз самарасини бера бошлади. Бунинг натижасида прагматикада маъно ва мазмун жиҳатларини таҳлил этиш орқали амалий масалаларнинг ечимини топишга кенг эътибор қаратилмоқда. Нутқий мулоқотнинг прагматик хусусиятларини англашга нафақат тилшунослар ёки файласуфлар, балки ижтимоий соҳа мутахассислари, адабиётшунослар, психологлар ҳамда бошқа соҳа вакиллари ҳам мурожаат қилишаётганлиги прагматиканинг ҳар томонлама муҳим соҳа эканлигини кўрсатади.

“Прагматика” (юнонча *pragma* – иш- ҳаракат) аслида фалсафий тушунча бўлиб, у қадимги юнон файласуфлари даврларида ҳам қўлланишда бўлган ва кейинчалик уни Ж.Локк, Э.Кант каби файласуфлар Аристотелдан ўзлаштириш орқали кенг истеъмолга киритишди. Шу тариқа фалсафада прагматизм оқими юзага келди. Бу оқимнинг асосий тараққиёт даври ва унинг тарғиботи XX асрнинг 20-30 йилларида сезила бошлади ва у кейинчалик тилшуносликка ҳам сингишига сабаб бўлди. Ўша даврда Ч. Моррис прагматик назариясини семиотиканинг бир бўлаги сифатида семантика (белгиларнинг объектга нисбатан муносабати) ва синтактика (белгилараро муносабат) каби бўлимлар билан тенг ҳуқуқда ажратади. Фалсафий прагматизм оқимининг лингвистикада ўз аксини топишида америкалик олим Ч.Пирснинг ҳиссаси катта. Ушбу фалсафий тизимнинг асосий ғояси

семиотик белгининг (жумладан лисоний белгининг ҳам) маъно-мазмуни берилган белги воситасида бажарилаётган ҳаракатнинг самараси, натижалари, муваффақияти билан боғлиқ ҳолда ўрганишга қаратилади [4, 37-38].

Прагмалингвистиканинг жаҳон тилшунослигида кенг миқёсда ўрганила бошлаши ўтган асрнинг 60-80 йилларига бориб тақалади. Мазкур даврда Ж. Остин, Ж. Сёрль каби тилшунослар томонидан яратилган “нутқий акт” назарияси юзага келди. Нутқий мулоқотнинг энг кичик амалий кўриниши нутқий акт саналади. У, албатта, нутқ муомаласи қоидалари ва тартибига бўйсунадиган мақсадли нутқий ҳаракат сифатида тушунилади. Нутқ актларининг умумий жамланмаси нутқий фаолиятни ташкил этади. Мазкур назариянинг асосий тадқиқот объектига сўзловчи, адресат ва уларнинг ўзаро муносабати, мулоқот вазияти билан алоқадор қатор масалалар киради. Хусусан, тилга фалсафий ёндашувда тил нутқининг амалдаги кўриниши ва реаллик билан алоқадорлигини аниқлаш учун хизмат қилади. Нутқий акт назарияси нутқининг мақсадли ифодаси сифатида ўз ичига “буйруқ шакллари”, “тасвир”, “миннатдорчилик”, “табрик”, “савол бериш” ва шу каби нутқда қўлланиладиган тил ва мулоқот воситаларини олади ҳамда уларнинг тадқиқи билан шуғулланади. Жумладан, сўзловчи нутқий ифодасининг мақсади, нутқий тактика, референция, пресуппозиция тушунчаларига тегишли жиҳатлар кўриб чиқилса, адресат нутқида прелокутив таъсир, иллокутив мақсад, натижа (хабарнинг информативлигини ошириш, эмоционал ҳолатни ўзгартириш) кабилар ўрганилади. Мулоқот давомида



иштирокчилар муносабати нутқий мулоқотнинг шакллари (тортишув, баҳс, мунозара, суҳбат ва хоказо), нутқнинг ижтимоий этикет томонлари, мулоқот иштирокчиларининг нутқ актидаги (буйруқ, таклиф кабилар) муносабатлари тадқиқ этилади. Нутқий вазиятда дейктик белгиларнинг таҳлили, нутқ вазиятининг мавзуга алоқадорлиги, мулоқотнинг шакллари каби тушунчалар ўрганилади. Прагматик пресуппозиция ходисасида нутқий ҳаракатнинг самарадорлиги, мулоқот иштирокчиларининг ахборот мавзуси ва у ҳақидаги билими ҳамда коммуникатив фаолиятнинг ички ва ташқи шарт-шароитларининг когнитив идроки асосий ўринни эгаллайди [4, 120].

Прагматик маълумотларнинг энциклопедик таҳлили “фрейм”ларда (атама М.Минский томонидан таклиф этилган) ўз ифодасини топади [1, 389-390]. Унинг фикрича, фрейм воситасида матн мазмунини аниқ ёрита оладиган вазиятлар моделлаштирилади.

Ч.Пирс семиотика доирасида уч илмий соҳа - синтактика, семантика ва прагматикани мустақил йўналишлар сифатида ажратади. Унинг таърифича, синтактика “белгиларнинг ўзаро синтактик муносабатларини уларнинг объект ёки интерпретатор-тавсифловчига бўлган муносабатларидан ажратган ҳолда ўрганишдир”, семантика эса “белгиларнинг ўз десигнатлари, яъни улар воситасида ифодаланган объектга бўлган муносабатини” таҳлил қилади ва ниҳоят, прагматика “белгининг ундан фойдаланувчи-интерпретаторга нисбатан муносабатини ёритувчи фандир” [4, 40].

Прагмалингвистика, шунингдек, тил бирликларининг коммуникатив-прагматик шароитда қўлланилишини ҳам ўрганади. Прагмалингвистика тилшунослик доирасида ҳамда прагматика атамаси билан семиотика соҳасида тил “белги”ларининг нутқда ва амалиётда қўлланилишини ўрганадиган сатҳ сифатида қаралиши борасида юқорида тўхталган эдик. Прагмалингвистика

лингвомаданият, когнитив тилшунослик, матн тилшунослиги, қиёсий тилшунослик, социоллингвистика, психоллингвистика каби қатор йўналишлар билан боғлиқ, ёки бевосита муносабатга киришади. Шунинг учун ҳам прагмалингвистика тадқиқот предметининг кенг миқёсда тасаввур этилиши ушбу соҳанинг турли йўналишларда тараққий этиши мумкинлигини намоён этади. Натижада, “прагмалингвистиканинг нутқий акт назарияси, прагмасемантика, прагмастистика каби ўз “ички” соҳалари юзага келди” [4, 70].

Прагматик назария, ўз навбатида, коммуникатив мулоқотни рационал ва сабабли жараён сифатида таҳлил этади, ҳамда фақатгина лингвистик структуралар билангина чекланиб қолмасдан, дунёвий билим, маданий нормалар, контекстнинг специфик компонентларининг индивидуал ёндашувли таҳлилларига ҳам ўз эътиборини қаратади.

Прагматик лингвистикада муҳим ўрин тутадиган ва кенг ўрганиладиган тушунчалардан бири, бу дискурс тушунчаси ҳисобланади. Дискурс тушунчаси лингвистик атама сифатида ўтган асрнинг ўрталарида тилшуносликка кириб келди. Тилшуносликда у дастлаб гап ёки нутқда боғланилган ва келишилган маҳсул сифатида тушунилган бўлса, замонавий лингвистикада мураккаб коммуникатив ходиса сифатида ишлатилмоқда. Дискурс атамаси қўлланилганда бирор-бир информация ёки мазмун ифодасини етказиш назарда тутилади. Информация атамасида эса умумий маънода ахборот етказиш маъноси тушунилади [5, 32]. Дискурс атамаси субъектив, ижтимоий-маданий, шунингдек, стереотип, преседент (намунали) фикрлар, монолог ва диалог кўринишидаги нутқий фаолият жараёнини ифодаловчи тушунчаларни қамраб олади. Амалда дискурс - бу матннинг шаклланиш усулидир. Дискурс илмий атама сифатида синтактик, семантик ва прагматик хусусиятга эга. У синтактик жиҳатдан



ифода плани, яъни структурасига, семантик жиҳатдан мазмун-маъно планига, прагматик жиҳатдан эса перлокуция-хабар планига кўра турли фикрлар, нутқий актлардан ташкил топган фаолият сифатида тавсифланади. Ч. Пирсинг келтиришича, “Дискурс” - бу тил бирликларининг маълум вақтда ва маълум жойда маълум мақсад билан қўлланиши, уларнинг изчил боғланишидир [3, 13]. Шунга кўра, “матн-натижа” тузилиши ва функционал “дискурс-жараён сифатида” кўриниши ўзаро мувофиқ келади. Матнда дискурс тил бирлиги сифатида универсал ва специфик хусусиятлар билан характерланади. Дискурснинг универсал хусусиятларига бир бутунлик ва боғлиқлик киради [4, 22]. Шунинг учун ҳам дискурс тил бирликларининг маълум вақтда ва маълум жойда маълум мақсад билан қўлланиши ва уларнинг ўзаро изчил боғланишини назарда тутадиган сатҳ сифатида умумийлик ва боғланганлик каби хусусиятларга эга.

Тилни прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этишга бағишланган ишларда дискурс атамаси қуйидаги маъноларда қўлланган: 1. Сўз муқобили; 2. Тил бирликлари танлови; 3. Нутқ вазияти ҳисобга олинган ҳолда фикрнинг адресатга таъсири; 4. Сухбат; 5. Нутқда сўзловчи позицияси; 6. Лингвистик бирликлардан фойдаланиш; 7. Матн ҳосил бўлиш шартларини тадқиқ этишга мўлжалланган назарий қурилма.

Ж.Лайонз бир томондан матн-гап ва тизим-гап, гап-тил ва гап-белги ҳамда иккинчи томондан нутқий бирликлар бўлган нутқий акт ва нутқий ҳосила, нутқий белги ва тил ҳодисаларини фарқлашни таклиф этади. Бу эса, ўз навбатида, гап маъносини семантиканинг объекти ва нутқий бирлик маъносини прагматика объекти сифатида ўрганишига сабаб бўлади. Ш.Сафаров прагматик назария-сўзловчи ва тингловчиларнинг гап белгисининг матнга пропозиция билан мос келиши деб изоҳлайди [4]. Демак, матндаги маълумот маълум даражада

тугал, давомли ва шу каби хусусиятларда намоён бўлади. Муаллиф таъкидлашича, “Воқеликда кечаётган ҳодисалар баёнида ва улар ҳақида ахборот узатишда унинг кечиш даври, пайтини кўрсатиш муҳимдир. Бундай кўрсатиш вазифасини замон (вақт) дейксиси воситалари бажаради” [4, 174].

Таъкидлаб ўтилган омиллар прагмалингвистика тадқиқот предметининг кенг миқёсда тасаввур этилиши билан алоқадор бўлиб, ушбу соҳанинг турли йўналишларда тараққий этганлигини кўрсатиб берди. Натижада, прагмалингвистиканинг қатор қўлланишлар маҳсули сифатида лингвистик бирликларнинг аниқ ва “воқеий мулоқот шароитида қўлланиши прагматик таҳлил объекти” [4, 108] бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса жаҳон тилшунослигида, хусусан ўзбек тадқиқотчиларининг ҳам ушбу йўналишга қизиқиши ортиб бораётганлигини кўрсатувчи далиллар етарлича мавжуд.

Прагматик тилшунослик соҳасининг кенг тараққий этиши ва ривожланишида Америка ва Европа тилшунослигида Ch.Morris, V.Evans, R.Bach, G.Antons, T.A.van Dijk, W.Dressler, H.P.Grice, Z.Harris, G.N.Leech, W.North, J.R.Searle, J.Ostin, D.Walton, G.Yule, G.Lakoff, Ch.Piers, R.Horn, G.Ward, S.C.Levinson, B.Birner, A.Kehler, H.H.Clark, A.E.Goldberg, E.C.Traughott, G.Fauconnier, J.Cutting, R.Jackendoff, Smith Carlota, G.Lyons, A.Wierzbiska ва бошқалар, рус тилшунослигида эса Ю.Степанов, Т.Булыгина, Н.Артюнова, В.Демьянков, В.Григорьева, Т.В.Анисимова, С.А.Аристов, В.В.Богданов, Г.В.Колшанский, М.Л.Макаров, Г.Г.Почепцов, Г.Г.Слышкин, А.А.Сусов, И.П.Сусов, С.А.Сухих, В.Е.Чернявская кабилар катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Тилшуносликнинг мазкур соҳасини Ўзбекистонда тараққий этиши ва ривожланишига олимларимиздан Ш.С.Сафаров, С.Раҳимов, Д.Ашурова, Н.Маҳмудов, А.Мамажонов, А.Нўрмонов,



Б.Йўлдошев, Х.Неъматов, А.Бушуй, М.Ҳақимов, С.Мўминов, А.Маматов, Ж.Ёқубов, С.Боймирзаева, Л.Раупова ва бошқа тилшуносларнинг хизмати улкан.

Таъкидланганидек, прагмалингвистиканинг семиотика соҳасига кириб бориши ўтган асрнинг 80-90-йилларида содир бўлди. Ўша йиллар давомида Ғарб, Америка ва рус тилшуносликларида кенг миқёсдаги тадқиқий ишлар амалга оширила бошланди. Мазкур жараён Ўзбекистондаги тилшунослик соҳаси тадқиқотларига қизиқувчиларнинг эътиборидан четда қолмади. Хусусан, Н.Махмудов, А.Нўрмонов, Д.Ашурова, С.Раҳимов<sup>17</sup> каби олимлар ўзларининг қатор илмий мақолалари орқали прагмалингвистиканинг нутқий ифодасига оид сатҳларни ўзбек тилшунослигига олиб кирдилар.

Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришгандан сўнг собиқ тузумдаги фанга бўлган бирёқлама идеологик ёндашувлар барҳам топди. Иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалар сингари илму фанга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Собиқ тузум даврида ўша системада яшаган халқлар онгига сингдирилишига ҳаракат қилинган материалистик қарашлар нисбий тушунча эканлиги исботланди. Бунинг натижасида илмий тадқиқотларга бирёқлама қарашлар ўрнини ҳар томонлама, турли факторларни эътиборга оладиган пишиқ, мулоҳазага ундайдиган ишларни амалга ошириш имкони яратилди. Хусусан, гуманитар фанларда мазкур ўзгаришларни кенгроқ кузатиш мумкин. Жумладан, тарихга бўлган муносабат умуман ўзгача кўринишга эга эди. Иттифоқдаги бошқа

